



III. МАҲКАМОВА
П. ХОЖАМҚУЛОВ

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ
РИСОЛАЛАРИДА - ПЕДАГОГИК
ФИКР, МУСИҚА ИЛМИ
ВА МУСИҚИЙ СОЗЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ
МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ**

**ШОҲИДА МАҲКАМОВА
ПИРИМҚУЛ ХОЖАМҚУЛОВ**

**ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ РИСОЛАЛАРИДА- ПЕДАГОГИК
ФИКР, МУСИҚА ИЛМИ ВА МУСИҚИЙ СОЗЛАР**

МОНОГРАФИЯ

“Мусиқа”

Тошкент

2021

85.31

L 37

Шоҳида Маҳкамова. Пиримқул Хожамқулов. Шарқ алломаларининг рисолаларида- педагогик фикр, мусиқа илми ва мусиқий созлар: Монография. Масъул муҳаррир: профессор А.Лутфуллаев. Тошкент: “Мусиқа”. 2021, 160 б.

**КБК 85.31
УЎК 372.781**

Монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий кенгаши томонидан 2021 йил 17-декабр куни нашрга этилган. Баённома № 5.

Масъул муҳаррир: А.Лутфуллаев, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Мусиқа таълими” кафедраси профессори

Тақризчилар: Ф.Халилов, педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Рахимов, Низомий номидаги ТДПУ “Чолғу ижрочилиги” кафедраси профессори

Мазкур монография мусиқа санъатининг профессионал соҳа мутахассисларига мўлжалланган бўлиб, унда халқ чолгуларида ижрочилик санъатининг тарихийлик масалалари таҳлил қилиб берилди, кўпгина мумтоз манбалар ва назарий қарашлар илк бор илмий муамолага киритилди.

Ушбу монография, шунингдек, педагогика йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, “Чолғу ижрочилиги”, “Ансамбл ижрочилиги”, “Қўшимча чолғу” фанларини ўзлаштирилишларида қўшимчи манба сифатида хизмат қиласди.

© “Musiqa” нашриёти, 2021
© Ш.Маҳкамова, 2021

ISBN 978-9943-4780-5-2

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ РИСОЛАЛАРИДА – ПЕДАГОГИК ФИКР, МУСИҚА ИЛМИ ВА МУСИҚИЙ СОЗЛАР.....	9
I.1. Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг илмий меросида мусиқа илми ва мусиқий созларни ўрганишнинг назарий амалий, тарбиявий асослари.....	9
I.2. Хонликлар даври аллома-олимлари ижодида мусиқа илми ва унда мусиқий созларни ўрганиш анъанаси.....	29
II БОБ. МУМТОЗ АНЬАНАЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ МАДАНИЙ- МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИ.....	58
II.1. Мусиқий созларни тасниф тизимида ўрганиш анъанасининг чолғу ижрочилиги педагогикасидаги аҳамияти.....	58
II.2. Мусиқий созларда бадиий-ижровий имкониятларнинг таснифлаб ўрганиш орқали ёритилиши (ўзбек анъанавий торли созлари мисолида).....	61
ХУЛОСА.....	103
III БОБ. БАДИЙ АСАРЛАР.....	104
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	146

КИРИШ

Ўзбекистонда бутунги кунда ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг янги босқичига кўтарилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегияси” дастуруламал бўлмоқда. Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи ва бешинчи устувор йўналишларида ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида қаторида *музиқа санъатини* ривожлантириш вазифалари ҳам белгиланган. Унга кўра, *биринчидан*, музиқа санъати ривожини янги босқичга олиб чиқиш; *иккинчидан*, соҳада профессионал кадрлар тайёрлашни кучайтириш ва ёшларни муносаб тарбиялаш; *учинчидан*, тажрибали санъаткорларнинг ютуқларини ўрганиш, тарғибот қилиш ва жаҳон музиқа санъати мумтоз намуналарини ўзлаштириш; *тўртинчидан*, музиқа санъати намуналарини бутунлай янгича ёндошувлар асосида тадқиқ этиш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш; *бешинчидан*, музиқа санъати мутахассисларининг илмий, профессионал ва ижтимоий маҳоратларини юксалтириб бориш вазифаларини амалга ошириш лозим бўлади. Шу жиҳатдан бу вазифалар музиқа санъатининг *муҳим таркибий қисми халқ чолғуларида ижрочилик санъатини* ҳам ривожлантиришга бевосита боғлиқдир.

Мазкур вазифалар доирасида Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти “Музиқа таълими” кафедрасида бир талай янги ишлар бошланди. Шундай ишлардан бири ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг *тарихийлик* масалаларини тадқиқ этишдир. Бу борада И.Акбаров, А.Одилов, В.Беляев, С.Бегматов, С.Векслер, Т.Вызго, Ф.Кароматов, Ф.Халилов, А.Лутфуллаев каби ўзбек олимларининг муҳим тадқиқотлари мавжуд, албатта. Жумладан, устоз А.Одилов ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи бўйича *илк бор маълумотларни* умумлаштириб беришга ҳаракат қилганди.¹ Айни пайтда, кейинги пайтларда мумтоз ёзма мусиқий манбаларнинг янгилари топилмоқда ва

¹ Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. –Т.: “Ўқитувчи”. 1995.

тадқиқот усулларида таҳлилийлик, тавсифийлик ҳамда тарихийлик уйғунлиги устувор даражада намоён бўлмоқда. Шу маънода соҳада тўпланган тажрибалардан келиб чиқиб ушбу монография тайёрланди.

Монография мундарижасини тузишда даврлаштириш масаласини ҳал қилиш учун қуйидагиларга асосланилди: 1) монографияда акс этган даврлаштириш шартли ва нисбий характерга эга; 2) даврлаштиришда ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати ривожининг мантиқий-тарихий тенденцияси ҳисобга олинди; 3) XXI аср бошидан бошлаб дунё илм-фанида цивилизациявий жараёнлар янтича асосларга кўра даврлаштирилаётганлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, нисбатан халқ чолғуларига мансуб бўлган маҳсус асарлар монографиядан ўрин олган.

Мамлакатнинг миллий истиқлол йилларида эришган ютуқлари жамият ҳаётида узоқ йиллар мобайнида тўпланиб колган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги хато, камчиликларни бартараф этишнинг муҳим ва ишончли кафолати бўлиб хизмат килмокда. Мустақиллик аввало миллий ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурда тарихий хотирани тиклаш, миллий мафкура, миллий маданият асосида миллий давлатчиликнинг бой анъаналарини янги сифатлар асосида янада боитиш борасида муҳим кадам бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи қадимдан ўзининг бой миллий-маданий қадриятлари, урф-одатлари. жаҳон маданиятига қўшган улкан ҳиссаси нуқтаи- назаридан алоҳида ўрин эгаллайди. Жаҳон ижтимоий-маданий тараққиёти силсиласида туркий халқлар, жумладан қадимдан ўзбек халқи томонидан яратилган бой мерос бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбек халқининг энг муҳим бойлиги сифатида маънавий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий мероснинг тан олинишининг ўзи ҳам халқимизнинг ўтмиш тарихи, бугунига берилган муносиб баҳодир. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг “Халқимизнинг таянчи - аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи — бир хазина. Бу хазинадан окилона фойдаланиш лозим” деб катъий қайд этиши тубида жуда катта мантиқий асос мавжуд.

Ўлкамизда узоқ йиллар давомида тўпланган бой маданий мерос халқ, миллатни тарбиялашда, миллий ғоя, миллий тафаккур, миллий мафкуранинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Қайд этиш лозимки, мавжуд миллий қадриятлар энг аввало тарбия, жамиятни ижтимоий соғломлаштириш каби муҳим вазифаларга хизмат килди.

Минг йилликлар давомида шаклланган тарбия тизими, индивидуал, якка тартибдаги ва ижтимоий тарбия усуллари Марказий Осиё халқлари тарихий тараққиётида ҳал килувчи рол ўйнайди, ҳеч шубҳасиз, бундай сифатлар ўзбек халқи менталитетининг моҳиятини ташкил этади.

Аждодларимиз тўплаган ҳаётий тажрибалар, хусусан ёш авлодни тарбиялашда қўлланилган усул ва воситалари, ўзига хос урф-одат ва анъаналари кейинчалик шу заминда етишиб чиқсан буюк аллома-олимларнинг педагогик карашларида сайкалланиб, илмий тус олди, ноёб қўллётмаларда муҳрланиб, маънавий меросга айлантирилди. Ушбу меросни ўрганиш, янги сифатлар билан бойитиб педагогик тафаккур истеъмолига олиб кириш - жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёти, ундаги маънавий юксалиш, тарихий хотира, анъана ва қадриятларнинг тикланиши жараёнида - энг долзарб масалалардан биридир.

Педагогик тизимда анъанавийликка бу каби урғу берилиши бежиз эмас, зеро, анъанавий тамойиллар замонавий унсурларни чуқурроқ англашда муҳим восита бўлиб, ёш авлоднинг аждодларимиз меросини ўзлаштириб, миллий - маънавий негизда тарбиялашнинг эса жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласи.

Юқорида таъкидланганидек, аждодларимиз меросини чуқур, илмий асосда ўрганиш, миллий-мусиқий, маданий қадриятларимизни тиклаш ва маънавий юксак миллий мутахассисларни тарбиялаш жараёни билан бевосита боғлик бўлиб, унинг мақсади - фақатгина маданий меросни ўрганиб, ўзлаштиришда эмас, айни вақтда мумтоз педагогик анъаналарни ҳозирги давр амалиётига татбиқ этиш, жамият ҳаётидаги энг асосий масала - баркамол шахс тарбиясида мусиқа илмининг тугган ўрнини аник-равшан

белгилаб беришдан иборат.

Марказий Осиё мутафаккирлари тафаккурида мусиқа илми асосан ахлоқ ва нафосат туйгуларини шакллантирувчи маънавий -тарбиявий омил сифатида истифода этилар экан, унинг ушбу мўъжизавий моҳияти педагогик илмлар билан бир қаторда, фалсафа, тарих, руҳшунослиқ, этика, эстетика, санъатшунослиқ (музиқашунослиқ, манбашунослиқ, этнография, чолғушунослиқ) каби соҳа асослари билан узвий боғлиқликда ўрганишларини тақозо этади.

Аввало, таъкидлаш лозимки, мусиқа санъатининг ижтимоий - педагогик хусусиятларини илмий-назарий асослаб берган мумтоз педагог аллома-олимларнинг форс-тоҷик араб тилларидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган мусиқий рисолалари ва дидактик асарлари - тадқиқотимиз муаммосини таҳлил ва талқин этишда асосий манба бўлиб хизмат килди. Хусусан, ал-Фаробийнинг “Мусиқа ҳақида Катта китоб” фундаментал асари, Ибн Синонинг “Китоби уш-Шифо” комусий тўпламига киритилган мусиқий рисоласи.

Кайковуснинг “Кобуснома” ва Навоийнинг “Махбуб ул-кулуб” дидактик асарлари, Жомий, Кавкабий Бухорий, Дарвеш Али каби аллома олимларнинг мусиқий рисолалари, маърифатларвар А.Фитратнинг илмий асарларида Марказий Осиё мусиқа илмининг таркибий асослари, предмети, тадқиқ услублари ва педагогик фан сифатида ривожланиш қонуниятлари муфассал ёритиб берилган. Ушбу мероснинг тадқиқотимиз мавзуига даҳлдор бўлган жуда муҳим жиҳати шундаки, уларнинг мутлоқ барчасида миллий мусиқамизнинг моддий қуроллари - мусиқий созларни ўрганиш анъанасига эътибор берилиб, кўп ҳолларда бу соҳа маҳсус бобларда таҳлил этилган.

Маълумки, ҳар бир тарихий даврда юзага келган ижтимоий-сиёсий, мафкуравий тизим - маданий-маънавий ҳаёт, илм-фаннынг тараққиёт йўналишини белгилашда маълум рол ўйнайди.

Зеро, айнан ҳалқ мусиқаси ёшларнинг дунёкарашида миллий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга кодир бўлган қудратли салоҳиятга

этадир. Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, ўқувчиларни мусиқа орқали тарбиялаш энг аввало миллий-музиқий мерос - хусусан, аждодларимиз томонидан шакллантирилган мусиқий назарий ва амалий билимларни эгаллаш орқалигина амалга оширилиши лозимлиги эътироф этилса-да, бироқ ушбу муаммо ҳозирча илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолиб, таълим-тарбия тизимида энг долзарб муаммолар сирасида ўз ечимини топмай келмоқда.

Марказий Осиё педагогик фикр тараққиётида ўчмас из қолдирган аллома- олимларнинг илмий мероси, таълим-тарбия борасидаги ғоялари жуда кенг тарзда истифода этилган ва биз учун жуда муҳим илмий ва услубий манба вазифасини ўтэган яна бир туркум тадқиқотлар мажмуи - мустақиллик даврида яратилган педагогика тарихига оид ўқув қўлланмалардир. Ушбу қўлланмалар тамомила янгича концептуал-методологик ва илмий-педагогик ёндашувнинг самараси бўлиб юзага келди.

Шундай қилиб, шахснинг камол топишида асосий омиллардан бири сифатида тараққий этиб келган мусиқанинг тарбиявий хусусиятлари - турли нуктаи назарлардан ўзбек олимлари томонидан тадқиқ этиб келинган бўлса-да, унинг фан сифатида шаклланиш тархий-эволюцион босқичлари, назарий- амалий асосларнинг ғоявий негизи ва шу билан бирга фан предметининг педагогик моҳияти яхлит тизимда ўрганилмаганлиги мазкур монографияни яратишга туртки бўлди.

Ушбу монография мусиқа санъатининг кенг профессионал вакилларига мўлжалланган бўлиб, унинг юзага келишида маслаҳат ва тавсиялари билан яқиндан ёрдам берган тақризчиларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Монографияга доир фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

І БОБ. ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ РИСОЛАЛАРИДА- ПЕДАГОГИК ФИКР, МУСИҚА ИЛМИ ВА МУСИҚИЙ СОЗЛАР

I.1. Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг илмий меросида мусиқа илми ва мусиқий созларни ўрганишнинг назарий - амалий, тарбиявий асослари.

Жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми сифатида тараққий этиб келган мусиқанинг шахсни аҳлоқан баркамол, маънавий етук қилиб тарбиялашда жуда муҳим ва зарурати баланд омил эканлиги турли тарихий даврларда таъкидланиб келинган бўлиб, кейинчалик бу мўъжизавий воеъликга нисбатан ижтимоий талаб -эҳтиёжларнинг ортиб бориши - унинг мустақил фан тарзида шаклланиб, илмий нуктаи-назардан ўрганилишига олиб келди. Марказий Осиё аллома-олимлари тафаккурида мазкур фаннинг педагогик илмлар сирасида илк талқин этилиши эса, шарқ халқлари маданий ҳаётининг юксак чўққиси - Шарқ Уйғониш даврига тўғри келиб, ундаги ижтимоий - сиёсий, мафкуравий тизимда юзага келган маънавий муҳит - бу муҳим ҳодисанинг рўй беришига етарлича шартшароит яратиб берган эди.

Маълумки, VIII- IX асрларнинг ўрталарида жуда кучли империяга айланган араб халифалигига қарши миллий-озодлик ҳаракатларининг олиб борилиши натижасида Марказий Осиёда мустақил феодал давлатлар - Сомонийлар, кейинчалик Қорахонийлар, Хоразм шоҳлар давлати юзага келди. Таъкидлаш лозимки, бу давлатлар ўртасида низоли урушлар ва бунинг оқибатида феодал тарқоқлик давом этиб турган бўлсада, ижтимоий-сиёсий вазият ўзгарган, ерли халқлар мустамлака зулмидан қутилган ва мустақил ривожланиш йўлига кирган эди. Бу даврда ривожланган феодал муносабатлар қарор топиб, ҳозирги Бухоро, Марв, Самарқанд, Урганч, Термиз, Хўжанд каби қўплаб шаҳарларда ҳаётнинг барча соҳаларида илғор ўзгаришлар юз бера бошлади. Қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик, хунармандчилик, меъморчилик ўсди ва бу каби ривожланиш маънавий-маданий юксалиш, илм-фаннынг тараққий этишига кенг йўл очиб берди.

Марказий Осиё тарихида бу янги давр - Уйғониш даври деб аталиб,

ундаги маданий юксалиш - аввало қарамлиқдан қутилиш, мустақил тафаккур, мустақил ижод, мустақил-маънавийлик - мустақилликнинг самараси бўлиб юзага келди. Таъкидлаш лозимки, мазкур давр ижтимоий-маданий ҳаётида янги унсурларнинг таркиб топиши ва ўзига хос хусусиятларда тараққий этишида - араб истилочилари томонидан жорий этилган ислом динининг таъсири жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ислом факат диний ақидалар тизимидағина эмас, балки дунёвий, маънавий маданиятнинг муҳим йўналиши сифатида турзги соҳаларни ҳам ўзига буйсундириб борди. Кейинчалик эса, турли халқлар анъаналарининг ўзаро таъсирини кучайтириб юборди ва натижада “мусулмон маданияти” деб номланган янги маданий қатlam вужудга келди. Унда ҳинд араб, эрон, рим, юонон халқлари қаторида Марказий Осиё халқлари ҳам ўзининг маданияти билан алоҳида ўрин эгаллади. Айниқса, бу даврда Марказий Осиё илми - дунё микёсида биринчи ўринга чиққанлиги манбаларда қайд қилинади.

Дарҳакикат, Уйғониш даврининг IX-XII асрларида фалсафа, мантиқ, тиббиёт, тилшунослик ва бошқа фанлар жуда тараққий этди. Бу фанларнинг назарий-амалий асослари ишлаб чиқилиб, йирик қомусий асарлар яратилди. Бу давр - Фаробий, Иби Сино, ал-Хоразмий, ар-Розий, Беруний каби даҳоларни дунёга танитди. Улар қўлга киритган ютуклар - кейинги асрларда жаҳон илмининг тараққий этишини белгилаб берди. Таъкиддаш лозимки, илм-фаннинг тараққий этишини белгилаб берди. Таъкиддаш лозимки, илм-фаннинг бу каби равнак топиши - аввало, маҳаллий халқдан чиккан намоёндаларнинг анъаналарга бой миллий маданият негизида шаклланган тафаккури ва шу билан бирга бошқа халқлар илмий меросининг танкидий ўрганилиши ва ижодий ўзлаштирилиши натижасида рўй берди. Аммо XIII асрда муғуллар истилосининг бошланиши билан бу маданий-маърифий юксалиш тушкунликка юз тутиб, бошқа шарқ халқлари қаторида Марказий Осиё халқлари ҳам янги зулмга маҳкум бўлдилар ва бу боскинчилик ҳаракати мустакил Амир Темур давлатининг ташкил бўлишига қадар давом этди.

Таъкиддаш лозимки, Марказий Осиё тарихида бу каби йирик мустакил феодал давлатнинг шаклланиши ва ривожланиши кейинчалик

муғуллар томонидан вайронэга айлантирилган мамлакатда заифлашган маънавий-маданий ҳаётнинг юксалишида ва тараққий этишида жуда катта бурилиш ясади. Манбаларда ёзилишича, Амир Темурнинг ўзи ўқимишли, саводхон ва маърифатпарвар инсон бўлган ва мамлакат тараққиётида, халқнинг маданий ва маънавий камолотида илм-фан ва маърифатнинг ахамиятини жуда қадрлэган. “...миллати, иркидан катъий назар, касб-хунар эгалари, усталар, меъморлар, олиму-фузалолар, адабиёт ва санъат арбобларини жуда-жуда қадрлар, улар билан доимо маслаҳатлашар, уларнинг фикр ва мулоҳ азаларига доим қулок солар эди.

Маънавий маданият ходимларининг ишлаши, яшashi ва ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берарди”. Мазкур даврда ал-Хусайнин, Хўжа Юсуф Андижоний, ал-Омувий, Абдулкодир Марофий, Беҳзод, Улугбек, Бобур, Шарафутдин Яздий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мавлоно Биноий каби буюк ижодкорлар етишиб чиқдилар ва улар ўтмишдошларининг таълимотларидан замонавий эҳтиёжларни ўзига хос янгича сифатларда қондириш йўлида фойдаландилар. Таъкиддаш лозимки, давр мазмунидан келиб чиқиб, аллома-олимлар ижодида ўзига хос илмий – услубий йўналишларнинг юзага келиши - илм-фаннынг янада тараққий этишига замин яратиб берди.

Уйғониш даврининг бу каби маданий юксалиш жараёни - Марказий Осиё ҳалклари ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида тараққий этиб келган мусиқа санъатининг ҳам фан сифатида шаклланишига шароит яратиб берган эди. Мазкур фаннынг шаклланишида аввало миллий анъаналарга бой маҳаллий- мусиқий маданият унсурлари, уларни ўзлапгириб ривожлантирган ҳалқ ҳофиз ва созандалари, улар яраттан мактабда қўлланилган услубий йўналишлар асосий гоявий манба вазифасини ўтади. Масалан, нафақат Марказий Осиё, балки, бутун шарқда бастакор, ижрочи-созанда сифатида шухрат қозонган Борбад Пирвизий мусиқа таълимоти, асрлар давомида мукаммал туркум сифатида шаклланган 12 мақом тизими, амалиётда қўлланиб келинаётган турфа хил мусиқий созлар, ижрочилик мактаби анъаналари - маҳаллий ҳалқ ҳаётида мусиқа санъатининг жуда тараққий этганлигидан далолат бериб, айнан шу мусиқий мерос негизида

ва бошқа халқлар, хусусан, юонон олимлари мусиқий- назарий фикри билан уйғунликда Марказий Осиё мусиқа илми юзага келди.

Эвклид, Никомах Платон, Аристотель каби олимларнинг араб тилига таржима қилинган мусиқий рисолаларини таҳлил этиб ўрганган алломат олимлар тафаккурида мусиқа илмининг шарқона асослари ўз куртакларини ёза бошлади. Мусиқанинг фан сифатида шаклланшида - унинг муҳим функционал хусусияти - шахс дунёкарашида ахлоқий ва эстетик туйгуларни шакллантира олиш каби тарбиявий кудрати асосий омил қилиб олинди ва илмий ҳарактерда тараққий этиб, педагогик ёндашувда ўрганилишига асос бўлди.

Таъкидлаш лозимки, мусиқа илмининг педагогик моҳияти қадим юонон олимлари таълимотида ҳам алоҳида қайд этиб келингандир. Хусусан, Платон “давлатни мустаҳкамлаш, юксак ғояларни амалга опширишнинг бирдан бир воситаси тарбия эканлигини қайд килди” ва таълим тизимининг дастлабки ва энг юқори босқичида ҳам мусиқа илми бошқа фанлар қаторида ўргатилиши лозим деб ҳисоблади. Аристотель эса мусиқа фанини ҳар бир боланинг баркамол тарбия олишида жуда муҳим деб ҳисоблади.

Таъкидлаш лозимки, қадим Юнонистонда мусиқа илмининг ўзи 4 та таркибий қисм: гармоника, ритмика, метрика ва органика, яни чолғулар ҳақидаги илмлардан иборат бўлган. Чолғушунослик соҳасининг (мусиқий созлар ҳақидаги илмнинг) умуман мусиқа илми таркибиға киритилиши ҳам бежиз эмас эди. Зоро, мусиқа ижродагина жонли бўлиб, уни тингловчига моддийликда етказиб берувчи икки воситанинг бири (инсон овозидан ташқари) мусиқий создир. Маънавий омил деб қаралса-да мусиқани ташкил қилувчи оҳангларнинг тартибли тизими мусиқий созлар воситасида вужудга келтирилиб, инсон томонидан идрок этилади, унинг рухиятига сингиб, ўз таъсир кучини ўтказади.

Мусиқанинг бадиийлнк имкониятлари кўп ҳолларда мусиқий созларнинг тузилиши, унда шаклланган ижрочилик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шу туфайли юонон мусиқа таълимотида мусиқий созлар мусиқа билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, унинг таркибий

қисми сифатида ўрганилган ва ҳар бир тарбияланувчи мусиқа назарияси (гармоника, метрика, ритмика) билан бирга мусиқий соз сирларидан (органикадан) хабардор бўлиши шарт ҳисобланган. Ушбу анъана кейинчалик, ўз мазмунини саклэган ҳолда Марказий Осиё мусиқа илмида ҳам давом эттирилди ва юқорида айтиб ўтилганидек, педагогик фикр намоёндалари тафаккурида мусиқанинг энг муҳим функционал хусусити - унинг тарбиявийлиги деб таъкидланиб, педагогик тадқиқотлар предмети сифатида кенг ўрганиб келинишига асос бўлди.

Мусиқанинг шарқона назарий - амалий асослари ва педагогик моҳияти айниқса, Уйғониш даврининг даҳоларидан бири Абу Наср Фаробий (873-950) томонидан муфассал ўрганилиб, фан предмети - яхлит тизимда тадқиқ этилди. Унинг мусиқий-илмий қарашлари 160 дан ортиқ рисолалари орасида “Каломи фи-қ мусиқий” (“Мусиқа ҳақида сўз”), “Китоби фи-н нақра музофа ила-л ибқоъ” (“Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида китоб”), “Китоби ал-музиқа ал- Кабир” (“Мусиқа ҳақида Катта китоб”) каби асарларида баён этиб қолдирилди.

Аллома мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини ўз асарларида истифода этиб, арифметика, геометрия, астрономия фанлари қаторида мусиқа илмини тарбиявий фан деб атайди: “Бу 4 фан - тарбиявий фан деб аталади, чунки улар туфайли ўқувчилар тарбияланади, улар ўқувчиларни янада назокатлироқ қиласи ва ўқувчиларга шундан кейин келадиган билимларни ўрганиши ва ўқиб олиши учун тўғри йўл кўрсатади”. Маълумки, ўрганилаётган даврда фалсафа икки асосий бўлимга - назарий ва амалий қисмларга ажратилган. Хусусан назарий фалсафанинг асосий бўлимлари учта бўлиб, улар табиат тўғрисидаги илм, худо тўғрисидаги илм за улар ўртасидаги оралик фанлар ҳисобланмиш математика илмларидан. Ўз навбатида математика тўрт хил: арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа фанларидан таркиб топган эди.

Фаробий ҳам мусиқа илмини математика таркибида ўрганиб, мазкур илмнинг ўқувчининг мукаммал билимларни олишида тайёргарлик вазифасини ўтовчи бошланғич боскичда жуда муҳим ўринга эга эканлигини таъкидлайди. Ушбу илмнинг моҳияти эса, аллома томонидан

шундай таърифланади: “Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар учун хулқини тартибга келтиради, мукаммаликка етмаган хулқни мукаммал килади ва мувозанатда бўлган одамлар хулкининг мувозанатини сақлаб туради. Бу билан Фаробий мусиқа илмини шахс ўзида мужассам қилиши лозим бўлган аҳлоқий ҳислатларни шакллантирувчи тарбия воситаси сифатида юксак баҳолайди.

Фаробий фикрича, мусиқа инсонни маънавий озиклантирувчи омил сифатида ҳам унинг руҳиятига сингиб кирар экан, шахсни маълум кайфиятлар орқали у ёки бу мақсадларга йуналтириши лозимдир. Акс ҳолда мусиқа шунчаки дилхушлик учун қўлланилиб, унинг тарбиявий аҳамияти йўқолади.

Руҳият - инсоннинг ички дунёсидир ва унинг етуклик даражаси сингиб борувчи омилларнинг ҳарактери билан боғлиқдар. Мусиқа эса, инсон ички дунёсининг ҳиссиётли томонлари билан бирга маънавий оламини бутунлайча ифода этиб, унинг ақвий ва ирода қудратини, яхлит қиёфасини яратади. Шундай экан, мусиқа тарбиявий омил сифатида улкан маъсулиятни ўз зиммасига олади, унинг ижобий ёки салбий таъсир кучи жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Аллома мусиқанинг тарбиявийлик хусусиятини шунчаки эътироф этибдана қолмай, балки фан предмети сифатида унинг назарий ва амалий асосларини ҳам илмий негизда талқин этди. Мусикий илм, деб ёзади Фаробий, бир-бирини тўлдурувчи 2 қисмдан иборат:

1.Мусиқа назарияси.

2.Мусиқа амалиёти.

Мусиқа назариётининг вазифаси — товушларнинг хусусиятларини ва ҳолатини, кандай тарзда намоён бўлишини, уларнинг сони ва сифатини идрок қилиш, яъни билишдан иборатdir. Мусиқа амалиёти эса, иккига бўлинниб, оҳанг яратиш ва ижрочилик санъатини ўз ичига олади. Унинг вазифаси - ҳиссий таъсирчан оҳангларни вужудга келтиришдан иборатdir.

Фаробий таъкидлашича, ҳиссий таъсирчан оҳанглар икки хил восита - овоз ва мусикий созлар орқали ижро қилиниб, инсон овози табиий мусикий соз, инсон томонидан яратилган мусикий созлар эса, сунъий

воситалардир. Олим бу созларнинг биринчисини мукаммал ҳисоблайди. Аммо чолғудан тараладиган мусиқанинг эстетик жиҳатдан ҳам ўзига хослигини таърифлаб, ундаги бадиий ҳарактернинг – шахсда ахлоқий қиёфа, ижодий қобилиятлар, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланишида жуда қахта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди (50) ва айнан шу омил Фаробий таълимотида мусиқий созларни илмий- назарий ёндашувда ўрганилишига сабаб бўлди.

Аллома “Мусиқа ҳақида Катта китоб” нинг маҳсус бобини “Мусиқий созлар ҳақида” деб номлади ва мусиқанинг моддий қуролларини ўрганишга бағишилади. Мусиқий созларни педагогик тадқиқот предмети сифатида ўрганилишида айниқса тасниф тизимининг қўлланилиши - жуда самарали натижалар берди. Бу услуб қадим юонон мусиқа илми анъаналаридан бўлиб, шарқда уни илк бор Фаробий қўллади. Бу билан олим, Марказий Осиё мусиқа илми таркибида чолғушуносликнинг кейинги ривожига асос солиб, унинг ушбу таълимини Ибн Сино (IX-X асрлар), кейинчалик, ал-Омувий (XIV аср), Абдулқодир Мароғий (XIV аср) томонидан қўлланилди ва янада такомиллаштирилди.

Таснифга қўра, мусиқий созлар товуш манбаига қараб турларга бўлинган. Масалан, пулфлаб чалинадиган созлар ёки торли созлар ўз навбатида, ташкил бўлган гурухларда бир турдаги созлар товуш ҳосил қилиш услубига караб янада кичик гурухларга бўлинади.

Таъкидлаш лозимки, олим мусиқанинг назарий қисмига оид тажрибаларини уд, танбур каби торли созлар устида олиб борган бўлиб, бу ўша даврда айнан торли созлар бошқа турдаги создарга нисбэган кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Фаробий ҳам шу сабабли рисолада ушбу созларни алоҳида ўрганиб, улардаги бадиий-ижровий имкониятларнинг катталигига эътибор беради. Аллома қўллэган тасниф услубининг мазмуни куйидагидан иборатdir:

1. Торни бўлакларга бўлиб товуш ҳосил қилинувчи созлар (дастага эга бўлган созлар, масалан, уд, танбур, гижжак ва бошқалар).
2. Очиқ торлардан товуш ҳосил қилувчи созлар (дастасиз, товуш берувчи қутига эга бўлган созлар, масалан, қонун).

Фаробий, ижрочилик санъатида чолғу мусиқасининг ҳиссий-эмоционал таъсир кучини ҳар бир сознинг табиати билан боғлайди ва улардаги ижровий-бадиий имкониятларни тарбиявий-эстетик хусусият деб эътироф этади. Фаробий таълимотида мусиқа ва мусиқий созларнинг бир-бирини тақозо этиб, яхлит қамровда ўрганилиши лозимлиги илмий исботланиб, асосли равищда анъана тусини олди ва унинг издоши, аллома Ибн Сино (980-1037) ижодида бевосита давом эттиради.

Аллома дунё аҳлига аввало табиб сифатида танилса-да, унинг таълим-тарбия ҳақидаги кимматли мулоҳазалари кўплаб асарларида бизгача етиб келди ва ўз кучини ҳозиргача сақлаб келмокда. Жумладан, аллома инсон маънавий қиёфасининг шаклланиши ва тарбияланишида қўлланувчи муҳим воситалардан бири - мусиқадир деб ҳисоблади. Бундан ташқари, мусиқанинг руҳиятга таъсир кучига катга баҳо бериб, уни - руҳий касалликларни даволаш учун хизмат қилувчи шифо манбаи деб таъкидлаб ўтади.

Ўтмишдоши Фаробий сингари, Ибн Сино ҳам мусиқанинг тарбиявий хусусиятини чуқур англаб, уни бошқа фанлар қаторида пухта эгаллайди ва бу борада маҳсус рисолалар битади. Масалан, алломанинг “Китоб уш Шифо” қомусий тўпламига киритилган “Мусиқий илмлар тўплами”, “Китоб ун-Нажот” қомусий асарига киригилган “Мусиқа илмининг қисқача баёни”, “Билимлар Китоби”нинг “Математика” қисмига киритилган асари ва бизгача етиб келмэган “Мусиқа санъатига кириш” рисолалари шулар жумласидандир.

Алломанинг бизнинг мавзуумизга бевосита алоқадор кимматли мулоҳазалари - ўзининг “Жомеъ илм ал-музиқий” (“Мусиқий илмлар тўплами”) асарида мужассам бўлгандир. Масалан, асарнинг кириш қисмида, мусиқий товушларнинг мўъжизавий хусусияти тўғрисида шундай мулоҳаза юритилади. “Идрок этгишга молик бўлган барча нарсаларнинг ҳаммасидан товуш (оҳанг) ўзининг ёқимлилиги, билан ажралиб туради. У идрок этилувчи бошқа воқеиликлардан шуниси билан фарқ киладики, унинг айрим кўринишлари лаззат бахшида этса, айримлари нафрат туйғусини юзага келтиради.

Демак, аллома, мусиқий товушнинг умуман, инсон рухиятига таъсир кучини эътироф этган ҳолда, ундан қоладиган таасуротларнинг турфа хил сифатларга эга бўлишини ҳам муҳим жараён деб билади. Мусиқанинг айнан шу хусусияти Ибн Сино томонидан тарбиявий деб мушоҳада этилади, шу билан бирга мусиқа тинглаб, ундан озиқа олишни эса, маънавий лаззатланишнинг олий кўриниши деб ҳисоблайди, “Юксак маънавий лаззатланиш - мусиқий товушлар кўнгилга ўтирганда рўй беради” деб фикр юритади Ибн Сино, “маънавий бой одам олий лаззатдан баҳраманд бўлса, паст одам ҳиссий лаззатга интилади”.

Демак, мусиқа маънавий камолликка етакловчи воситалардан биридир, инсон маънавий етуклиги эса - жамият тараққиётини белгилаб берувчи қудратли куч бўлиб, аллома таълимотида мусиқанинг инсон маънавий қиёфасининг шакллиниши билан боғлаб таҳлил этилиши - фан предметининг ижтимоий-педагогик моҳиятини ҳам ёритиб беради.

Уйғониш даврининг кўплаб алломалари қаторида Ибн Сино ҳам мусиқа илмини математик илмлар сирасига киритади, зеро, олим, мусиқий оҳанглар товушларнинг тартибли тизимидан ташкил топган деб, бу борадаги назарий тадқиқотлар унингча икки йўналишда:

1. Тонлар, уларнинг оҳангдош ёки нооҳангдошлигини таҳлил қилиш, яъни, гармоника.
2. Тонлар орасидаги ўзаро мутаносибликни вақт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яъни ритмика каби масалаларни ечишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Уларнинг ҳар қайсиси ўзининг бошланғич тавсифига эга бўлиб, бошқа илмлар, масалан, арифметика, физика, ва айрим ҳолларда геометрия билан боғлиқдир.

Манбаларда Ибн Синонинг у ёки бу мусиқий созда мукаммал ижро қилишлиги ҳалида маълумотлар учрамайди. Аммо аллома мусиқа илми таркибида мусиқий созларни ўрганиш анъанасини бевосита давом эттиради ва Фаробий сингари мусиқанинг ажралмас қуроллари сифатида, ўз даврида кўлланилаётган мусиқий созларни тасниф тизимида ўрганади.

Таъкидлаш лозимки, аллома, мусиқий созларни таснифлашда

ўтмишдоши таълмотига асосланган бўлса-да (товуш манбайнинг фаолияти асос қилиб олинса-да), унинг ёзиича, чолғу асблоблари – ижро этилишига қараб бир-биридан фарқ қиласи. Яъни, Ибн Сино, мусиқий созлардаги товуш манбаидан ташқари, уларни ижро этиш усулларига эътибор берди, бор турдош ва бир гурухга мансуб мусиқий созларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи томонлари борллигини эътироф этди. Масалан, танбурнинг ижро услуби - ғижжак ижро услубидан фарқ қиласи ва бунинг оқибатида уларда таралаётган оҳангларнинг бадиий-эстетик характери ҳам турли хил сифатларга эга бўлади. Ҳар бир мусиқий сознинг руҳий таъсирчанлик даражаси ҳам бир-биридан фарқ қилиб, тингловчи тасаввурида алоҳида, фақат ўзига хос таассурот қолдиради. Бу жараён – қўлланилаётган мусиқий сознинг конструктив, морфологик, тембр-акустик, ижодий имкониятлари билан боғлиқдир.

Демак, мусиқий сознинг техник ижровий хусусиятлари - бадиий имкониятларнинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш эса мусиқий қуролларининг бадиий - тарбия воситаси сифатидаги имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Кўриниб турибдики, Фаробий ва Ибн-Синонинг мусиқий созларни ўрганиш борасидаги карашлари жуда яқин бўлиб, бу айниқса, тасниф тизимининг мазмунида яққол намоён бўлган.

Юқорида баён қилинганидек, кўпчилик алломалар ўз рисоладарида асосан торли созларни ўрганиш билан бирга, улар воситасида назарий масалаларни ёритишида фойдаланиб келганлар. Бизнингча, мусиқий созларнинг ушбу турига алоҳида эътибор берилишига асос бор: торли созлар табиатан ўзларининг ясалиши, конструктив хусусиятлари, ижровий имкониятлари, тембр- акустик жиҳатлари билан бошқа турдаги созларга нисбатан мукаммалдир.

Бундан ташқари, уларнинг амалий мавкеъи бошқа турдаги созларга нисбатан кенг бўлиб, инсоннинг ижтимоий ҳаётида ўзига хос истеъмол ўрнига эга бўлиб келган. Бу эса, олимлар диккатини доимо жалб этиб, изланишлар мазмунини белгилаб берган. Масалан, X асрда яшаб ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (997 й. вафот этган)дек аллома ўз билим

хазинасини айрим мусиқий созлар (хусусан торли созлар) ҳақидаги кимматли илмий мулоҳазалар билан бойитиб, мусиқа илмининг ривожига улкан ҳисса қўшгандир.

Олим ўзининг “Мафотих ал- улум” (“Илмлар қалити”) деб номланувчи қомусий тўпламининг мусикэга бағишлиланган қисмида мусиқа илмининг предмети, унинг вазифаларини аниқ кўрсатиб берди ва шу билан бирга унинг таркибида уд ғижжак- танбур каби созларнинг ижровий - имкониятлари, уларда кандай мазмундаги асарлар ижро қилиниши ва улардан қоладиган бадиий тассуротлар таҳлили устида тўхталади.

Хоразмий ўз даврида маълум бўлган фанларни комусий тўпламига киритиб таснифлар экан, уларни Шариат илмлари- “улум ал-шариа” ва “улум ал-ажам” деб арабларники бўлмаган (дунёвий) фанларга ажратади. Мусиқа илми эса, Хоразмий томонидан, “улум ал- ажам” туркумига санаб ўтилади ва бу билан аллома, мазкур фаннинг инсон камолотига етишувида муҳим восита илм эканлигини қатъяни таъкидлайди.

Зоро, Хоразмий даврида мусиқа илмининг моҳията турлича талқин этилиб, мазур илм предмети ўзида кўпроқ илоҳий мазмунни олиб борувчи воқеълик сифатида ҳам таърифланиб келинди. Масалан, Хоразмий мусиқа иимини дунёвий илмлар сирасига киритган бўлса, унинг замондошлари “Софлик биродарлари” деб номланувчи диний-фалсафий уникма қатнашчиларининг тарихий номаларида мусиқа - математика таркибида, аммо илоҳий мазмунда тавсифланади. Уларнинг фикрича, барча санъаткор-донишмандлар томонидан кашф этилган бўлиб, мусиқа санъатининг яратилиши сабабларидан бири - уни (музыкани) худо йўлида қўллаш мақсадидир (ассосан тоат-ибодатлар жараёнида).

Донишмандлар кўплаб оҳанглар ҳам яратишган бўлиб, уларнинг бири мукаддас матнларни (қуръон сураларини) ўкиида фойдаланилган. Улардан яна бири жангларда, бири тонгда bemорларни даволашда, бири таъзияда, бири оғир меҳнат қилиш жараёнида, колганлари эса, тўй-базмларда ижро қилинади. Номаларда билдирилишича, мусиқа - бу оҳангдир, мусиқачилар – оҳангларнинг ижрочиси, мусиқий созлар эса оҳангларни ишлаб чиқарувчи куроллардир.

Донишмандларнинг айтишича, улар яратган мусиқий соз удининг 4 тори бўлиб, улар табиатдаги 4 ҳодиса: олов сув, хаво ва ернинг рамзий белгиси ҳисобланиб, донишмандлар ўзларининг ижодларини (яратган созларини) - Яратувчининг донолигига қиёслайдилар: уларнинг фикрича, удинг энг юқори тори “зир” - доимо оловга ўхшайди ва унинг садоси ҳам олов сингари ҳароратлидир; “масна” (уднинг 2-тори) ҳавога, ундан таралувчи садо - намлик ва юмшок ҳавога, “маслас” (уднинг 3-тори) сувга, унинг садоси сувнинг совуклигига ва энг паст тор “бум” эса, ерга, ундан тараладиган товушлар – ернинг оғирлигига ва каттиклигига ўхшайди. Улардан тараладиган оҳанглар ҳам илоҳийдир. Айрим дин пешволарининг мусиқани таъкиқлашга қаратилган қонунлари эса, инсонларнинг мусиқани - донишмандлар олдига қўйган мақсадларда эмас, балки, дилхушлик қилиш учун қўллашига қарши эълон қилингандир.

Таъкиддаш лозимки, “Софлик Биродарлари” таълимотида илоҳий мазмунда бўлса-да, мусиқанинг инсон мақсадлари йўлида қўлланиши гояси илгари сурилган бўлса, Хоразмий, мазкур илмнинг тарбиявийлик хусусиятини эътироф этган ҳолда, замондошларидан фарқли, мусиқа илмини арифметика, геометрия, астрономиядан кейин санаб ўтиб, математика таркибида, “Илмий ҳакикатни қамраб олувчи” фанлар сирасига қўшди ва бу билан мазкур тарихий даврда мусиқа илмининг мавкеъини белгилаб берди.

Мусиқий соз торларидан янграйдиган оҳанглар - инсон табиатига мос равища танланган ва яратилган деб фикр юритилади шарқ педагогикасида яратилган дурдона асарлардан бири “Кобуснома”да. Унинг муаллифи Унсурунмаолий Кайковус (XI аср) инсон ва унинг камол топиши, таълим- тарбия муаммоларига бўлган қарашларини баён этиб, тарбиядан мақсад - инсонни ҳозирги замон ва келажак учун ярокли шахслар қилиб етиштиришдир деб ҳисоблади.

Қобусноманинг тиббиёт, астрономия ва геометрия илмларига алоҳида боблар бағишлиланган бўлиб, олимнинг фикрича, бу фанларни ўрганиш - ҳар бир ёшнинг вазифасидир, зеро, илм инсонни ҳар томонлама юксалишини таъминлайди. Худди шу илмлар билан бир қаторда ёшлар

музиқа илмини ҳам эгаллашлари зарурлиги, унда фаолият кўрсатувчилар эса, ижрочилик санъатининг ўзига хос аҳлоқий қоидаларига амал қилиши лозимлиги ҳақида фикр юритади.

“Қобуснома”нинг 36-боби “Хофиз ва мусиқачилар ҳақида” деб номланиб, унда мусиқа санъатининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, унга муносабат, унда амал юритувчи ҳофизу-созандалар хулк-автори, уларнинг маънавий қиёфаси ҳақида насиҳатомўз - дидактик муроҳазалар билдирилади.

Аллома мусиқанинг таъсирчанлиги, шу билан бирга тарбиявийлиги - инсонда аҳлоқий ҳислатларни шакллантира олиш даражаси билан белгиланади деган ғояни илгари сурди ва бунда мусиқа санъатида фаолият кўрсатувчиларнинг (созанда ва ҳофизларнинг) хулк-авторини - муҳим функционал аҳамияти эга бўлган омиллардан бири деб қаради.

“Ҳамма вақт оғир йўлларни чалаверма ва ҳамма вақт енгил йўлларни ҳам чалаверма, чунки барча йўлни бир хилда чалмаслик керак, негаки, одамларнинг ҳаммаси бир хилда эмас, табиатлари ҳам бир-бирига мувофиқ эмас, чунки халк хилма-хилдир”.

Кайковус ижро этилаёттан мусиқа - мазмунан инсон табиатига мос келиши лозим, шундагина унинг руҳий таъсирчанлиги ошади деб ҳисоблади ва санъаткорларнинг диккатини айнан шу жиҳатларга каратгани кераклигини таъкидлади “Мажлисда ўлтирган вақтингда мажлис ахлига қара, эгар эшитувчи қизил юзли мош-гуруч соқоли бўлса, чолғунинг иккинчи торида чолгил, эгар сарик юзли бўлса, чолғунинг бум торида чолгил, эгар қора юзли, савдои, орик бўлса, кўпроқ мусиқани уч торида чолгил, эгар бадани ок ва семиз ва чилпиллэган нам бўлса, йурон торда чолгил. Чунки рудни (музиқа асбоби) одамнинг тўрт табиати учун муҳайё килганлар!”.

Демак, олим, создаги торларнинг ҳар бирида янграган оҳанг ҳарактерини - инсон феълига киёслайди ва унингча, ижрочи бу билан сўзсиз ҳисоблашиши лозимдир. Зоро, санъаткор мусиқани тингловчи томонидан идрок этилиши жараёнида маъсулиятли субъект-воситачи сифатида катнашади Кайковус руд созининг “мазмунини” зукколик билан

англай олган ва уни инсон табиати билан боғлаб, нафақат мусиқа, балки мусиқий созлардаги бадиий имкониятларнинг инсонда гўзаллик туйғуларини шакллантира олувчи хусусиятини дидактик услубда истифода этади. Муҳими - аллома ўз билимларии ҳаётий - тарбиявий амалиётга боғлаб таҳлил этади. Шу боис, Кайковус меросидаги пурмаъно фикрлар ҳозирда ҳам ёшларни ахлоқан тарбиялашда қўл келиб, ўз кучини сақлаб келмоқда.

Марказий Осиё педагогикасида Кайковус сингари санъаткорларни маънавият таркатувчилари сифатида - ижтимоий ҳаётдаги ўрнини жуда объектив таҳлил этиб, мусиқа илмининг тараққиётида илмий-дидактик мерос қолдирган мутафаккир аллома, буюк ўзбек адиби, санъат шайдоси Алишер Навоий (1441-1501) дир.

Навоий бутун ижоди, ҳаёти фаолиятини инсонни тарбиялаш, уни маънавий юксалтириш, унинг имкониятлари учун кенг йўл очиб беришга бағишлади. Бобур Мирзо ҳам Навоий фаолиятини таътифлар экан, шундай деб ёзади “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай. Устод Кулмуҳаммад Шайхи нойи, Хусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбияси ва таквияти бирла мунча тараққий ва шухрат килдилар”. Сатрлардан аён бўладики, Навоий ўзининг инсонпарварлиги билан бутун зиёлилар, шу жумладан мусиқа санъатадаги иктидорли созандаларга ҳам доимо дўст, мураббий бўлиб, уларнинг эркин ижодларига раҳнамолик килган.

Навоийнинг мусиқага бўлган муҳаббати, манбаларда ёзилишича, унинг тахаллусида ўз рамзий белгисини берган. “Наво” атамаси мусиқада “оҳанг” ибораси билан истиҳола қилиниб, олим яшаган давр мусиқа амалиётидаги 12 мақомларнинг биридир. Навоий ушбу мақом туркумини мукаммал ўрганган ва севиб тинглаган бўлиши табиий. Зоро, “Бобурнома”да ёзилишича, Навоий “пешрав” ва “накш” амалларида чиройли оҳанглар басталагандир. Бизга маълумки, пешрав ва накшлар мақомлар таркибидаги куй тузилмаларидир, бу эса, Навоий оғзаки анъанадаги касбий мусиқа шакл-тамойилларини чукур ўзлаштириб унинг йирик билимдони бўлганлигидан далолат беради.

Бизга маълум-ки, шарқда, мусиқа - шеърияг билан бирга, ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиб келган, шеърий сатрлар шунчаки ўқилмэган, балки, бадиҳагуйлик услубида, мусиқий созлар жўрлигида “куйланган”дир. Айнан шу анъана адабиетчилар ижодида мусиқа ва мусиқий созларга бўлган илмий - ижодий карашларнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат килган. Масалан, Навоийнинг бу борадаги карашлари асосан унинг “Мезон ул-авзон”, “Махбуб ул-кулуб”, “Мажолис ул -нафоис” асарларида мужассам бўлгандир. Жумладан, “Махбуб ул-кулуб” (“Калблар севгилиси”) насрый рисоласининг 19-боби (китобнинг 1-қисмида) “Ашулачи ва чолғувчилар - мутриб ва муганнийлар тўғрисида” деб аталиб, аллома ўтмишдошларидан фарқли (Кайковус бундан мустасно), мусиқанинг илмийлигини эътироф этган ҳолда, уни кўпроқ маънавий озиқа берувчи санъат тури сифатида дидактик тарзда талкин қилди.

Навоий ўз карашларидан келиб чиқиб, санъаткорларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, уларнинг маънавият таратувчилари сифатида эгаллаши лозим бўлган аҳлоқий меъёрлар ҳақида, уларнинг ижодидаги салбий ва ижобий хислатларни объектив тарзда таҳлил этди. Зоро, Навоий мусиқанинг таъсирчанлиги ва шу орқали тарбиявийлиги - санъаткорларнинг акл-идроки ва ижрочилик салоҳияти билан боғлиқ деб ҳисоблади. Масалан, унингча, “фаҳм-фаросатли созанданинг ёкимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қиласи”, “кунгил хуш оҳангдан қувват, рух эса, хушвоздан озиқа олади” шу сабаб, ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ эшитилса, унинг чертиши дардли юракка катгиқрок таъсир қиласи” деб таъкидлайди.

Навоий санъаткорларнинг маҳоратини мусиқанинг тарбиявийлик хусусиятини ёритиб берувчи омиллардан бири деб ҳисобласа, мусиқанинг бадиий мазмунини моддийликда тингловчига узатиб берувчи воситалар сифатида мусиқий созларнинг ўзига хос табиатини маҳорат билан таърифлаб беради. Масалан, “ғижжак, деб ёзади аллома, - шовкини мушоиралардан яшириниб, энг дардли мусиқани ижро этишни ёқтирада”, “чанг ва уд юракларни ўрташни билади”, “қонун кўнгилни ларзэга солувчи”, “қўбиз - муҳаббат куйчисидар”.

Навоий ҳар бир мусиқий сознинг тингловчи-тарбияланувчи тасаввурида қолдирган образли таъсуротларини ўзига хос ёндашувда таҳлил этиш билан, улардаги ижровий- бадиий имкониятларни сўз санъати намоёндаси сифатида ифодали ёритиб беради. Диккатта сазовор томони шундаки, ўтмиш алломалар таълимотида илгари сурилган ғоялардан бири - мусиқа ва мусиқий созларни яхлит қамровда таҳлил этиш аньanasини ўзига хос услубда намоён килди.

Юқорида таъкидланганидек, сўз санъати билан мусиқа санъати ўзаро бир-бирига боғлиқ тарзда ривожланиб, мусиқа илмининг бир бўлاغи сифатида, “илму- иқоб” билан, адабиётда “илму арўз”, яъни, мусиқий усуллар ва шеърий вазнлар назариёти доимо бир-бирига боғлиқ фанлар сифатида ўрганиб келинган.

Фаробийнинг издошларидан Абу Райхон Беруний - шеър интизомли (тартибли)дир. шунинг учун рух шеърга кўпроқ интилади, Худди шундай оҳанглар ҳам тартибга туширилган бўлгандагина, калбга кучли таъсир этади деб фикр юритган эди.” Демак. тартиблилик шеърият сингари, оҳангга ҳам мансуб бўлиб, уларнинг ўзаро уйғуналиги масаласи эса, доимо олиму шоирлар диккатини жалб қилиб келган. Шу боис, Навоий ҳам сўз санъатида шеърнинг вазни билан мусиқий оҳангдаги ритмик ўлчовнинг ўзаро мутаносиблик хусусиятлари ҳақида илмий мулоҳазалар юритади, бу эса алломанинг мусиқий назарий илмларнинг ҳам билимдони эканлигининг далилидир.

Таъкиддаш лозимки, Навоий мусиқа илмининг назарий ва шу билан бирга амалий асосларини чуқур ўрганган ва ўзлашгирган бўлса-да. бу борада маҳсус рисслалар битмэган. Аммо, ушбу илмнинг жамият тараққиётидаги энг асосий масалалардан бири-шахсни маънавий етук қилиб тарбиялашдаги муҳим ўрнини холисона баҳолаб, ўз замондошларига илмий-мусиқий рисолалар яратишни маслаҳат беради. Шу тариқа Марказий Осиё мусиқий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган аллома Абдураҳмон Жомий (1414-1492) нинг машҳур мусиқий рисоласи юзага келади.

Алломанинг фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиёт ва мусиқа

соҳаларида яратган асарларида унинг педагогик қарашлари ҳам намоён бўлиб, унда асосан, инсонни камол топтириш ғояси асосий ўринниэгаллэган эди. Аллома ёшларнинг илмли ва тарбияли бўлишлари лозимлигини қўп марта уктиради ва зарур илмларни эгаллашга даъват этади:

Энг зарур билимни кунт билан ўрган
Зарур бўлмаганин ахтариб юрма
Зарурини ҳосил килгандан кейин
Унга амал килмай умр ўткурма

Худди шундай зарур билимлар сирасига Жомий мусиқа илмини лам киритади. Олимнинг таъриф беришича, мусиқа “халқка хизмаг килувчи, уларнинг ҳаётини безовчи илмдир”.

Таъкидлаш лозим-ки, Уйғониш даврининг аллома-олимлари Фаробий, Ибн Сино, ал-Хоразмий каби олимлар мусиқа илмини математика илми таркибида ўрганган бўлсалар, Жомий мусиқа илмининг назарий ва педагогик асосларини мустақил фан таркибида ўрганди. Алломанинг буюк мусиқий рисоласи эса, мураккаб мусиқашунослик тилида мукаммал даражада ёзилган бўлса-да, уни фақат шу соҳага тегишли асар деб бўлмайди.

Зеро, Жомий тарбиячи сифатида мусиқанинг педагогик-эстетик жиҳатларини) ҳам кўра билди ва буни рисолада изоҳлаб берди. Жомийнинг эстетик қарашларини тадқиқ этган олим А. Курбанмамедовнинг фикрича, Жомий, мусиқани амалда “серкирра фаолият кўрсатувчи воеълик” деб карайди. Ҳақиқатда, “Рисолаи мусиқий” билан бевосита танишиш жараёнида амин бўлдикки, Жомий мусиқанинг функционал хусусиятларини таърифлаб, унинг “янада кўркам мукаммалликларни яратишнинг усули”, “оралиқдаги мулоқот воситаси” эканлигини, турфа хил муҳтожликлар ва талабларни қондирувчи имкониятларини санаб ўтар экан, унинг ижтимоий-педагогик мавкеъи жуда катта эканлигига эътибор беради.

Рисола икки қисмдан иборат бўлиб, Жомий назарий тушунчаларни таҳлил қилишдан олдин, мусиқа илмига таъриф беради: бу илм юононлар

томонидан яратилган бўлиб, товушлар изчиллигининг кўнгилга (руҳга) таъсир этиб, юксак лаззатланишни вужудга келтириши ҳақидаги масалаларни ёритувчи фандир. Демак аллома талқинида мусиқа илми - ўзининг мазмун-моҳияти билан инсон руҳиятини озиклантирувчи маънавий омилларнинг асосларини ўрганувчи фан сифатида шаклланган.

Аллома фан предметининг моҳиятини куйидэгача таҳлил қиласиди: мусиқий тон деб, унинг давомийлигини хис этганга имкон берадиган товушга айтилади. Демак, Жомий фикрича, мусиқий товуш- инсон томонидан идрок этилиш жараёнининг ўзидаёк маълум мазмунга эга бўлиши лозим. Зеро, алломанинг ёзишича, доиранинг ёки кафтларни уриб ҳосил қилинган товуш мусиқий тон бўла олмайди. Бунинг учун, ҳар бир товуш ўз баландлигида қола олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Яъни зир (баланд) ёки “бум” (паст) ҳолатларни сақлай олсагина, мусиқий тон бўла олиши мумкиндири.

Рисоланинг кейинги бўлимлари торни (мусиқий соз торларини) қисмларга бўлиб тонлар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро муносабати, 17 босқичдан иборат товушқатор, улар ўрнашган пардалар ва уларни араб алифбоси ҳарфлари билан белгилаш услуби, юқорида айтиб ўтилган интервалларнинг тавсифига бағишлиланади. Таъкидлаш лозимки, Жомий ўз рисолаларида мусиқий созларнинг тавсифи устида алоҳида тўхталмайди. Аммо, у Фаробий сингари, мусиқий тонларни ижро қилишнинг икки услуби:

1) томоқ, яъни инсон овози,

2) сунъий, яъни ихтироо қилинган мусиқий созлар

эканлигини санаб ўтиб, мусиқий тонларнинг ўзаро муносабатини, яъни мусиқий оҳангнинг ташкил бўлган жараёнини ўргангашда иккинчи турдаги воситаларнинг амалий жиҳатдан имкониятлари кенгрок эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Дарҳакикат, мусиқий созларда ташкил қилиш мумкин бўлган товушларни тартибга солиш бирмунча енгил бўлиб, айниқса торли созлар илмий тажрибаларни олиб бориш учун жуда қулай тузилма-асбоблардир. Масалан, аллома рисоланинг 14-бобида уд созининг товушқатор тизимини

чизма орқали баён қилиб, бу созни - барча созлар орасидаги олижаноб соз деб атайди. Қадимда унинг тори 4 та: бүм, маслас, масна ва зир деб номланган. Абу Наср Фаробий эса, деб ёзади аллома, яна бир юқори баланд торга қўшади ва уни ходд деб атайди. Унинг созланиши ҳар хил бўлиши мумкин, дейди Жомий, аммо, энг кўп таркалган созланиш тури - квартадир.

Рисоланинг кейинги бўлимларида эса, машхур 12 мақом, туркуми (овозлар, шуъбалар мақом, овоз ва шуъбалариинг ҳар бири ўзига хос ҳиссий- эмоционал таъсир қучига эга эканлиги ҳақида ҳам фикрлар билдириб, Жомий бундай деб ёзади: ушшоқ, наво ва бусалиқ куч ва шиҷоатни қўзғатса, овозлар бундай таъсир қучига эга эмас. Шуъбалар орасида эса машхур ва нихованд худди шундай таъсир қучига этадир...” Шу тариқа Жомий ладларнинг (мақом, овоз, шуъбаларнинг) тингловчи руҳиятига таъсири натижасида 4 хил кайфият вужудга келиши мумкин деб ҳисоблади:

Куч ва шиҷоатни,

Қувноқлик ва шодликни,

Қайғу ва хасратни,

Хайрат ва шодликнинг қайғу ва соғинч билан уйғунлашувидан ҳосил бўладиган ҳолатни.

Албатта, мусиқий тузилмаларнинг бу каби хусусияти - уларнинг моҳиятан инсон руҳиятига таъсир қилиб, муъжизавий ҳарактер касб этишини таъминлайди, зотан Фаробий таъкидлаганидек, мусиқа илмининг асосий вазифаси - ҳиссий таъсирчан оҳангларни яратиб ижро қилишдан иборатдир.

Шундай қилиб, Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшдилар. Бундан маънавий- мафкуравий, бадиий- фалсафий, ижтимоий кўтарилиш тасодифий эмас аксинча, у ўзининг мустаҳкам таг заминига эга эди. Бу нарса энг аввато туркий халқлар қадимий маданиятанинг ўта ривожланганлиги, ушбу худуднинг жаҳон маданиятлари тўпланган, учрашган маконда мавжудлиги, буюк ипак йўлининг аҳамиятли жиҳатлари такомиллашганлиги билан тавсифланарди.

Айни пайтда, туркий халқлар ижтимоий фалсафаси, миллий мафкурасининг илк даврлардаёк шакллана боплаши жамият аъзоларидаги юксак ва мустаҳкам ғоявий - бадиий событлик - буларнинг барчаси шарқ уйғониш даври мутафаккирлари илмий меросида мусиқа илмининг жамият ва унинг аъзолари ижтимоий тафаккурида катта ўзгаришларни амалга оширувчи омил сифатида талкин этилишига имкои яратди.

Марказий Осиё уйғониш даври мутафаккирлари илмий меросида мусиқа илмининг тарихи, унинг дидактак-тарбиявий аҳамиятини тадқиқ этиб, қуидаги хulosаларга келиш мумкин:

Марказий Осиёда мавжуд бўлган ва ўзига хос феномен ролини ўйнаган уйғониш даврида кучли маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий, бадиий-фалсафий ривожланиш содир бўлди. Бу эса, ўлка халқлари ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида тараққий этиб келган мусиқанинг фан сифатида шаклланишига шарт-шароит яратиб берди.

Мазкур даврдаги сиёсий-ижтимоий тизимнинг мафкуравий-маънавий муҳитида шаклланган илмий-педагогик, мусиқий - эстетик карашлар, яъни, мазкур даврнинг замонавийлиги ва ерли халқ маданий ҳаётида асрлар оша узлуксиз тараққий этиб келган миллий-музиқий анъаналарнинг уйгунлашуви, маҳаллий- мусиқий унсурлар, уларни ўзлаштириб ривожлантирган халқ ҳофиз ва созандалари, улар яратган мактабларда қўлланилган услубий йўналишлар мусиқа илмининг шаклланишида асосий ғоявий манба вазифасини ўтади.

Марказий Осиё мутафаккирлари таълим ва тарбиянинг ягона вазифаси - жамият талабларига тўла мос равища ва ягона бутунликда, тинчлик ва фаровонлиқда яшашга хакли идеал инсон тайёрлаш деб тушундилар. Мусиқа эса, инсон ички дунёсининг ҳиссиётли томонлари билан бирга маънавий оламини бутунлайича ифода этиб, унинг аквий ва ирода кудратини, яхлит қиёфасини яратса оладиган ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилди.

Бу илмнинг тарбиявийлик асоси - яъни унинг инсонни маънавий камол топишида муҳим восита сифатида эътироф этилиши - Уйғониш даврида мазкур илмнинг аллома-олимлар томонидан кенг тадқиқ этиб

келинишида асосий йуналтирувчи омиллардан бўлиб хизмат килди. Таъкидлаш лозимки, мазкур давр аллома-олимлари ижодида мусиқий-педагогик қарашлар ўзига хос икки услубда талкин этилди: а) Мусиқий-назарий - Абу Наср Фаробий, Ибн-Сино, ал-Хоразмий, Жомий ижодида ва б) Мусиқий-дидактик - Кайковус, Навоий ижодида.

Бундан ташқари, эгар комусий алломалар мусиқа илмини математика таркибида ўрганган бўлсалар, Уйғониш даврининг сўнги асрларида мусиқа илми мустақил фан сифатида тарақкий этди. Аллома-олимларнинг қарашларида мусиқа илмининг моҳиятнан педагогик хусусиятга эга эканлиги таъкидланиб, унинг назарий ва амалий асослари ҳам бевосита шу негизда ишлаб чиқилди. Масалан, мусиқий товушнинг назарий асоси - унинг инсон томонидан идрок этилиши ва билиш жараёни билан боғланиб ўрганилган бўлса, амалий асослари эса, мусиқанинг бадиий мазмунни олиб борувчи санъат тури сифатидагихусусиятлари негизида ишлаб чиқилди.

Уйғониш даврида мусиқа илми таркибан илму иқоъ, илму таълиф (ал-мусиқа ал-назария) ва бастакорлик ҳамда ижрочилик санъати (ал-мусиқа ал-амалия) ни қамраб олган бўлиб, бу соҳаларнинг ҳар бири ўзига хос услубий ёндашувда мукаммал даражада тадқиқ этилди. Хусусан, ижрочилик санъатида мусиқий созлар, чолғу ижрочилигининг педагогик моҳиятини ўрганиш – аллома-олимлар ижодида анъана тусини олди ва Марказий Осиё педагогик фикр тараққиёти тарихида кейинчалик ҳам давом эттирилди.

I.2.Хонликлар даври аллома-олимлари ижодида мусиқа илми ва унда мусиқий созларни ўрганиш анъанаси

Марказий Осиёда XV асрнинг иккинчи ярми ва айникса, унинг охирига келиб, Темурий беклар ўртасида ҳокимият учун ўзаро тўқнашув ва урушлар кучайиб кетди. Моварауннахр ва Хурросондаги марказлашган мустаҳкам давлат инқирозга юз тутди. Ушбу ҳудудларда XVI асрда Шайбонийхонлар, улардан сўнг, аштархоний авлодлари ҳукмронликни қўлга олдилар.

Темурийлар даврида XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида эса давлат сиёсий ҳокимиятининг сусайиши, янада кучайиб кетган иқтисодий танглик, ўзаро феодал урушларнинг оқибатида Марказий Осиё худудида мустақил хонликлар юзага келди. Хива, Бухоро ва кейинрок юзага келган Қўқон хонликлари сиёсий - иқтисодий жиҳатдан мустақил фаолият олиб борган бўлсаларда, бу даврда ҳам хон ва феодалларнинг турли гурухлари ўртасида вайронэгарчилик келтирувчи, макбул мақсадсиз курашлар мутгасила давом этди, дехқон ва хунарманшдлар шафқатсиз зулм остида қолди. Бу каби тушкунлик - маънавий маданий ҳаётта ҳам таъсир қилиши табиий эди. Масалан, Уйғониш даврининг юксак даражада ривож топган маънавий - маърифий, мафкуравий тараккиёти - хонликлар даврида юзага келган муҳит таъсирида анча сусайди. Аммо шунга қарамасдан, илм-фаи, маданият, дин ва ижтимоий фикрнинг ўзига хос замонавий хусусиятларда тараққий этганлити кузатилади.

Дарҳақиқат, XVI - XVII асрларда Заҳиридин Бобур, Мирзажон Шерозий, Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Амин ал-Муминободий, Муҳаммад-Хусайн ол- Мунажжим ал-Бухорий каби адабиёт, фалсафа, математика илми намоёндалари қаторида Кавқаби-Бухорий ва Дарвеш Али каби мусиқашунос аллома-олимлар ҳам етишиб чиқди. Мустақил хонликлар даврида эса, ундаги ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида илгор фикрли намоёндалар сифатида кўпроқ адабиётчи шоирлар етишиб чиқдилар. Жумладан Бедил, Машраб, Хувайдо, Лутфий, Чокарий, Бобожон Санои, Худойберган Муҳркан, Муҳаммад Ризо Охундлар Марказий Осиё хонликлар даврининг энг кўзга кўринган сўз санъати усталари эдилар. Мазкур даврда. мусиқа илми борасида ҳам адабиёт-аллома-олимларнинг ўзига хос услубий ёндашувда тадқиқотлар олиб боргэганликлари маълум.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Уйғониш даври маънавий маданиятида қудратли мафкуравий куч бўлиб, давлатнинг маъмурий, ижтимоий-сиёсий ишларига чуқур кириб борган дин - хонликлар даврида ҳам инсон маънавий дунёсининг маълум бўлагига айланиб қолган бўлиб,

ташкивий тизим сифатида ўзини тутиш шахсий ижтимоий аҳлоқ, диний-маънавий меъёрларни белгилаб берган эди Бу меъёрлар жамиятдаги барча шахслар учун тенг даражада қабул қилиниши лозим эди. Шу боис даврнинг энг илғор ва хурматли кишилари диний таълимотларга ихлос қўйган ва уни ўзлаштирган эдилар.

Бу бевосита уларнинг илмий- назарий қарашларига ҳам таъсир этган бўлиб, хусусан шу даврда яратилган мусиқий рисолаларни таҳлил этиш жараёнида амин бўлдикки, фан предмети ва диний ақидалар орасидаги мувофиқлик ва шу билан бирга тафовут ҳолатлар бевосита тадқиқ доирасига киритилиб муаллифлар томонидан объектив тарзда ўрганилади.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё хонликлар даврида мусиқа санъати, айниқса, Самарқанд ва Бухоро каби маданият марказларида ривож топди. Зеро, унда моҳир ижрочи санъаткорлар ҳалк ва оғзаки анъанадаги касбий мусиқа (профессионал мусиқа) асосларини ўзлаштириб миллий мусиқий анъаналарни давом этгирган ҳолда фаолият кўрсатмоқда эдилар.

Бундан ташқари, мазкур давр мусиқа санъатанинг таракқий этишида давлатлараро маданий муносабатлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Масалан, манбаларда Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон, Москва давлати билан олиб борилган ўзаро дипломатик муносабатлар доирасида совға-саломлар орасида айрим турдаги мусиқий созлар ҳам юборилиб турганлиги қайд этилади. Айнан хонликлар даврида Марказий Осиё худудига афғон рубоби, қашқар рубоби, ҳозирги чанг созининг ўтмишдоши-цимбал, кейинчалик эса, гармон каби бошқа ҳалқлар мусиқа маданияти намуналари кириб келди ва маҳаллий танбур, ғижжак каби созлар билан бир қаторда қўлланила бошланди.

Мухими, ҳар бир мусиқий соз ўзининг ижроий-бадиий имкониятлари билан ҳалқ ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллай бошлади, кейинчалик эса, уларнинг бошқа худудлардан келтирилганлиги аҳамиятсиз даражэга тушиб қолди. Бу мусиқий созларда якка ва ансамбл ижрочилиги маҳаллий анъаналарининг тез фурсатда ўзлаштиришлари эса,

уларнинг оммавийлашувига сабаб бўлди. Шу тариқа хонликлар даврида Марказий Осиё чолғу маданияти янги мусиқий созлар билан таркибан бойиб борди ва табиийки, ҳар бир мусиқий соз ижрочилик амаллари - халқ ижрочилик мактабларининг устоз-шогирд тизими анъаналарига асосланиб ўзлаштирилди.

Марказий Осиё хонликлар даври мусиқа маданиятида энг йирик ҳодиса бўлиб, мазкур давргача 12 мақом таркибида тараққий эгиб келган куй ва ашулаларнинг “Шашмақом” (олти мақом тизимида) туркум асар сифатида шаклланиши рўй берган эди ва ҳар бир хонликда унинг ўзига хос маҳаллий ижрочилик мактабларининг юзага кела бошлади. Бу мактаб анъаналари кейинчалик Бухоро, Хоразм ва Тошкент-Фарғона мақом йўллари деб ном олган бўлиб, ҳар бир мактаб ижро услублари бир-биридан фарқ қилса-да, унда таҳсил олган созанда ва ҳофизлар ўз ижодлари билан яхлит миллий маданият ўзагини ташкил қиласр эдилар. Мақом ижрочилиги масаласи - хонликлар ўртасида ўзаро давлат маданий муносабатлари доирасига ҳам кириб борган бўлиб, масалан, Кўқон хони Муҳаммад Умархон (1809-1822) ўз саройидаги созандаларнинг мақом йўлларини ўрганишлари учун, Хивадан мақомдон-ижрочи Худойберди уСинодни олдириб келади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, мақомлар масаласи - том маънода Марказий Осие мусиқа илмининг тараққиётида ҳам катта аҳамиятга эга эди, зеро фан предметининг назарий-амалий ҳусусиятлари кўпчилик аллома-олимлар ижодида бевосита 12 мақом тизими билан боғланиб тадқиқ этиб келинмокда эди. Мақомларнинг келиб чиқиши, ҳар бир мақомнинг ташкил бўлиш назарий ҳусусиятлари, улардаги усуллар масаласи ва албатта мақомларнинг руҳий озуқа сифатидаги ўзига хос бадиий-тарбиявий имкониятларини таҳлил этиш анъана тусини олган эди. Ҳусусан, Шайбонийхонлар даврида яшаб ижод эгган, кўзга кўринган мусиқашунос олимлардан бири Мавлоно Нажмиддин Квкабий Бухорий (XVI аср) ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини асарларида ёзиб

қолдиргандир.

Манбаларда ёзилишича, Бухорий турли соҳаларда илмий рисолалар ёёган. Шу жумладан, мусиқа илми соҳасида ижод этилган “Мусиқий рисола”си ўз ичига мусиқанинг назарий - амалий ва тарбиявий масалаларни киритган бўлиб, мазкур давр шароитида зарурати жуда баланд илмий манба ҳисобланади. Ўтмишдошлари сингари батафсил тартибда бўлмасада, умумий тарзда мусиқий созлар хусусида ҳам ўз мулоҳаларини ёзиб қолдиради.

Кавкабий мусиқа илмини “улуг” ва “шухратли” деб таърифлар экан, аввало мусиқани инсонга маънавий жиҳатдан озука берувчи тарбия воситаси эканлиги ҳақида фикр билдиради. Бундан ташқари, “табиблар даволай олиш имкониятида бўлмаган баъзи bemorлар, ёқимли мусиқий асарларни тинглаб, соғайиши мумкин” деб ёзади Кавкабий ва Ибн Сино сингари, мусиқанинг функционал хусусигятларидан яна бири - руҳий тиббиёт воситаси эканлигини таъкидлайди.

Аллома мусиқа илмини ўзлаштиришда Фаробий, Ибн Сино таълимоти анъаналарига таянади за шу асосда талқин этади, ўтмишдошлари сингари, ушбу илмнинг назарий қисмини икки қисм; илму таълиф (оҳанг, унинг тузилиши, оҳангдошлиқ ва нооҳангдошлиқ масалалари) ва илму иқоъдан (усуллар масаласи) иборат эканлигини таъкидлайди.

Тадқиқотимизда таҳлил этилаётган мусиқий рисолаларнинг деярли барчасида мусиқий созлар, уларни тадқиқ этиш борасида олимлар ўзига хос илмий ёндашиб келганлар, Кавкабий ҳам , ушбу анъанани давом эттириб, мусиқий товушларни тавсифлаш жараёнида кимматли фикрлар билдиради. Масалан, мусиқий товущ, олимнинг фикрича, икки хил; қаввий, яъни табиий ва феъвий, яъни сунъий турларга бўлинади. Қаввий товуш - инсон овози бўлса, феъвий товуш - чанг, рубоб ва бошқа мусиқий созларда вужудга келтирилади. Мусиқий товушларнинг бу тарзда таърифланиши - Фаробий таълимотининг асосларидан бири бўлиб,

ўтмишдоши сингари Кавкабий, ҳар бир товушнинг бадиий хусусияти - инсон томонидан турлича идрок этилиши ва оқибатда руҳий таъсир этиш жараёнида ўзига хос эстетик таъсуротларни юзага келтириши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Кавкабий рисолада 12 мақомлар масаласида ҳам алоҳида тўхталиб, унинг келиб чикишини илоҳий мазмунда талқин этиб, Пифагор номи билан боғлайди. Бу ғоя шарқ мусиқасида Ал-Киндий (800-870) ва “Софлик биродарлари” диний- фалсафий уюшма томонидан илгари сурилган бўлиб, Пифагорчиларнинг бу каби анъанавий қарашларига эрамиздан олдинги IV асрдаёқ Аристоксен, мусиқий вокеъликларни эшитиб идрок этиш асосида ўрганиш ғоясини қарши қўйган эди.

Кавкабий мусиқанинг тарбиявий моҳиятини таҳлил килар экан, ушбу жараённинг ҳарактерли томонларини ўзига хос баён этади. Масалан аллома мақомларни ижро қилиш жараёнида санъаткорлар риоя қилишлари лозим бўлган аҳлоқий тамойилларни алоҳида санаб ўтади. Жумладан, олимнинг фикрича, мусиқий асарни ижро қилиш жараёнида мутаносиб вақт ва даврадаги муҳит: тингловчиларнинг ёши, касб-корига алоҳида эътибор берилиши керак. “Шундагина, ижро қилинувчи асар таъсир кучига эга бўлади”.

Олимнинг фикрича, агар даврада илм аҳли йиғилган бўлса, маънавият мавзусидаги матнлар билан қўшиқ куйлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай давраларда чолғу ижрочилигини намойиш қилиш ҳам ўринлидир. Агар даврада, фозил-у уламолар йиғилган бўлса,adolat, саҳоватлилик ҳақида қўшиқлар куйлаш лозим. Ёшлар даврасида эса, муҳаббат, муҳаббатга садоқатлилик тўғрисида, сайёҳлар ва келгиндилар учун, она юрт, дўстлар соғинчи, мавзуидаги қўшиқлар куйлаш маъқулдир.

Таъкидлаш лозим-ки, Кайковус ўз даврида инсоннинг 4 хил табиатини (хулк-атворини) - руд созининг тўрттала торидан янграйдиган оҳангларга қиёслэган эди. Жомий мақом оҳанглари вужудга келтирадиган ҳиссий-эмоционал кайфиятларни тўрт хил гуруҳга таснифлэган бўлса,

Кавқабий тингловчиларнинг тўрт хил давра мұхити ва унга мос равища танланадиган мавзулар туркумини алоҳида таҳлил этди. Мұхим томони шундаки, уччала талқинда ҳам мусиқий-рухий маънавий-тарбиявий жараён ва унда шахс камолоти масаласи асосий ўринни эгалләганлигидадир. Бундан хулоса қилиб айтишимиз мүмкінки, мусиқа ўзининг тарбиявий имкониятлари билан бирга жуда кенг қамровли ижтимоий ҳодисадир. У (мусиқа) инсон ҳаётидагина, уни ўраб турған кундалик мұхитдагина мавжуд бўлиб, мазмунан ҳам унинг ҳаёти, хистайгулари, уй-фирқларини ифодалайди.

Олимлар эса, ушбу ҳодисани илмий асосда истифода этишга ҳаракат киладилар. Уларнинг мусиқа илмида ижод этишларидан асосий мақсадлари - инсоннинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган вокелик - мусиқанинг моҳиятини ўрганиш ундаги мұхим функционал хусусиятларнинг инсон ҳаёти учун манфаатдор сифатларини кўра билиш ва тафаккур истеъмолига олиб киришдир. Марказий Осиё хонликлар даврида ана шундай ижод самараси сифатида юзага келган мусиқий рисолалардан бири - буюк аллома Дарвиш Алининг (XVI-XVII асрлар) “Мусиқий рисола”си - ўтмишдошлари ижодидан бирмунча фарқ қилиб, тарихий-назарий ёндашувда яратилгандир.

“Рисолаи мусиқий”нинг тадқиқ этилаётган мавзумиз доирасида мұхим ҳисобланган бобларидан бири мусиқий созлар ҳақидадир. Дарвеш Али мусиқа илми таркибида мусиқий созларни ўрганиш анъанасини давом эттириб, Фаробий, Ибн Сино сингари уларнинг тарихий, этимологик ва морфологик хусусиятларини, ижровий-бадиий имкониятларини ўрганишда ўтмишдошлари сингари тасниф услубини қўлламади, балки уларни якка тартибда таҳлил этиш орқали катта натижаларга эришиб, Марказий Осиё мусиқа илми таркибида чолғушунослик соҳасининг тараққий этишида жуда катта ҳисса қўшди.

Олимнинг ёзишича, мусиқий созларнинг кўпчилиги тут дарахтидан ясалади, торлари эса, ипакдан тортилади, зеро, уларнинг орасида бевосита

мутаносиблик бор. Шу боис, бундай мусиқий созларнинг товуши жуда ширадордир. Таъкидлаш лозим-ки, олим айнан торли созларнинг товуш хусусиятларига эътибор беради ва улардаги бадиий имкониятларнинг кенглигини таъкидлэган ҳолда куйидаги созларга шарҳ беради:

Танбур - қадим Эллин дунёсидан қолган чолғу. Унинг номланиши ҳам юонча бўлиб, “танни буровчи” деган маънени беради. Муаллифнинг ёзишича, танбур - барча мусиқий созларнинг устозидир.

Чанг - мусиқий созлар келинчагидир. Унинг 26 та тори бўлиб, 7та пардага эга. Улардан биринчиси - Рост мақомини, иккинчиси - Наво, учинчиси - Хижоз, тўртинчиси - Зангула, бешинчиси - Хусайнини, олтинчиси - Ирок, еттинчиси - Кучик мақомларини ижро қилиш учун мўлжалланган. Демак, ҳар бир парда ўзига хос товуш ҳислатига эга бўлиб, маълум бир мақом мазмун-моҳиятини кенг ёритиб бериш имкониятига этадир ва албатта, уларнинг тингловчи томонидан идрок этилиш жараёнида пардаларнинг функционал ўрни катта аҳамиятга эга, яъни, асарнинг таъсирчанлик, шу билан бирга тарбиявийлик хусусияти - мусиқий сознинг тузилиши хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Қонун - Эллин дунёсидан қолган бўлиб, чангдан фарқли, 6 оҳангга эга. Алломанинг маълумотига асосланиб хулоса қилиш мумкин-ки, қонун конструкциясидаги чегараланганлик - унда ижро имконияти шу билан бирга бадиий имкониятларни ҳам бирмунча чегаралаб қўйганлиги табиий. Бу эса мазкур даврда қонун созида ижро қилинувчи жанрлар қамрови ҳам кичик бўлганлигидан далолат беради

Уд - барча созларнинг подшосидир, зеро у ўзида товуш қамровининг кенглиги ва ёқимлилиги билан торли созларнинг орасида энг яхшиси ҳисобланади. аъкидлаш лозимки, манбаларда уд созининг жуда тарақкий этганлиги ва оммавий соз бўлганлиги қайд этилади. Бизнингча, бунга асосан, мусиқий сознинг қурилма хусусиятлари ва албатта уларнинг негизида шаклланган ижровий-бадиий имкониятларнинг катталигидир. Зеро бадиий имкониятларнинг кенглиги - мусиқий сознинг қўлланиш

доирасини ва нафақат ижрочилик мактаби, балки халқ маданий турмушида ҳам оммавийлашувини маълум даражада белгилаб беради.

Ҳар бир мусиқий соз - маданиятнинг моддий белгиси сифатида маълум даврнинг мусиқий фикр ҳарактерини ёритишга имкон беради. Масалан, олим эслаб ўтган барбод, ребаб, қўбиз, руд, шамаме, кунгура каби созлар истеъмолдан чиқиб кетган, демак уларнинг конструктив ва ижровий имкониятлари давр ўтиши билан талабга жавоб бера олмэганлиги боис, уларга нисбатан маънавий эҳтиёжлар йўқола бошлэган. Юқорида таъкидланганидек, мусиқий созлар инсоннинг ижтимоий - маънавий эҳтиёжларига қўра яратилади, фойдаланилади ва мусиқий-маиший ҳаётдаги ўрнига караб тарақкий килади.

Дарвиш Али моҳир созанда сифатида ҳар бир мусиқий сознинг амалиётдаги ўрни, яъни истеъмол доираси: мусиқий соз қўлланувчи жанр турларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилган. Бу эса, Марказий Осиё ҳудудида қўлланилиб келинган мусиқий созларнинг тараққиёт босқичларидаги ҳарактерли анъаналар ҳақида илмий холосалар чикаришга имкон беради.

Юқорида таъкидланганидек, Дарвиш Али кўпроқ тарихчи мусиқашунос сифатида фаолият кўрсатган ва шу боис, рисоланинг маҳсус бобларида - мусиқа маданиятида ўчмас из қолдирган санъаткор- тарихий шахслар ҳақида маълумотлар беради. Масалан, олим эрамизнинг V - аслида Сосонийлар даврида яшаб, мусиқада шеърий вазнни ilk куйга солган Бахром-Гур, VI - асрда яшэган машхур созанда Пири Чангий, VI-VII асрларда ижод этган Барбод каби санъаткорлар ҳақида ривоятларни мисол қилиб (VII боб) ҳикоя килса, Шарқ уйғониши даврининг алломалари - Рудакий, Жомий, Навоий, Биноий каби шоирларни мусиқий кобилият эгалари ва бу соҳанинг билимдонлари сифатида таърифлайди (VIII-боб).

Таъкидлаш лозимки, Дарвиш Али рисоласида келтирилган тарихий - назарий маълумотлар - мусиқа маданиятимиз тараққиёти манзарасига чизги беришга имкон беради ва сўзсиз ёшларга миллий маданиятимиз тарихи, мумтоз анъаналар ҳақида билим берувчи дурдона асарлар

сифатида илмий манба вазифасини ўтайди.

Марказий Осиё мусиқа илмининг тарақкий этиши албатта ҳар бир хонлиқда юзага келган маданий муҳит, мусиқа санъатининг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрни билан бевосита боғлиқ бўлиб, манбаларда Хива хонлигига турли мусиқий жанрларда ижод этувчи созанда -хофизлар, аввало, давлат арбобларининг мусиқа санъатини жуда ардоқлаб, унга ҳомийлик қилганликлари ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак-ки, Хива хонларидан Абдуллахон (1854 йил) танбур ва ғижжак чалишни, Сайд Муҳаммадхон (1855-1864 йиллар) дутор ва ғижжакда машқ килганлиги, созанда ва мусиқашуносларни ўз саройида хурмат билан сақлэганлиги ҳам маълумдир. Айниқса, Хива хони Муҳаммад Рахимхон (1861-1910) даврида мусиқа санъати жуда ривожланган. Давлат арбоби - “Феруз” тахаллуси билан адабий асарлар битиши билан бирга, бастакор сифатида Хоразм мақомларининг чолғу йўлларида йирик шаклдаги мусиқий асарлар яратди.

Манбаларда ёзилишича, бу даврда “маълум бир илм-фан соҳасида оригинал асарлар кам учрап эди. Факат адабиётда ижтимоий - сиёсий муҳит таъсирида ёрқин ижод эгаларини учратиш мумкин эди”. Хусусан, ушбу даврда илғор фикрли санъатсевар адабиётчи-шоир алломалар ижодида ҳалқ мусиқа меросини ўрганиш, уни тарғиб қилиш ва ёзиб олиш каби миллий- маърифий мазмундаги масала энг асосий ўринни эгаллади ва янги тадқиқ йўналишини бошлаб берди. Адабиёт, шу билан бирга мусиқа санъатига ихлос қўйиб, унда ўзининг инсонпарварлик, маърифатпарварлик гояларини тарғиб қилган ўзбек педагогикасининг намоёндаси Комил Хоразмий (1825-1899 йиллар) ушбу масалага илк қўл урган олимдир. Ўтмишдошлари сингари ҳалқ учун, фан ва маданият тараққиёти учун курашган фидойи, санъатсевар аллома илм- маърифатга - ҳаётнинг зебзийнати сифатида таъриф бериб, инсоннинг аҳлоқий камолотида асосий восита деб ҳисоблади.

Комил Хоразмий ҳаёти ва фаолиятини ўрганган М. Юсуф Девонзода

ўзининг “Хоразм мусиқий тарихчаси” китобида олимни мусиқа маданиятизмизнинг катта алломаларидан бири сифатида тилга олади. Ҳақиқатда, Комил Хоразмий йирик давлат арбоби, таржимон ва ҳаттот бўлиш билан бирга, моҳир бастакор, мусиқашунос-тарбиячи фаолиятини олиб бориб, Хоразмда қўплаб созандаларга таълим бериб келгандир. Масалан, ўзбек мусиқаси тарихида катта из қолдирган Муҳаммад Расул Мирзо, Матёкуб Ҳарратлар дутор, танбур, гижжак, чанг ва бошқа мусиқа асбобларини ижро қилиш амалларини ўрганганлар. Олимнинг ўзи катта созанда сифатида бир қатор анъанавий созларни ижро қилиш билан бирга бу билимлардан мусиқий- назарий тажрибаларида унумли фойдаланган.

Бизга маълумки, ўзбек мусиқа мероси дурдоналари оғзаки анъанада, ҳеч қандай ёзувсиз, “устоз-шогирд’ анъансида эшишиб ижро қилиш орқали бизгача етиб келгандир. Ана шу дурдоналарни ёзиб олиш ғояси,nota ўйлига тушириш, Комил Хоразмийнинг мусиқа илмининг назарий-амалий асосларига таяниб, nota ёзувини ихтиро этиши учун туртки бўлди. Хоразмийнинг бу каби ихтирога қўл уришиига аввало, олимнинг фидойи, халқсевар тафаккур доирасида халқ мусиқа меросини ўрганиш ва сақлаб қолиш, уни келажак авлодга етказиш мақсади сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, олимнинг жуда катта илмий салоҳияти ҳам ўз кучини кўрсатди.

Комил Хоразмий 1975 йилнинг март ойида Муҳаммад Рахимхон Ферузни Москва ва Санкт-Петербургга маслаҳатчи сифатида кузатиб боради. Русияга килган сафари чогида олим, рус мусиқашунослари билан учрашади, уларнинг нотэга қараб ижро этишларининг гувоҳи бўлади. Хоразмий миллий мусиқа меросимизни сақлаб қолишида nota ёзувининг жуда муҳим восита сифатида хизмат қилишини чукур англаб етган ҳолда ўз назарий билимларини жамлаб ўзбек nota ёзувини ихтиро қилишга тўшади ва кейинчалик бу ихтиро “Танбур чизиги” деган ном билан машҳур бўлади. Комил Хоразмий nota ихтиросида товушлар баландлиги - танбурнинг 18 пардасига мослаб ишланган эди.

Хоразмий шу nota тизими воситасида Хоразм мақомларини ёзиб ола

бошлайди. Кейинчалик бу ихтиро олимлар томонидан ўрганилиб, ундаги айрим нуксонлар кўрсатиб ўтилди. Масалан, мақом намуналарини ёзиб олиш жараёнида, кичик ритмик шаклларни ва паузаларни билдирувчи маҳсус белгилар қўйилмаган, бўлиб, умуман, танбур чизиги нота ёзуви, уларнинг фикрича, бирмунча тахминий характер касб этади.

Шундай бўлса-да, Комил Хоразмийнинг бу ихтироси илмий-назарий асосларда яратилган буюк кашфиёт бўлиб, мусиқа илмининг ҳам амалий ҳам назарий соҳалари учун хизмат килишга мўлжалланган эди. Ўз даврида кенг қўламда қўлланилмэган бўлса-да, “танбур чизиги” нота йўли халқ мусиқасини ёзиб олишдек маърифий ғояни амалга оширишда қўйилган илк қадам бўлиб, мазкур давр нуктаи-назаридан зарурати жуда баланд масалалардан бирини ҳал этишга каратилган эди. Аммо, Комил Хоразмий фақат бу ихтиро билан чегараланиб колмади. Масалан мақом куйлари шаклида йирик асарлар ҳам басталади ва аллома басталэган “Мураббий Комил”, “Пешрави Феруз”лар, кейинчалик Хоразм “Рост” мақоми таркибиға киритилиб, миллий мусиқа меросимиэга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Комил Хоразмий йирик адабиёт намоёндаси ва санъатсевар олим сифатида бу икки соҳани аҳлоқий тарбия воситаси деб таърифлади ва уларнинг асосий вазифаси “ҳақ сўз”ни айтишдир деб ҳисоблади. Демак, олим адабиёт ва шу билан бирга ўзининг ижодий фаолиятида ўрин олган мусиқа санъатини фақат адолатли жамият учун хизмат килиши, унинг намоёндалари эса, доимо “улус гами”да фаолият кўрсатишлари лозим деб билди. Шу жумладан, олимнинг ўзи ҳам бутун ижодини мураббий, шоир, санъаткор-мусиқачи сифатида ўзбек халқи маданиятининг тараққий этиши учун бағишилади.

Марказий Осиёning хонликлар даври маданий-ижтимоий ҳаёти, мусиқа санъати, унинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хусусида тўхталиб, хулоса қилиш мумкинки,

биринчидан - мазкур даврни мусиқа илмининг тараққий этиш

босқичида тўлик тушкунлик ва бекарорликдан иборат давр деб изоҳлаб бўлмайди. Қайд этиш мумкинки, ўрганилаётган давр Ўзбекистон ва ўзбек халқи тарихида мусиқа санъатининг (хусусан мақом ва чолғу ижрочилигининг) маълум даражада ривожланиши билан тавсифланади;

иккинчидан - Марказий Осиё географик тузилишидаги ўзгаришлар, яъни ўлканинг хонликларга бўлинниб кетишини маънавий-мафкуравий соҳадаги тарқоқлик ва бекарорлик маъносига тушунмаслик лозим. Тўгри, ўлканинг хонликсларга бўлинниш ижтимоий-сиёсий, иқтисодай, маънавий-мафкуравий ҳолатга салбий таъсир қўрсатмасдан қолмади. Бу нарса, табиийки, мусиқий унсурларнинг ривожига ҳам маълум салбий таъсир қўрсатди. Аммо, мусиқа ўзнинг ижтимоий педагогик мавқеини сақлаб колган ҳолда яратилаётган янга мусиқий асарларда, ижрочилик усулларида тинимсиз ривожланиб келди;

учинчидан - хонликлар даврида ўзига хос мусиқа санъати марказлари шаклланди. Бу борада айниқса, Бухоро »а Самарқанд маданий марказлари ўрни ва роли каттаа бўлди. Таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган даврда ушбу маданий марказларнинг маданий алоқалардаги аҳамияти ҳам ортиб борди. Айниқса, Хитой, Хиндистон, Туркия, Эрон, Москва каби давлатлар билан алоқалар жиддий ривожланди. Ўз навбатида юқоридаги каби давлатлар мусиқа маданиятининг айрим унсурлари (хусусан мусиқий созлар ва уларда ижро қилиш анъаналари) маҳаллий аҳоли турмуш тарзига кириб келиш ҳоллари юз берди;

тўртинчидан - ҳар бир хонлика ўзига хос маҳаллий педагогик - ижрочилик тамойилларига асосланган мактаблар шаклланди Бундай ўзига хослик қайд этиш керакки, жиддий аҳамият касб этмэган ҳолда, ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан миллий мусиқа санъатининг умумий хусусиятларини сақлаб колган эди. Бу мактаблардаги ўзига хослик асосан, ижрочилик услублари масалаларигагина таъллуқли эди холос. Яна шуни таъкидлаш лозимки, мазкур мактаблар маҳаллий хусусиятларга эга бўлсада, бироқ уларни яхликликда боғлаб турувчи омил - тарихан шаклланиб

келган ягона этник асос, унинг асрлар давомида тараққий этиб келган мусиқий анъаналари эди;

бешинчидан - хонликлар даври мусиқа илми таркибида илмий тадқиқ қамровининг кенгайиши ҳам - ўзига хос хусусият бўлиб, миллий нота ёзувининг кашф этилиши - аллома-олимлар томонидан назарий асослар орқали амалий соҳанинг тараққий этишини таъминлаш мақсадида амалга оширилган саъий ҳаракатларнинг натижаси эди, яъни, мусиқа илмининг назарий ва амалий асосларидан замонавий тадқиқотлар доирасида teng даражада ва жуда унумли фойдаланиб келинди. Мусиқа илмининг бу каби ёндашувда ўзлаштирилиб талқин этилиши замирида эса, миллий меросни ўрганиш ва жамият аъзоларини миллий маданият негизида тарбиялаш мақсади қўйилган эди.

Таъкидлаш лозимки, уйғониш давридан фарқли, феодал тарқоқлик, ижтимоий начорлик, сиёсий бекарорлик ҳукм сурган хонликлар даврида мусиқа илмининг бу каби серкирра тараққий этиши - мазкур давр маданий ҳаётининг катта ютуғи эди.

Марказий Осиё хонликлар даврида мусиқа илми моҳияттан жамият ҳаётидаги энг асосий муаммолардан бири - инсон тарбияси мавзуси билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланди. Фан предмети - маънавий омил сифатида талқин қилиниб, унинг тарбиявийлкк хусусияти мазкур илм тараққиётида йўналтирувчи ғоявий манба мавқеини саклаб келди.

Умуман олганда, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида мусиқа илмининг назарий соҳасидан кўра, амалий соҳа – ижрочилик санъатининг ўзига хос, аммо зиддиятли ривожланши кўзга ташланди. Масалан, бу соҳанинг асосий тармоғи бўлган қўшиқчилик жанри - айниқса, XX асрнинг бошларида энг оммавий санъат турига айланган эди. Зеро қўшиқ, халқ ҳаётидаги ранг- баранг мавзуларни қамраб олиши мумкин бўлган ва барча қатламлардаги тингловчилар томонидан идрок этилиши енгил бўлган жанр ҳисобланиб, айни вақтда оддий халқни сиёсий йўналтиришда етарлича кучга эга бўлган тарбиявий-ғоявий восита

мавкеъини эгаллади. Қўшиқ - айниқса, Октябрь тўнтариши арафасида ва ундан кейинрок янги сиёсий-ижтимоий тизим мафкураси мазмунини кенг кўламда тарғиб этилишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга ушбу жанр билан бир қаторда мусиқа маданиятининг таркибий қисми сифатида анъанавий мақом ижрочилик санъати ҳам тараққий этишда давом этди.

Хонликлар даврида шаклланган Бухоро, Хоразм ва Тошкент-Фарғона ижро услублари - маҳаллий анъаналарини давом эттирган ҳолда Ота Жалол, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Туйчи каби буюк мақомдон санъаткорлар ижодида мукаммал ўрганилди ва ривожлантирилди. Уларнинг ҳар бири ўз ижро услуби билан ўзбек мақом ижрочилиги маданиятида из қолдириб, мусиқа илмининг амалий соҳаси тарихида катта мактаблар яратдилар. Аммо бу мактаблар, уларнинг анъаналари, тарбия ва таълим услуби - шўролар тизими, унда миллий маданиятнинг ҳукмрон мафкура манфаатлари фойдасига сиёсийлаштирилиши ва буйсундирилиши боис, “эскилик сарқити” сифатида камситила бошланди.

Шўролар даврида шаклланган мусиқий-маданий таълим тизимида ҳам анъанавийлик тамойиларидан бутқул воз кечилган ҳолда, европа, рус ижрочилик тамойиллари асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилади. Мусиқа илмининг таркибий соҳалари - европача қолипда ишланган алаоҳида фанлар сифатида санъатшунослик соҳаси қамровида ихтисослашган таълим тизимида ўрганила бошланган эди, тамойиллар асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Айнан шу даврда ўзбек мусиқа маданияти икки йўналиш - халқ анъанавий ижрочилиги санъати ва асосан сиёсий манфаатларини ифодалаб келган ақадемик ижро санъатига бўлинди. Бу йўналишлардан бири – иккеничисининг устидан бир неча ўн йиллар ҳукмрон бўлиб келди.

Бу ҳукмронлик, масалан, миллий мусиқий созларимизнинг тараққий этиш жараёнида ҳам ўз белгисини берди. Жумладан, 30-50 чи йиллар

давомида миллий маданиятимизнинг моддий неъматлари ҳисобланган мусиқий созлар - “давр талабига жавоб бермэганлиги” рўкач қилиниб, “қайта ишланди” ва сунъий равища европа мусиқий созлари нусхаларига қиёслатиб уларнинг янги турлари яратила бошланди. Масалан, дутор, танбур каби миллий чолғуларимизнииг асл нусхаларидан фарқли, турли кўринишдаги янги хиллари яратилди, аммо, тараққиёт қонунларининг гайри табиий равища бузилганлиги - мазкур созларнинг маданий турмушида ўрин ололмэганлиги билан яна бир карра исботланди.

Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш керакки, маданиятни йўк қилиш билан, жаҳон. цивилизациясида миллатнинг ўрни ҳам йўкола бошлайди. Бу айни истгило этилган ўлка халқлари қуллигини абадийлаштиришдек сиёсатда энг қулай шароит бўлиб, Октябрь тўнтаришигача чор ҳукумати ва ундан кейин шўролар тузумида шаклланган янги давлатнинг байналминаллик байроғи остида олиб борилган фаолиятида аниқ-равshan кўзга ташланади. Маданиятда миллийлик руҳининг сусайтирилиши ҳисобига оврупа маданиятига “яқинлашиш” йўлида олиб борилган соҳта байналминалчиликнинг натижасида жамиятда тарбияланувчи шахслар дунёкараши ғайритабиий маданий унсурлар қамровида ва таъсирида шаклана бошлади. Сиёсий- мафкуравий ғоялар мусиқанинг тарбиявийлик хусусияти орқали халқ онгига мажбуран сингдирила бошланди. Натижада миллий мусиқий тафаккурнинг чегараланиши рўй берди ва бу ўз навбатида миллий маданиятнинг тараққий этишига катта таъсир килди.

Марказий Осиё тарихида рус истибоди ва шўролар тузуми даври - миллийлик руҳи билан йўғрилган ғояларни илгари сурган, айниқса, миллий маданиятнинг равнаки учун курашиш бир қатор аллома - олимларни етиштириб юзага олиб чиқди. Ана шундай ўзбек педагог - олимларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) бўлиб, унинг ижодида, адабиёт билан бир қаторда мусиқа санъатига ҳам бирдек ихлос қўйилиб, миллий мусиқа мероси чуқур ўрганилди. Ўткир эшлиш қобилиятига эга бўлган шоир дутор ва танбур каби мусиқий созларнит

моҳир ижрочиси бўлиб етишди, халқ мусиқаси эса, унинг учун руҳий озуқа манбаига айланди. Кейинчалик, мусиқий созларда ижро қилишни ўрганиб олган миллий оҳангларга - шеърлар ҳам бита бошлади. Масалан, унинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” тўплами шу тариқа юзага келди ва Ҳамзанинг мусиқий педагогик фаолиятини бошлаб берди. Ҳамза тўпламнинг биринчи бўлимига ёзилган сўз бошида “миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмаслиги учун, оҳанг ва куйларимиэга миллий шеърлар тартиб бериб нашр эгаёттандигини” ёзди.

Халқ мусиқа мероси намуналарини сақлаб қолиш, уларни янги мазмунда халқ истеъмолига қайта олиб кириш ғояси - кейинчалик Ҳамза маърифий-маданий фаолиятининг асосий кирраларидан бирини ташкил қилди. Мазкур даврда халқ орасида оммавийлашган қўшиқ жанри оркали ўз ғояларининг оҳанг жўрлигига халқ онгига тезроқ сингиб бориб, унга руҳий таъсир эга олиши мумкинлигини англаб эттан Ҳамза, айнан шу жанрда кўпроқ ижод этди, Аммо шоир миллий мусиқа дурдоналарини қайта тиклаш ва қадрлаш билан бирга маҳаллий маданият – бошқа халклар маданияти ютуқлари билан бойиб бориши лозим деб ҳисоблади ва шу боис, рус мусиқа маданият унсурларини ҳам тарғиб кила бошлади. Масалан, 1916 йилда Фарғона рус тузем мактабида олиб борган фаолияти давомида рус мусиқа жамоалари ижоди орқали Марказий Осиё ҳудудига кириб келган хор ижрочилиги тўгаригини очди.

Худди шу вақтнинг ўзида овропа пуфлама чолғулар оркестрини ҳам ташкил этди. Бу жамоаларда турли касбдаги маҳаллий аҳоли намоёндалари қатнашар эдилар, уларнинг фаолияти ҳаваскор ижрочилик даражасида бўлганлиги табиий. Шу билан бирга, Ҳамза, рус-тузем мактаби тарбияланувчилари га халқ чолғу асбобларини ҳам ўргата бошлади. Уларда миллий ижрочилик анъаналари асосида таълим берди.

Бундан хulosа қилиш мумкин-ки, Ҳамза миллий анъаналардан чекинмаган ҳолда, рус мусиқа маданияти унсурларини тарғиб қилди. Шоир ижодида байналминал ёндашув халқ манфаатлари, унинг маънавий-

маданий юксалнинг тояси билан сугорилган эди. Аммо жамиятда рўй берадиган сиёсийлаштириш жараёни Ҳамза ижодига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Масалан, унинг миллийлик руҳида яратилган қўшиқлари орасида инқилобий мавзуда, шўролар сиёсий-ижтимоий тузуми мазмунини акс эттирувчи асарлар ҳам ижод этилганлиги маълум. Аммо, Ҳамзанинг бутун умри халқ орасида, маърифий-маданий фаолият олиб боришга багишланганлиги боис, холисона тарзда фақат миллат равнақи учун жон қўйдирди.

Ҳамзанинг педагогик фаолиятида мусиқа илмининг нафақат амалий, балки, назарий ривожига ҳам катта эътибор берилди. Масалан, рус-тузем мактабида тарбияланувчиларга мусиқанинг бошланғич назарий асосларидан таълим берди. Кейинчалик, ўз билимларини ошириш мақсадида Самарқанд мусиқа ва хореография институтига ўқишига кирди. Унда мусиқа тарихи, назарияси, мусиқа мероси намуналари билан танишади ва ўрганади. Мусиқа илмида маҳсус рисолалар битмэган бўлсада, Ҳамзанинг педагогик - мусиқий фаолиятида бу илмининг амалий соҳалари – бастакорлик, миллий қўшиқчилик санъати ва мусиқий соз ижрочилига анъаналари тарбияланувчи-ёшлар орасида кенг тарғиб этилди ва ривожлантирилди. Албатта бунда Ҳамза эркин услубий ёндашувни қўллэган бўлса-да, бу услуб ўзининг халқчил хусусияти билан давр нуктаи-назаридан самарали натижалар бериб келди.

Ўрганилаётган давр ўзбек педагогик фикр тараққиётида мумтоз анъаналарни тарғиб этиш, уларни қайта тиклаш ва амалиётга тадбик этишни мақсад қилиб қўйган, миллат маданий-маърифий ривожини юксалтириш тояси билан қуролланган халқ намоёндаларининг жадидчилик ҳарақати -жамиятда юзага келган тарихий-сиёсий вазиятдаги норозилик кайфиятининг ифодаси эди.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур давргача бўлган қарашлардан фарқли миллийлик руҳи билан йўғрилган тоялар тўлқини вужудга келди. Айни пайтда жамиятда ана шундай илғор фикрли шахслар сиёсий таъқиб

остига олина бошланди. Аммо шўролар хукуматининг кўрсатган тазийклариға қарамасдан, фаолият кўрсатган жадидчилик ҳаракатининг катта намоёндаси, халқнинг жонкуяр, маърифатпарвар ўғлони Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат (1886- 1937) - ўзбек маданиятида катта из қолдирган йирик олим, адиб ва шоир, файласуф, мусиқа илмининг билимдони ва улкан педагог олим сифатида бутун ижодий фаолиятини халқ келажагиа бағишлади ва ўзидан кейинги авлод учун илмий, бадиий ва педагогик кимматга эга бўлган бой мерос қолдирди.

“Илм-фан - ўкиш ва ўқитишининг замонавий илмий асосда йўлга қўйилишини маърифатли ҳаёт учун курашда энг қудратли восита деб билди” ва ўз ғоялари тарғиб қилинган кўплаб бадиий илмий асарлар яратди. Ушбу асарлар орасида олим зиёли дунёқарашининг бир қиррасини очиб берувчи “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” рисоласи - умуман XX аср ўзбек мусиқа маданиятининг аҳволи, унинг замонавий сифатларда тараққий этиш услублари ҳақида илмий ёндашувда фикр юритилган илк асарларидан бири эди. Бу каби асарнинг ёзилиши учун Фитратда етарлича билим ва тажриба бор эди, зеро олим, мусиқа ва созларни севган, бу борада мушоҳада юритиш қобилиятига эга бўлган санъат шайдоси эди.

Олимнинг кизи, Севара Кароматиллахўжаеванинг эсласича, уларнинг уйларида кўпинча ўзбек мақом ижро мактабининг буюк намоёндалари Туйчи Хофиз, Домла Халим Ибодовлар келиб юришган. Фитрат улар билан сухбатлашар, баъзи кунлари йигилишиб ўтиришганда, дутор ва танбур садолари янграп эди. Демак, Фитрат жамоатчи фаолияти билан бирга санъат учун, уни ўрганиш, ундан завқланишга ҳам алоҳида эътибор берган. Олим мусиқанинг маънавий жиҳатдан қувват бера олиш қудратини - гўзал вокелик деб ҳисоблайди, шу билан бирга мусиқий созлар эса, бу гўзалликни инсонга моддий етказиб беришга яровчи “қуроллардир” - дейди.

Фитрат ижодининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, миллий

санъатнинг келиб чикиш тарихини ўрганаар экан, унинг араб исломидан олдинги тақдири, аждодларимизнинг маданияти ҳақида ҳақиқатни билишга, излашэга интилди. Хусусан, ўрта асрларгачи кўп миллий асарларимиз билан бирга мусиқа маданиятининг ўзига хос анъаналари ҳам йўқ бўлиб кетган деб зикр қиласди. “Катта бир йўлдан ўтиб кетган улуғ бир карвоннинг изи қолмайдирми?” деб савол беради олим. Унингча, “араблардан кейин турк мусиқийсининг изларигина қолгандир”.

Фитратнинг ўз халқи тарихи анъаналарини сақлаб қолишдек фидойи ҳаракати бутун фаолиятида давом этиб келди. Масалан, унинг халқ мусиқасини теран ўрганиб, таҳлил қилиш лозим эканлигини, “ўз оҳангларини буэмасдан нотэга олдирмок” улуғ хизмат эканлигини таъкидлаши - отзаки анъанадаги мусиқа дурдоналаринн сақлаб қолиш бу билан аждодлар меросига ҳурмат билан эътибор қилганлигадан далолат беради. “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асаридаги энг қимматли маълумотлар эса, ўша давр ўзбек мусиқа маданиятида қўлланиб келинган чолғулар ҳақидадир. Уларнинг биз учун жуда муҳим томони шундаки, Фитрат ҳар бир мусиқий созни таҳлил килар экан, уларнинг ясалган услуби (қандай хом-ашё ва уларнинг ишлов йўллари ҳақида) конструктив хусусиятлари (сознинг тузилиши, таркибий қисмлари), пардаларда жойлашган товушқатор тизими, оҳанг жилоси ва истеъмол қилинувчи жанрлар доираси ҳақида ҳам алоҳида тўхталади.

Бундан ташқари, уларнинг ижровий - бадиий имкониятларини ёритишида соф этник атамаларни қўллайди. Масалан, танбур дастасида пардалар жойлашувини қўйидагича истифода этади. “Танбурнинг йигирма пардаси бор. Бундан ўн олтитаси танбурнинг сопига белбоғ каби ўралган ичак билан кўрсатиладир. Тўртаси эса, косанинг сопга ёпишган ўрнидан бошлаб, танбур юзига ёпиширилган “хас” парда билан кўрсатиладир. Пардани кўрсаткучи ичак белбоғнинг қалин-ингичкалиги танбурнинг катта-кичиклигига қарайдир. Танбурнинг сопидаги ўн олти парда асл парда синалиб, коса юзидаги тўрт парда эса, “хас парда“ аталадир.

Танбурларнинг баъзисида ўн саккиз парда кўрсатиладир, бироқ булардан ҳам исталганида яна икки “хас парда” товуш чикармок мумкиндири”.

Таъкиддаш лозимки, олим атамаларни жуда аник ва ихчам тарзда қўллаган. Бу эса, маълум вақт мобайнида чолғу маданиятилизда унутилиб кетган ибораларнинг тикланишида асосли манба бўлиб хизмат қиласди. Танбур созидан бошқа, дутор, чанг, ғижжак, афғон рубоби каби мусиқий созларни ҳам илмий ёндашиб таҳлил эгар экан, мусиқа илми -таркибида ўтмиш алломалар асос солган чолғушунослик акъянасини давом эттириди. Фитратнинг ушбу асаридаги педагогик моҳият шундан иборатки, унда ўзбек мусиқа тарихини ўрганиш, аждодларимиз мусиқа мероси асосида ўзига хос ёндашилган услубда таълим бериш орқали, ёшларни миллий маданий негиздаа тарбиялаш каби жуда муҳим вазифани мақсад қилиб қўйганлигидир.

Бундан ташқари, шўролар давлатида, барча миллат вакиллари учун мусиқа илмининг бир хил қолипда ишланиб истеъмолга киритилиши-жамиятда миллий педагогик анъаналар ва миллий меросга бўлган муносабатни тубдан ўзgartирган эди. Фитрат ва унга ўхшэган халқнинг маърифатпарвар, илғор фахрлии намоёндалари эса сиёсий таъқиб остига олинишларига қарамасдан, миллий-маданий тараққиёт учун курашишни инсонпарвар бурч деб билдилар.

Миллат маданиятининг равнақи учун фидокорона жон қўйдириб, айниқса, мусиқа илмининг амалий соҳасида серунум иш олиб борган аллома-олимлардан яна бири - ўзбек миллий мусиқа маданиятининг катта намоёндаси, Ўзбекистан Фанлар Академиясининг академиги, бастакор ва созанда Юнус Ражабий (1897- 1976) эди. Инсонпарвар, фидойи санъаткор бўлиш билан бирга олим, том маънода авлодларимиз анъаналарининг давомчиси, улкан педагог ҳамдир.

Олим ўз педагоглик фаолияти Самарқанд педагогика билим юртида дарс беришдан бошланган. Ёшларгаа илм бериш жараёнида ҳам ўзининг билим доирасини кенгайтиришни давом эттириб, ўша даврда Самарқандда истиқомат қилаётган Бухоро Шашмақомининг билимдони, машхур дутчи,

бастакор Хожи Абдулазиздан санъат сирларини ўрганишни давом эттирди. Олимнинг ёзишича ўшанда, Хожи бобо сингари тарбиячи санъаткор бўлиб етишиш истаги туғилади. У ўз олдига халқ мусиқа меросини ўрганиш ва уни халқка етказиш, ёшларга ўргатиш каби инсонпарвар, фидойи мақсадни қўйган эди.

Ю. Ражабий ижодий фаолиятининг қирраларидан бири - унинг халқ мусиқа меросини ёзиб олишдаги беназир хизматидир. Олим халқ ижодининг намуналари, масалан, қўшиқ, лапарлар, уларда мужассам бўлган сермазмун матнлар муҳим бадиий-маънавий тарбия воситаси бўлиб келганлиги ва шу билан бирга улар ўз оҳангдорлиги билан тингловчилар руҳиятига тез сингувчи жанрлар бўлиб, олим шу нуқтаи-назардан уларнинг қиммати баланд эканлиги педагог сифатида доимо ҳис этди. Олимнинг буюк хизмати - ўзбек (шу билан бирга тожик) миллий мусиқа меросининг дурдонаси – “Шашмақом”ни нота тизимида ёзиб олганлигидадир.

Зеро бу туркум асар - том маънода бастакорлик ижоди ва ижрочилик (ҳам чолғу ҳам қўшиқ) санъатининг анъанавий тамойилларини ўзида мужассам қилган миллий-музиқий мактабдир. Унинг таркибидаги чолғу ва ашула йўлларини ёзиб олиш, таҳлил ва тақриз этиш, тарбияланувчига ўргатиш жараёнида чуқур назарий ва амалий билимлар ва катта педагогик тажриба талаб қилинади. Олим томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбек халқ мусиқаси” кўп жилдлик тўплам эса, халқ мусиқа мероси намуналари, “Шашмақом” ва чолғу мусиқасига бағишлиланган маҳсус боблардан таркиб топган. Тўпламнинг 1959- йилда нашр этилган ўзбек чолғу мусиқасига бағишлиланган бобнинг сўз бошида такидланишича, “бу тўплам ўзбек халқ чолғу мусиқаси ҳақида илгари нашр этилган барча тўпламларга қараганда кўпроқ маълумот беради”.

Унда Марказий Осиё ҳудудида чолғу маданиятининг қадимдан ривожланиб келинганлиги, айниқса ўрта асрларда Фаробий ва Ибн Сино томонидан уларни таснифлаб ўрганишга жуда катта аҳамият берилганлиги қайд этилади. Мазкур даврда (XX асрнинг 50-60 йилларнинг ўрталарида)

мусиқа амалиётида қўлланилаётган 16 та соз – товуш манбаига қараб таснифланади. Хусусан торли созлардан 6 нафарининг (ғижжак, сато, қашқар ва афғон рубоблари, чанг, дутор) – тузилиши, созланиши, техник-ижровий хусусиятлари, жанрлар қамрови нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мусиқий куролларни якка ва гуруҳ тартибда (ансамбл таркибида) ижро қилиш усуллари чолғу мусиқасининг турлари таҳлил қилинади.

Таъкидлаш лозимки, чолғу мусиқасининг бадиий-тарбиявий мазмуни товушлар тизимида никобланган бўлиб, уни идрок этиш-мусиқанинг сўз билан уйғунлашган мусиқий жанрларда ижод этилган асардарни идрок этишга нисбатан мураккабдир. Фаробий таъкидлаганидек, чолғу мусиқасини идрок этиш учун истеъдод хам зарурдир, тингловчи тасаввур килиш қобилиятига, мустақил тафаккур кучига, ҳис-туйғу маданиятига эга бўлиши керак. Гап мусиқий созлар ва уларда ижро қилинувчи мусиқа устида борар экан, унинг давримиз учун долзарб бўлган яна бир тарбиявий қирраси хусусида фикр юритиб ўтиш ўринлидир. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, мусиқий созлар ижросидаги миллий оҳанглар - инсонда руҳий кайфиятлар оркали миллийлик туйғусини уйғота олиш қудратига эга.

Зеро ҳар бир миллий чолғудан тараладиган оҳанглар асрлар оша аждодларимиз мусиқа тафаккурини ифода этиб, ўтмиш тарихлардан сабоқ, беради. Айниқса, ҳалқ дарди билан йўғрилган мусиқий асарлар ижро жараёнида тингловчининг руҳиятига тез сингиб боради.

Ю.Ражабийнинг чолғу мусиқасига бўлган муносабатида ҳам ана шу “дард” ғоясининг тарбияланувчилар томонидан англаниши энг муҳим ва асосий масала бўлиб келди. Олим ҳар бир соз, унинг сифати, ижро имкониятларини таҳлил қилишдан ташқари, ижро жараёнида уларнинг қўлланиш хусусиятларидан тўла қонли фойдаланиш борасида катта тажрибэга эга эди. Агар Фаробий мусиқа илмининг иккинчи бўлагида оҳанг яратиш ва ижрочилик санъатидан иборат деб ҳисоблэган бўлса, Ю.Ражабий ушбу соҳанинг XX-асрдаги энг етук намоёндаси сифатида

фаолият кўрсатди ва муҳими, ўз илмини фидайилик билан кейинги авлодга ўргатди, уларни шу орқали тарбиялаб, мусиқа санъатининг ихтисос-педагогига айланд.и

Шундай қилиб, чоризм мустамлакачилиги ва шўролар мустабид маъмурий - буйруқбозлик тизими даврида мусиқа санъати ва унинг таркибида миллий мусиқий созларнинг тараққий этиш хусусиятларини ўрганиб, хулоса қилиш мумкинки:

биринчидан, ўзбек миллий мусиқа санъати, умуман, Марказий Осиё мусиқий маданияти ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарамай, ўзининг умумий ривожланиш йўлида давом этди. Бу даврда мусиқа илмининг амалий соҳаси жуда тарққий этиб хусусан, хонликлар даврида шаклланган Бухоро, Хоразм ва Фарғона-Тошкент маҳаллий -услубий ижрочилик йўналишларининг мусиқий анъаналари халқ ҳофиз ва созандалалиги томонидан уларнинг ижодида сақлаб қолинди ва тезда такомиллаштирилди. Бу мактабларда юзага келган мақом ва чолғу ижрочилигининг этнопедагогик тамойиллари анъанавий устоз-шогирд ўкув тизимида давом эттирилди ва миллий мусиқа санъатининг мазкур даврдаги ривожида муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ўзбек мусиқа санъатида унга азалдан хос бўлган мумтозлик билан бирга сиёсийлашув юз бера бошлади. Бу жараён асосан Ўзбекистон ҳудудининг чор Россияси томонидан босиб олиниши, мустамлакачилик зулмини кучайиши, мустамлакачи маъмурларнинг ўзбек миллий маданиятини чеклашдан иборат сиёсати билан изоҳланади;

учинчидан, рус маъмурлари ўрганилаётган даврда Марказий Осиёда мусиқий маданиятни “ривожлангириш”га ҳаракат қилдилар. Бундан кўзланган мақсад эса мустамлакачилик асосларини мустаҳкамлаш, халқни миллий маданиятидан узоқлаштиришдан иборат эди. Бироқ, бундай салбий ҳолатларга қарамасдан, Марказий Осиё миллий мусиқа санъати анъанавий унсурларни ўзида сақлаб кола олди;

тўртинчидан, ўрганилаётган даврда Марказий Осиёда халқлари

миллий мусиқий ҳаётига рус Оврупа маданий унсурларининг киритилиши натижасида мусиқа санатидаги миллийлик ва байналминаллик нисбати бузила бошланди. Бундан ташқари, ўзбек мусиқа маданияти икки йўналишга – халқ анъанавий ижрочилик тамойилларига асосланган миллий мусиқа санъати ва мустамлакачилар мафкураси ғояларини ифодалайдиган овропа ижрочилик тамойилларига асосланган академик ижро санъатига ажralиб кетди ва таъкидалаш жоизки, анъанавий ижрочилик санъатининг педагогик асослари (шу билан бирга миллий мусиқий созларимиз ҳам) мазкур даврнинг талаб дарасига жавоб бера олмаслиги рўкач қилиниб, ўқув тизимида жуда тор доирада қўлланилди;

бешинчидан, Марказий Осиё тарихида рус истибоди ва шўролар тузими даврида мусиқа илми жуда зиддиятли тарзда тараққий этганлиги билан ҳарактерланада. Бу зиддиятлар: аввало, ўзбек аллома-олимлари ижодида миллийлик ғоясининг илгари сурилиши ва мусиқа илмининг анъанавий назарий-амалий ва тарбиявий асосларининг ҳам шу руҳда ривожлантирилишида, иккинчи томондан, жамиятда ҳукмрон мафқура манфаатларига мос равишда ишлаб чикилган илмий-педагогик ва мусиқий-назарий дастурлар асосида тарбияланиб бораётган авлод миллий мусиқий тафаккурининг чегараланишида намоён бўлди;

олтинчидан, аждодларимиз меросида асосланган анъанавий тамойиллар замонавий маънавий- тарбиявий тизимда инкор этилди, зеро, мазкур давр ҳукмрон мафкура сиёсатининг мазмун-моҳияти - “халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш” дан иборат бўлиб, бу ўз навбатида Марказий Осиё тарихида мусиқа илмининг маълум давр тараққий этишига тўсқинлик қилди ва унинг саёзлашувига олиб келди. Мусиқа илмининг назарий асослари мустақил фан сифатида, масалан, “Мусиқанинг элементар назарияси” “ Гармония”, “Мусиқа тарихи”, “Чолғушунослик’ таркибида гўёки европа маданиятидан кириб келган илмий соҳалар сифатида ўрганила бошланди.

Ушбу соҳаларнинг анъанавий негиз-асослари - неча асрлар илгари Марказий Осиё аллома-олимлари томонидан ишлаб чикилганлиги ва

юксак даражада ривожлантирилганлиги ёдга олинмади. Миллий-назарий мерос тарихий лавҳа сифатида жуда чегараланган тарзда “Ўзбек мусиқа тарихи” ўкув дарслигига киритилган бўлса, мазкур фан ўз “зарурияти”га кўра ғарб ва рус мусиқа тарихидан кейин, сўнги тоифа даражасида ўрганиб келинди.

Аммо, таъкидлаш лозим-ки, миллий мусиқа меросимиз ришталари бутунлай узилиб қолмади. Асрлар оша такомиллашиб келган анъаналар - чегараланган тарзда бўлса-да, тараққий этди ва асосан, мусиқа илмининг амалий соҳаси - халқ анъанавий ижрочилик мактаби намоёндалари фаолиятида давом эттирилди.

Шундай қилиб, монографиямизнинг биринчи бобига хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё аллома-олимлари ижодида мусиқа илмининг таракқий этиш жараёнини - маълум тарихий даврларга бўлиб ўрганиш натижасида амин бўлдикки, ҳар бир тарихий даврнинг ижтимоий, сиёсий-мафкуравий тизими - маданият жумладан, илм-фаннынг ривожига бевосита таъсир қиласи, уни ўз мазмун-моҳияти қамровида йуналтиради. Масалан, Марказий Осиё халқлари тарихида юксак маданий чўққига эришилган Уйғониш даври мусиқа санъатининг фан сифатида шаклланиши ва қисқа фурсатда бошқа илмлар қаторида катта мавкеъни эгаллашига кенг шароит яратиб берди.

Бу давр илм намоёндарига хос бўлган умумийлик, яъни, бир неча фанларни ўзлаштириш ва ижод этиш жараёнида мусиқа илмининг туб педагогик моҳияти – математика илми таркибида қатъиян асослаб берилди. Масалан, ушбу давр аллома-олимлари мусиқани инсон томонидан идрок этилувчи барча нарсаларнинг энг ноёб тури сифатида, турли руҳий эҳтиёжларни қондирувчи воқеълик деб қарадилар ва фан предметининг шахсини аҳлоқан, эстетик тарбиялашдаги функционал ўрнини кўрсатиб бердилар. XIV -XV асрларга келиб эса, мусиқа санъатининг илмий-назарий, тарбиявий асослари мустақил тарзда мусиқашунос олимлар ва кўпроқ адабиёт намоёндалари томонидан сўз санъати билан бир қаторда тадқиқ этила бошланди.

Уйғониш даври аллома-олимлари қўлга киритган илмий ютуқлар - кейинчалик Марказий Осиё хонликлар даври педагогик фикр намоёндалари томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди. Улар ал-Фаробий ва Ибн Сино таълимотига асосландилар ва бу орқали юони илми анъаналарини ҳам давом эттирилар. Шу билан бирга мазкур даврда мусиқа илмининг тараққий этиши замонавий маданий унсурлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом этди. Масалан, Марказий Осиё мусиқа санъатида Шашмақомнинг туркум асар сифатида шаклланиши, бошқа ҳудудлардан турли мусиқий созларнинг олиб келиниши ва уларнинг ҳалқ мусиқий-маиший ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб бориши - фан предмети тадқиқ қамровининг кенгайишига сабаб бўлди.

Ўз навбатада мусиқа санъатининг педагогик моҳияти ҳам унинг ижтимоий ҳаётда эгаллэган ўрни билан чамбарчас боғлиқ тарзда ўрганилди. Масалан, XVI асрда Кавкабий Бухорий мусиқа инсон танасига эмас, балки унинг руҳиятига таъсир қилиб, маънавий жиҳатдан тарбияловчи нозик санъатдир деб талқин этди.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир тарихий даврнинг ижтимоий мазмуни - маданият, илм-фannнинг кейинги тараққиёт мазмунини белгилаб беради, янги ғояларни юзага олиб чиқади.

Худди шундай, Марказий Осиё тарихида рус мустамлакасининг қарор топиши, янги сиёсий-мафқуравий тизимнинг ташкил бўлиши ва унга маҳаллий ҳалқнинг карам бўлиб қолиши - миллийлик ва миллий тараққиёт ғоясини кашф этди ва у хусусан мусиқа илмининг ҳам ривожланиш ўйлени белгилаб берди. Жумладан, миллий мусиқа дурдоналарини ёзиб олиш, уни келажак авлод учун сақлаб қолиш, миллийnota ёзувини бунёд этиш каби муҳим масалалар аллома- олимлар ижодида энг долзарб масала сифатида илгари сурилди.

XIX аср мусиқа маданиятида К.Хоразмий томонидан “Танбур чизиги” nota ёзувини ихтиро этилиши ҳам мазкур давр маънавий- маданий муҳитининг меваси сифатида юзага келди ва шу тарика мусиқа илмининг Уйғониш даврида шаклланган анъанавий таркибида - замон талабига

мувофиқ янги тадқиқ соҳаси юзага келди.

Маълумки, ҳар бир миллат ўз маънавиятини ривожлантиришда жаҳон цивилизациясининг энг илғор усул ва йўналишларидан ўз миллий хусусиятига мос жиҳатларини ўзлаштириши табиий. Аммо уни миллий маънавиятнинг зарари ҳисобига амалга ошириш миллат ижтимоий хотирасидан миллий анъанавий ўзакни ўчириш демакдир.

Шўролар жамиятида сиёсийлаштириш жараёни, ҳаётнинг барча соҳаларини ҳукмрон мафкура манфаатларига буйсундирган ҳолда йуналтирилиши, миллийлик ва байналмилаллик нисбатининг бузилиши оқибатида - миллий маданий унсурларнинг ривожланиши секинлаша бошлади, айрим ҳолларда бутунлай истеъмолдан сикиб чикарилди ва унутила бошланди, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг барча йўл ва усуслари билан халқнинг миллийликка интилишига қарши кураш олиб борилди.

Ўтмиш маданий мерос - давр замонавийлигига раҳна солувчи соя сифатида қабул қилина бошланди. Шундай қалтис, мураккаб тарихий жараёнда ҳам миллийлик руҳида ижод этган аллома-олимлар Ҳамза, А.Фитрат ва Ю.Ражабийлар мусиқа илмининг анъаналарини сақлаб қолишни миллат олдидаги бурчлари деб билдилар ва фидойиларча фаолият олиб бордилар. Улар мусиқа илмининг назарий ва амалий соҳалари - мусиқа назариёти, мусиқа тарихи, чолғушунослик, қўшиқчилик санъати ва халқ мусиқа меросини ёзиб олиш каби соҳаларни ўргандилар ва ривожлантиридилар.

Уларнинг ижодида ал-Фаробий, Ибн-Сино ва Жомий таълимоти анъаналари замонавий сифатларга эга бўлган ҳолда таҳлил ва талқин этилди. Миллат келажаги - ёшларни миллий-замонавий услубларни кўллэган ҳолда, маданиятли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда миллий мусиқанинг тарбиявий аҳамияти бениҳоя катта эканлиги таъкидланиб, бунда аждодларимиз миллий-мусиқий меросидан битмас-туганмас манба сифатида фойдаланиш, уни ўрганиш ва ўртатиш - асосий гоя сифатида илгари сурилди. Умуман, қайси тарихий даврда яшаб ижод

этмасинлар:

1.Марказий Осиё аллома-олимлари ижодида мусиқа илми - инсон камолоти, маънавий юксалиш, ахлоқ ва гўзаллик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи мўъжизавий воеълик сифатида талқин этилиб, педагогик асосда ўрганилди.

2. Мусиқа илми ўзининг тараққиёт босқичларида ҳар бир тарихий даврнинг мазмунини бевосита акс эттирган ҳолда, жамият ҳаётида энг муҳим муаммо - шахс тарбияси масаласи билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланди.

3.Марказий Осиё мусиқа илмининг тараққий этишида - унда қўлланилган услуг анъаналарнинг аллома-олимлар ижодида узлуксиз равишда давом эттирилиб ривожлантирилиши ва такомиллашгирилиши асосий омил бўлиб хизмат килди. Хусусан мусиқа илми таркибида чолғушуносликнинг алоҳида тадқиқ соҳаси сифатида ўрин эгаллаб келиши - унинг илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган тарбиявий моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, асосли равишда тадқиқотлар предмети сифатида ўрганилишига имкон яратди.

4.Фан предмети тадқиқ қамровининг ҳар бир тарихий-ижтимоий даврда янги илмий мавзулар билан кенгайиб бориши - мазкур илмнинг гоявий негизи билан бирга давр мазмун-моҳиятидан келиб чикаётган заруриятларнинг уйғунлашуви асосида рўй бериб, бу каби ҳодиса мусиқа илмининг ижтимоий ҳарактер касб этиб, жамият тараққиётининг функционал хусусиятга эга бўлган ажралмас бўлаги сифатида намоён бўлишини билдиради.

II-БОБ. МУМТОЗ АНЬАНАЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ МАДАНИЙ- МУСИҚИЙ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИ

II.1. Мусиқий созларни тасниф тизимида ўрганиш анъанасининг чолғу ижрочилиги педагогикасидаги аҳамияти

Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган маънавий-маданий ислоҳотлар, миллий уйғонишнинг ўзига хос муҳитида - ўзбек чолғу ижрочилиги маданиятида азалдан шаклланиб келган этнопедагогик асосларни тиклаб, ҳозирги ўкув жараёнига олиб кириш ва улардан фойдаланган ҳолда ёш авлодга таълим бериш мақсадида - маданий-маърифий ва мусиқий-педагогик соҳага ихтисослаштирилган даргоҳларда анъанавий чолғу ижрочилиги ўкув бўйимлари ташкил этилмоқда. Зеро, мусиқа амалиётимизда қўлланиб келинаётган анъанавий мусиқий созларимиз аждодларимиз мусиқий тафаккурининг маҳсули сифатида юзага келиб, кўп асрлик мусиқа маданиятиимизда халқимиз эстетик талаб-даражасини акс эттириб келган моддий неъматлардир. Уларнинг ҳар бири миллий-услубий хусусиятлари орқали баён қилинувчи мустақил бадиий “мазмунига” - мусиқий табиатига эга.

Тадқиқотимиз доирасида тарбиявий восита сифатида ўрганилаётган ўзбек миллий созларининг бадиий- ижровий имкониятлари ҳам айнан уларнинг мусиқий табиатида “никобланган” бўлиб, уни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш - чолғу ижрочилиги педагогикасининг асосий вазифаларидан биридир. Бу каби ёндашув, айниқса, мусиқа санъатимизнинг ижтмоий-маданий ҳаётимизнинг барча миллий хусусиятларини ўзида акс эттира олган халқ ижрочилик мактаби анъаналари тажрибасида амалга оширилиши мақсадгага мувофиқдир.

Зеро, маданиятиимизнинг моддий белгилари - фақатгина халқимиз ижтимоий, маданий ва майший турмушида юзага келган функционал-эстетик тизим қамровида тараққий этиб келгандир. Бундан ташқари, бизнингча, миллий мусиқий созларимизни ўрганишда этнопедагогик тамойиллар (халқ ижрочилик асослари) билан биргаликда Марказий Осиё

аллома-олимлари томонидан уларнииг илмий меросларида ишлаб чиқилган анъанавий услуг - асослардан унумли фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, Фаробий мусиқий таълимотида ишлаб чиқилган чолғушуносликнинг назарий-амалий ва педагогик асослари ва ўзига хос тадқиқ услублари турли тарихий даврларда Марказий Осиё мусиқа амалиётида қўлланиб келинган мусиқий созларни чуқур таҳлил этиб ўрганишда ўзига хос дастур вазифасини ўтаб келди. Бу услубнинг моҳияти шундаки, унда мусиқий созларнинг жуда кенг қамровда тадқиқ этилишига тўлиқ имкон яратилади. Масалан, мусиқий сознинг этник, этимологик, морфологик, ижровий, бадиий хусусиятлари маълум белгилар асосида таҳлил этилиб, олинган натижалар асосида унинг ижтимоий истеъмол мавкеъи, жанрлар қамрови, халк ҳаётида эгаллэган майший ҳарактери, тингловчилар қатлами, умумий қилиб айтилганда мусиқий сознинг тарбиявийлик моҳиятини ёритиб берувчи “мазмун” яхлитлигача ўрганилишига катта имкон берилади.

Таъкиддаш лозимки, тарбияланувчилар томонидан мусиқий созларнинг бир ёклама ва тор доирада ўзлаштирилиши - ўкув режаси кейинги босқичларининг фаол ижодий ҳарактерда давом эттирилишига тўсқинлик қиласи. Аксинча, мусиқий сознинг турли нуктаи-назарлардан мукаммал ўрганилиши эса, ижрочилик маҳоратининг ошишида ҳам асосий омиллардан бири бўлиб, мусиқий созда тўла “забт” этилган имкониятлар - ижро жараёнида мусиқий асарнинг эмоционал - ҳиссий таъсир кучини оширишда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, мусиқий соз ҳақидаги тўлиқ тасаввурлар - унда ижро қилинаётган мусиқий асар ифодавий хусусиятларининг талаба-ўқувчилар томонидан чуқур таҳлил этилиб, мустақил мушоҳада юритишга ва бу орқали ундаги бадиий-тарбиявий қимматини баҳолашга имкон беради.

Демак, мусиқий созларни тасниф тизимида ўрганиш орқали мукаммал “билиш” - мусиқанинг тарбиявий-эстетик мазмунини англаш,

ижрочилик маҳоратининг назарий-амалий жиҳатдан юксалшида муҳим омилдир. Бундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мусиқий созларни тасниф тизимида ўрганиш услубининг ўзбек чолғу ижрочилиги педагогикасидаги аҳамияти жуда катта бўлиб, бу услуг қуидаги тадқиқ доираларини қамраб олади:

Этимологик (мусиқий сознинг номланиши, уни ташкил килган таркибий қисмларнинг атамаларини таҳлил этиш).

Этник (миллий-тарихий келиб чикиш хусусиятлари)

Морфологик (мусиқий сознинг тузилиши)

Тембр-акустик (мусиқий созда тарихан шаклланган товушқатор тизими ва ундан янграйдиган товуш сифайтини ўрганиш)

Диафоник (мусиқий сознинг конструктив хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг кўповозлиқ имкониятларини ва бу хусусиятнинг мусиқий мазмунга таъсир даражасини таҳлил этиш)

Истеъмол доираси (мусиқий созни қўлловчи ижтимоий қатлам, ижрочилар гуруҳи ва ижро қилинувчи мусиқий жанрлар)

Техник - ижровий хусусиятлар (товуш ҳосил килиш услуби, зарблар мажмуи, динамик имкониятлар, аппликатура масаласи)

Таъкидлаш лозимки, мусиқий созда фақат ижро амалларини ўзлашгирган билан чегараланиш - талабаларнинг кейинги педагогик фаолиятида талабни қондирадиган даражада ижобий натижаларга зришишни таъминлай олмайди. Шу боис, педагогик жараёнда уларни (мусиқий созларни) назарий ва амалий жиҳатдан, маълум методологик асосда ўрганишнинг йўлга қўйилиши жуда муҳимдир, зеро, бу каби ёндашув ёшларнинг билим, малака ва кўникмаларининг онгли ва пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради

Мулоҳазаларимизни жамлаб, хулоса қилишимиз мумкинки:

1 .Мусиқий сознинг бадиий-тарбиявий имкониятлари - унда тарихан шаклланиб келган этник, этимологик, морфологик, миллий-ижровий ва бошқа хусусиятларнинг негизида шаклланади ва бу жараённи ўрганища

тасниф услуби энг мукаммал ва муҳим дастур вазифасини ўтайди.

2. Мусиқий созларни тасниф тизимида таҳлил этиб ўрганиш - тарбияланувчи талаба-ўқувчиларда чолғу ижрочилигининг назарий ва амалий асосларига оид билимларини пухта эгаллаш, ижрочилик маҳоратининг юксалиши ва миллий мусиқий тафаккурни ўстириш каби тарбиявий жараёнда муҳим методологик аҳамиятга эга.

3. Тадқиқотимиз жараёнида олиб борилган ижтимоий сўров натижалари шуни кўрсатдики, олинган жавобларнинг 60 фоизида талаба-ёшлар миллий мусиқий меросимиз ва унда қўлланилган методологик тамойилларнинг ҳозирги педагогик-ўқув ишчи режаларига асосли равишда киритилиши лозимлигини билдирилар. Шу билан бирга олинган жавобларнинг маълум фоизи талаба - ёшлар дунёқарашида миллий мусиқий меросимиз ҳақидаги билимларнинг чегараланганинги кўрсатди. Бу эса, айниқса мусиқий-амалий, мусиқий-педагогик соҳага ихтисослаштирилган ўқув даргоҳларида миллий маданиятизмнинг моддий белгилари - бадиий тарбия қуролларини ҳар томонлама ўрганиш жуда муҳим аҳамият касб этишини тақозо қиласи.

II.2. Мусиқий созларда бадиий-ижровий имкониятларнинг таснифлаб ўрганиш орқали ёритилиши. (Ўзбек анъанавий торли созлари мисолида)

Марказий Осиё аллома - олимлари илмий - мусиқий меросини таҳлил қилиш жараёнида амин бўлдик-ки, мусиқий созлар, айниқса, уларнинг маълум тури - торли созлар - тадқиқот предмети сифатида доимо ўзига хос мавкеъга эга бўлиб келган. Ҳакикатда, торли созларнинг амалиётда мавжуд бўлишига эҳтиёж сезилган давр - инсон тафаккурининг нисбатан юқорироқ босқичига тўғри келади ва шу омилнинг ўзигина уларнинг бошқа турдаги созлардан фарқли табиатга эга эканлигидан далолат беради. Улардаги ижровий имкониятларнинг кенглиги - бу турдаги мусиқий созларда якка - индивидуал ва даста - ансамбль ижро услубининг ниҳоят юксак даражада тараккий этишига туртки бўлди.

Юқорида таъкидланганлигидек, анъанавий ижрочилик мактаби асосларида ўқитиш йўлга қўйилиши билан миллий созларимиз сирларини чукуррок таҳлил қилиш, халқ ижрочилиги тажрибаларидан кенгрок ва унумлироқ фойдаланиш ҳозирги чолғу педагогикасида энг муҳим масалалардан бирига айланди.

Ўзбек чолғу ижрочилиги маданиятида қўлланилаётган мусиқий созлар уч турга бўлинади: пулфлама, торли ва урма созлар. Уларнинг орасида торли созлар энг катта гуруҳни ташкил этиб, мукаммал қурилма сифатида аллома-олимлар эътиборини доимо жалб этиб тадқиқотлар предметини ташкил қилиб келганлар. Биз ҳам анъанани давом эттирган ҳолда амалиётимизда қўлланилаётган мазкур турдаги созларни тадқик этишни лозим топдик. Масалан, ҳозирда ўзбек анъанавий чолғу ижрочилиги амалиётида қўлланилиб, таълим тизимида ўқитиш йўлга қўйилган ўзбек анъанавий торли созлари – танбур, дутор, афғон ва қашқар рубоблари, уд, ғижжак, қонун, чанг ва сатодир.

Бу созлар бир- биридан шакл тузилиши, тембр-акустик, техник-ижровий хусусиятлари, жанр қамрови ва аҳоли орасида истеъмол доирасининг турличалиги ва шу билан бирга ижтимоий-тарбиявий хусусиятлари билан фарқ килади Уларнинг сони - амалиётимизда қўлланилаётган урма ёки пулфлама турдаги созлар микдоридан ортиқ бўлиб, ўзларининг конструктив мукаммаллиги, шу билан бирга кенг бадиий имкониятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Айрим торли созлар “оммавий” ҳарактерга эга бўлиб, халқ ҳаётидаги кундалик эҳтиёжга эга, яъни, улар “хар куни” турли ижтимоий қатlam, турли ёшдаги ижрочилар томонидан қўлланилади. Айрим торли созларда эса, уларнинг “майший” эмас, балки, “концерт” фаолияти устундир.

Таъкиддаш лозимки, мусиқий созларнинг қайси муҳитда ва қайси жанрларда кўпроқ қўлланилиши - уларда шаклланган бадиий мазмун ҳарактери билан боғлиқ бўлиб, тингловчилар томонидан ҳам мусиқий асарлар орқали айнан ўзига хос жанрлар қамровида идрок этиб келинади.

Ҳозирги ўзбек анъанавий чолғу ижрочилиги амалиётида қўлланиб келинаётган торли созлар - Фаробийнинг тасниф тизимиға асос қилиб олинган қўйидаги белгилар орқали гуруҳларга бўлинади:

1. Товуш манбаи. (торлар)
2. Товуш ҳосил қилиш жараёнида торларнинг фаолияти. (бўлакларга тақсимланинш ёки яхлит тордан товуш ҳосил қилиниши)

Ушбу белгиларнинг ҳар бири - мусиқий созда бадиий-ижровий хусусиятларнинг ёритилишида жуда муҳим омил ҳисобланади, ўзбек торли созлари мазкур тизим тартибига киритилганда биринчи белги асосида ягона гуруҳни, иккинчи белги асосида (қўйидаги гуруҳларга тақсимланади:

1. Дастали торли созлар (танбур, сато, дутор, ғижжак, афғон ва қашқар рубоблари, уд).
2. Дастасиз торли созлар (қонун, чанг).

Аммо таъкидлаш лозим-ки, Фаробий, ундан кейинрок Ибн Сино, ал-Омувий, Абдулқодир Мароғийлар ҳам гуруҳларни ташкил қилган торли созларнинг товуш ҳосил қилиш жараёнида бир-биридан фарқ қилувчи воситалар қўлланишини алоҳида таъкиддаб ўтганлар. Уларнинг фикрича, товуш ҳарактери - қўлланувчи восита турлари билан боғлиқ равишда шаклланиб, ўз навбатида мусиқий сознинг бадиий -ижровий имкониятлари ҳам шу асосда ташкил бўлади. Агар ушбу мулоҳазага назарий ёндашадиган бўлсак, мазкур гуруҳлар учинчи белги асосида янада кичикроқ гуруҳларга бўлинниб кетади ва таъкидлаш лозимки, тасниф ҳарактери янада муфассал тус олади:

Дастали торли созлар.

- а) торли-чертма созлар; (инсон тана аъзоси - бармоқлар билан зарб бериб ижро қилинувчи торли созлар)
- б) торли-мизробли созлар; (мизроб билан ижро қилинувчи торли созлар)
- в) торли-камонли созлар. (камон билан ижро қилинувчи торли созлар)

Дастасиз торли созлар.

- а) торли-урма созлар; (махсус таёқчалар билан ижро қилинувчи торли созлар)
- б) торли тирнама созлар. (нохун билан ижро қилинувчи дастасиз созлар)

Ўзбек чолғу ижрочилиги маданиятида қўлланилиб келаётган ва таълим тизимида ўқитиш йўлга қўйилган анъанавий торли созларни ҳам худди шу асосда қўйидаги 5 гурухга тақсимлаш мумкин:

- а) Торли - чертма созлар гуруҳи; (дутор)
- б) Торли-мизробли созлар гуруҳи; (танбур, афгон ва қашқар рубоблари)
- в) Торли-камонли созлар гуруҳи; (ғижжак, сато)
- г) Торли урма созлар гуруҳи; (чанг)
- д) Торли тирнама созлар гуруҳи. (қонун).

Таъкидлаш лозимки, гурухларни ташкил қилган мусиқий созларнинг ҳар бири фақат ўзига хос ижровий-бадиий имкониятларига эга бўлиб, миллий- мусиқий мазмунни мужассам килган ўз “сўзига” эга ва ўз навбатида маданий ҳаётимизда ҳам мустақил функционал - эстетик вазифани бажаради.

а) Торли - чертма созлар гуруҳи.

Торли воситасиз, бармоқ билан ҳаракатга келтириб товуш ҳосил қилишнинг - нисбатан кейинрок юзага келган “мукаммал” услублардан фарқи шундаки, унда тананинг сезги ҳиссиёти - тебранувчи жисм билан уйгун “муносабатда” бўлади.

Торли бармоқ билан чертиб товуш ҳосил қилиш услуби - ўзбек анъанавий торли созларидан дуторга хосдир: бу созларда бармоқ билан торга зарб тушганда қисқа ҳарактердаги товуш ҳосил бўлади. Аммо бу созларнинг “мўъжизаси” шундаки, уларда мавжуд ижровий имкониятлар орқали қисқа товуш - ижро жараёнида давомли мусиқий-бадиий мазмунга эга бўлади. Ўзбек чолғу ижрочилиги таълим тизимида бу гурух таркибида фақат дутор сози фаолият қўрсатади.

Дутор. Сознинг номланиши - айрим торли созлардаги сингари, унинг конструктив хусусиятларидан келиб чиккан: “дутор” атамаси - форсча бўлиб, “икки тон” деган маънони беради. Шуни таъкидлаш лозимки, дутор халқимиз мусиқа маданиятида қўп асрлардан бери истеъмол қилиниб келинаётган “умуммиллий” соз бўлишига қарамасдан, унга нисбатан ўзига хос этник атама қўллаш - одат тусига кирмэган. Аммо, халқ усталари қўлидан ясалган ўзбек дуторлари -- маълум худудлар шевасида ўз номларига эга. Масалан, айрим ҳолларда у, “бобаки дутор” деб ҳам юритилади. Масалан, халқ созандаси А.Абдулхаевнинг таъкидлашича, тоғли Бойсун шевасида у “Бобаки дутор” деб ҳам юритилади.

Ҳозирда мусиқа амалиётимизда қўлланилаётган кўплаб ўзбек анъанавий торли созлари ҳакидаги маълумотлар IX-X асрлардан бошлаб битилган рисолаларда келтирилади. Аммо торли-чертма дутор бундан мустасно: соз тўғрисидаги илмий мулоҳазалар илк бор XV-асрда, Зайнулобиддин ал-Хусайнийнинг “Қонуни илмий ва амалий мусиқий” асарида келтирилган. Кейинрок Дарвиш Али - машхур “Рисолаи мусиқий” асарида (XVII аср) хусусан дутор сози устида тўхталмаса-да, созда ижро қилувчи машхур созандалар ҳақида маълумотлар беради. Аммо, ал-Хусайний таҳлилидаги дуторнинг конструктив жиҳатдан - ҳозирги дуторлардан фарқ қилиши, тадқиқотларда ўрганилган.

Сознинг А.Эйхгорн мажмуасидаги нусхалари эса, ҳозирги истеъмолдаги дуторлардан деярли фарқ килмайди: бу торли-чертма соз турли ижтимоий даврдарда бошқа ўзбек анъанавий торли созларидан фарқли, доимо эркаклар билан бирга аёллар қўлида ҳам ижробоп соз бўлиб келмоқда.

Дутор айрим истеъмол хусусиятлари билан торли-мизробли қашқар рубобига яқиндир. А Фитрат ибораси билан айтганда, дуторда ҳам “бутун эл куйларини” ижро қилиш мумкин; дутор - халқ ва касбий мусиқа турларининг барчасида қатнашиб, “оммавий” созга айланган. Бундан

ташқари, торли-чертма дутор- халқ майший ҳаётида амалий санъат маҳсули - “безак- буюм' сифатида ҳам сақланади: деворга осиғлиқ, жуда бежирим қилиб ишланган дутор - хонадонда ҳукмрон маънавий -маданий муҳитнинг белгиси сифатида қабул қилинади.

Дутор халқ усталари томонидан ясалади: унинг хажми ўзгарувчандир ва бу одатда, дутор косахонасининг катта-кичиклиги билан боғлиқ бўлади. Косахона эса, икки хил: “қазма” ва “қовурға” услубида ишланади: косахонани - алоҳида кесимчадардан биринтириб ясаш анъанаси техник жиҳатдан мукаммал бўлиб, “қазма”, яни яхлит кесимдан ўйиб ишлаш услубига нисбатан кейинрок қўлланила бошланган. Айтиш мумкин-ки, халқ усталари созни - маълум тарихий даврда шаклланган ишлаб чиқариш усули таъсирида ясаб келганлар.

Тарихий манбалардан маълумки, ҳозирда қўлланилаётган анъанавий торли созларнинг кўпчилигига азалдан торлар хом- ашёси- ипакдан бўлиб, вақт ўтиши билан, торлар хом - ашёси ўзгариб келган Дуторда эса, торларни – ишлов берилган тортиш анъанаси асрлар давомида сақланиб келинган. Умуман, дуторда ипак торларнинг қўллана бошланиши - Хитой ва шарқ мамлакатларида қадимдан мавжуд “ипак йўли” - савдо-сотик муносабатларининг ўзаро таъсир натижаси деб тахмин килиш мумкин. Баъзан эса, дуторга пай, капрон, торлар ҳам тортилиб ижро қилинмоқда: бу асосан ҳаваскор ижрочилар фаолиятида учрайди. Одатда, созларда торлар диаметри бир-биридан фарқ қилиб, алоҳида ўрамлардан танлаб тортилади.

Дуторда торлар диаметри бир хил: улар маълум узунликдаги яхлит бўлакдан тортилади. Торларнинг созланиши эса, турлича қўринишларга эга ва улар халқ орасида маҳсус номлар билан аталиб келинади: бу номлар маҳаллий ҳаракерга эга бўлиб, у ёки бу ижрочилик услубининг хусусиятларини ифода этади.

Дутор ижровий-бадиий имкониятларининг шаклланишида унда тарихан анъана тусини олиб қўлланиб келинган хилма-хил зарб усуллари

жуда катта аҳамиятга эга, масалан:

- | | |
|----------------|-------------------|
| 1.“Якка” зарб | 4. “Тескари” зарб |
| 2.“Билак” зарб | 5. ‘Терма” зарб |
| 3.‘Тез” | 6. “Бидратма”. |

Дутор ижровий хусусиятларидан яна бири - косахона қопқоғига дамбадам бармоқ билан уриб зарб бериш - ёғоч қопқоқли бошка ўзбек анъанавий торли созларига хос эмас: бунда кўрсаткич бармоқ копкокга урилиб, асарга - ўзига хос ритмик безак беради. Айрим ижрочилар – қопқоқ юзидан ташқари, баъзан косахона даворларига ҳам худда шу услубда зарб бериб ижро қиласидар. Бу услуг асосан, ракс-чолғу ва хусусан чолғу жанридаги асарларда қўлланилади: қопқоққа тушаётган зарблар - содда, аммо турли ритмик шаклларда бўлиши мумкин. Дуторда фақат 1-юқориги тор оҳангнафисдир. Пастки тор эса, доимо иккиовозликни вужудга келтирувчи омил сифатида қатнашади.

Шуни таъкидлаш лозимки, айрим торли созларнинг конструктив имкониятлари кўповозликнинг ҳар иккала кўринишниа ҳам моънелик килмаса-да, соз табиатида бу хусусият амалий ўрин эгалламайди. Улардан фарқли, торли-чертма дутор - ўзидаги техник имконияти ижро жараёнида амалий тарзда намойиш этади. Айнан шу хусусият - бу созларга айри сифатида қарашни талаб қиласиди: дуторнинг икки торига бир вақтда зарб берилиб, чап қўлнинг бош бармоғини пастки торда, 1- ёки 2- бармоқ, билан эса, юқори торни босиб ижро қилиш натижасида - икки товушнинг маълум оралиқдаги мутаносиб ҳамоҳанглиги вужудга келади.

Таъкидлаш лозимки, шарқ мусиқий-назарий рисолаларида торли созларнинг кўповозлик хусусияти тўғрисида, умуман мулоҳазалар юритилмэган. Бу масала - фақатгина, XIX-асрда рус олигархи томонидан (А.Эйхгорн томонидан), уларнинг мусиқий-назарий қарашлари талабида кўтарилиб юзага чиқди ва кейинчалик чолгушуносликда - торли созларнинг ижровий хусусиятларидан бири сифатида ўрганиб келинди. Айни ижро жараёнида бу хусусият ҳалқ томонидан сознинг “кўповозлик

хусусияти” деб эмас, балки тарихан ёд олинган “садо мазмуни” сифатида идрок этилади.

Ўтган асримизнинг бошларида олима Е.Е.Романовская дуторнинг заиф товуши бордир - деб ёзган эди. (79) Тўғри ундаги бир хил хомашёдан ишланган торлар - ранг-баранг туслар бериш имкониятида эмас. Аммо, создан таралувчи садонинг бир хиллик таассуротида, ундан таралувчи жозибадор товуш ҳарактери, ижровий-бадиий имкониятлар - унинг халқ орасида оммавийлашувининг асосий омиллари бўлиб хизмат қиласиди.

6) Торли -мизробли созлар гуруҳи.

Мизроб билан торга зарб берилганда у ҳаракатга келиб, мувозанат ҳолатидан чиқади ва тебрана бошлайди. Айнан зарб тушган вақтда - баланд ва қисқа товуш ҳосил бўлади. Товушнинг бу ҳарактери - торли-чертма созларга ҳам мос келади. Аммо, бу жараён уларда бошқа услубда - воситасиз кечади. Умуман, мизроб билан ижро қилиш инсон танасининг аъзоси — бармоқ билан чертиб товуш ҳосил қилишдан сўнг пайдобўлганлиги табиий ҳол: торга восита оркали зарб бериш билан, мукаммалроқ товуш сифатига эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Бу гуруҳдаги созларда, турли хом-ашё, шакл ва ҳажмга эга бўлган мизроблар қўлланишига қарамасдан, товуш ҳосил қилувчи зарб ҳарактери бир хил бўлганлиги сабаб - ягона гурухга мужассамлашган. Уларнинг ҳар бири ўз шакл кўринишига, техник-ижровий услуби, акустик тембр хусусияти, истеъмол доираси ва халқ ҳаётида тутган ўрнига эга. Бу созлар, яхлит гурухни ташкил қилсада, баъзан бир-бирига зид айрим ҳолларда ўхшаш ёки бир хил хислатларга эга бўлиб, бошқа ўзбек анъанавий торли созлари ташкил килган гурухлардан каттадир: гурух танбур, афтон ва қашқар рубоби, уд созидан ташкил топган: уларнинг барчаси косахона ва дастага эга. Дасталарнинг 3 таси пардали ва 1 таси пардасиз. Пардалар турли тизимдаги товушқаторларни мужассам қилиб, даста бўйлаб тортилган торлар сони ҳам ўзгарувчандир. Торлар жез, капрон, ичак, пўлат

каби хом-ашёлардан ишланган, ўз навбатида, улардан ташкил топадиган садо ҳарактери ҳам ранг-барангдир.

Мизробли созларнинг умумий хусусияти - уларда бир хил зарб усулларининг қўлланишидадир. Аммо, усулларнинг ҳар бири сознинг ижровий- техник хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида маъно касб этада ва бадиий- ҳарактернинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Танбур. Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, бу сознинг кўпшакллилигига ўз вактида Фаробий алоҳида эътибор берган. Танбурлар - доимо узун дастали, баъзан катта ёки кичикрок ҳажмдаги ноксимон косахонэга эга бўлган торли - мизробли соз. Танбурнинг камон билан ҳам товуш ҳосил қилиш усули мавжудлигини аш-Шерозий эслатиб ўтган. Бу созни Дарвиш Али “созлар ичра устоз соз” деб атэган, исми жисмига монанд, “танни буровчи” қадимий чолғу деб таърифлайди. Мутафаккир адид А.Фитрат эса танбурни ўзбек чолғулари орасида “энг каттаси” деб атэганлар.

Танбур ўзининг тараққиёт босқичларида ўзгариб, такомиллашиб келди. Ҳатто, XIX аср охирида тўпланган Марказий Осиё чолғу мажмуаларидаги танбурлар нусхаси - ҳозирги истеъмолдаги танбурлардан фарқ қиласди. Бу табиий ҳол, чунки ҳар бир янги тарихий-ижтимоий даврда мутаносиб мусиқий тафаккур шаклланади. Маданиятнинг моддий неъмати ҳисобланган мусиқий созлар ҳам. инсоннинг янги эҳтиёж ва талабларига мос равищда ўзгаради.

Танбур, ўрта ва кейинги асрлар маданиятида - сарой хизматида тараққий этиб келди. Ҳозирда ижтимоий қатламларнинг барчаси учун мансуб бўлиб, уларнинг эстетик талабларига бирдек жавоб бера оладиган соз бўлишига қарамасдан, қишлоқ аҳолиси маданий турмушида жуда кам қўлланилади. Танбур шаҳар мусиқа ҳаётида фаоллик қўрсатиб, касбий ижрочи эркаклар томонидан йирик жанрларда ижро қилинади. Бу сознинг бошқа торли-мизробли созлар каби ҳаваскор ижрочилар орасида оммавийлашмэганлигининг асосий сабаби - ундаги ижровий-техник

хусусиятларнинг мураккаблигидадир. Аммо, шунга қарамай, бу сознинг ўзбеклар майший ҳаётида ҳам аҳамиятли ўрни бор; танбур - амалий санъат маҳсулоти, безак-буюм тариқасида қўплаб ўзбек хонадонларида сақланади.

Халқ усталари танбур ясашда анъанавий услуг-тажрибэга асосланади: одатда коса, қопқоқ учун тут, даста қисми учун эса ёнғоқ ёки ўрик дарахтидан кесим танланади Ижрочиларнинг айтишига қарэганда, ёнғоқдан ишланган даста бирмунча оғиррок, ўрикдан ишланган даста эса - енгилроқ вазнга эга бўлади. (қулок ва ҳаррак каби кичик қисмлар кўпинча ўрик дарахти қисмларидан, ҳаррак эса баъзан суюқдан ҳам ясалади.

Халқ орасида танбурлар коса ҳажмига караб, "катта" ёки "кичик" деб юритилади. Хусусан, А.Фитрат шундай деб ёзадилар: "косаси каттасида 13 см x 32 см, кичкинасида 10 см x 29 см бўлади. Ўз навбатида дастанинг узун, қисқа, йўғонлиги коса ҳажми билан боғлик.

Танбур дастасн торли-мизробли гуруҳдаги бошқа созларнинг дастасидан анча узун, ўша 16-19 та ичакдан пардалар боғланган, улардан биттаси, 6-парда яқин вақтгача пастга ва юқорига ҳаракатланувчи қилиб ўрганилар эди. Бундай пардалар ҳақида Фаробий хурросон танбурига изоҳ берганида эслатиб ўтган. Ҳозирги танбур дастасидаги боғлама пардалардан ташқари қопқоқ юзига ўрнатилган пардалар ҳам мавжуд. "Танбурнинг сопидаги (дастасидаги) 16 парда асл парда саналади, коса юзидаги 4 парда "хас парда" аталадир". Аммо, асл ва хаспардалар миқдори ўзгарувчандир.

Халқ усталари, пардаларни-эшитиш қобилиятининг тарихан шаклланган тажриба усули асосида аниқ математик ҳисобсиз, лекин тартибли ўрнатадилар. [47,140] Баъзи усталар пардалар силжиб кетмаслиги учун боғлама пардалар остида ёғоч кесимчалар қўйиб боғлайдилар. Аммо, узлуксиз ижро жараёнида пардалар пастга ёки юқори томонга жуда кичик ҳажмда силжиши табиий. Шу сабабли, ҳатто маълум уста қўлида тайёрланган бир неча танбур пардаларида товушлар баландлиги ўзаро

номутаносиб бўлгани мумкин. Торларнинг қопқоқ устидаги асосий таянчи ҳаррак бўлиб, "танбур кичик бўлса, унинг ҳарраги тубидан юқори уч бармоқ қадар, каттароқ эса тўрт бармоқ қадар узоқликда туради". Иккала ҳарракда ҳам ҳар бир тор учун маҳсус ўйиқлар мавжуд. Торлар баландлиги сунъий усулда, яъни, қулоқлар билан назорат қилинади. Қулоқлар дастанинг бош қисмида, қарама-қарши тартибда жойдашган.

Ҳарракдаги ўйиқларга кийдирилган торларнинг энг юқоригиси оҳангнафис ҳисобланади: чап қўл фақат шу тор бўйлаб ҳаракатланади. Қолган торлар эса ёрдамчи товуш берувчи - садоланувчи вазифасини бажаради. 1, 3 ва 4 - торлар бир хил бадандликда, 2-тор - квартал, квинта ёки секунда интервали оралиғида созланади. Созлашнинг бу турлари ижро қилинувчи асарнинг лад тизими билан боғлиқ ҳолда қўлланишида. Торларнинг секунда нисбати танбурдан ташқари торли мизробли созлардан - уdda, квартал, квинта созланиши - қашқар ва афғон рубобларида ишлатилади.

Торли мизробли гурухга мансуб созларнинг биринчи белгиси товуш ҳосил қилиш жараёнида торни тебратувчи восита - мизробнинг қўлланишидир. Танбурда қўлланувчи ўзига хос мизроб тунука ёки пўлатдан ишланган, бармоқка тақилувчи мослама - нохундир. У бошқа торли-мизробли создардаги қўлланувчи мизроб турларидан кескин фарқ килса-да, товуш ҳосил қилишнинг ягона усули уларни умумий қилиб, мизробли созлар деб аташга ҳукуқ беради.

Нохун билан пастга ёки юқорига зарб бериш орқали тор ҳаракатга келади. Зарб беришнинг дастлабки оддий ва асосий усули барча торли-мизробли созларда бир хил. Оддий зарбларнинг бириккан турларидан - зарблар мажмуаси ташкил топади. Танбур ижрочилигига мавжуд зарб хиллари халқ орасида алоҳида номланиб келинган: "якка" зарб, "қўш" зарб, "уфор" зарб, "рез", зарби "пирранг" зарби, "паррон" ёки "учма" зарб, "тескари" зарб, "билак" зарб. Танбурчи ижрочилар асарнинг моҳиятини ёритиб беришда бадиий- ижровий восита сифатида бу зарб усулларидан унумли фойдаланадилар ҳар бир зарб тури ўз мазмуниг а эга бўлиб, ижро

жараёнида улардан мантиқан ўринли фойдаланиш маҳорат талаб қиласи.

Сознинг ижровий-техник хусусиятларидан яна бири - аппликатура масаласидир. У мажмуа ҳолда - 1, 2 ва 3-бармоқларнинг ўзаро мутаносиб муносабатидан таркиб топган: 1-2, 1-3, 1-2-3. Мажмуадаги ҳар бир бармоқнинг тарихан шаклланган вазифаси қўйидагидан иборат: 1 -бармоқ асосан пардадан пардага сирғалиб ҳаракат қилса, 2 - бармоқ, товушларни бир- бирига боғлаб ижро килишда, 3 - бармоқ эса кўпроқ безак товушларни ижро қилишда қўлланилади. Аммо, таъкидлаш лозим-ки, анъанавий ижрочиликнинг эркин ҳарактерида, бармоқларнинг функционал хусусилти ўзгарувчан бўлиб, бу маҳаллий ижро услублари билан ҳам боғлиқ.

Ўзбек танбур ижрочилигига ўзига хос икки маҳавий услуб мавжуд бўлиб, уларнинг бир - биридан фарқи — айнан чап қўл бармоқларини қўллаш асослари билан боғлиқ. Агар, Бухоро ижрочилик мактабига, бош бармоқни силжитмасдан, қолган уч бармоқни имкониятга қараб секунда, терция, кварта оралиғига ҳаракатлантириш ҳарактерли бўлса, Тошкент-Фарғона услубида бош бармоқ қолган бармоқлар билан бирга силжиб, уларнинг даста бўйлаб ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Танбурнинг ҳар икки услуб ижрочилигига ҳам сақланиб қолинадиган хусусияти эса унинг кўп овозлигидир: ижро жараёнида мусикий матннинг оҳанг йўли энг юқори торда ижро қилинади. Шу сабаб, у оҳангнафисдир. 2, 3, 4 - торлар эса оҳанг йўлига ҳамоҳанг овоз-гармоник фон вазифасинн бажаради. Торли-чертма созлардан фарқли торли-мизробли созларга- қўповозликнинг фақат бир кўриниши - "бурдонли" садоланиш хосдир. У биринчи торда мутаносиб парда билан бирга, очиқ торларга дам-бадам зарб тушиши натижасида вужудга келади.

Танбурнинг жез торларида янграйдиган мунгли, аммо тўлиқ, ширали садо - камер ҳарактерга эга бўлиб, унга яққол эшитилувчи динамик ранг-баранглик хос эмас. Аммо "оғир" табиатли сознинг бадиий-ижровий хусусиятлари ҳар бир ижрочи томонидан алоҳида ўзига хос талқин

қилинади.

Афғон рұбоби. Бу сознинг ўзбеклар ҳаётига қандай кириб келганлиги ҳақида аник маълумот берувчи манба йўқ. Сознинг “афғон” деб этник гурӯҳ номи билан аталиши эса рубобнинг шу гурӯҳ истиқоматидаги ҳудуддан олиб келинганлиги билан боғлик бўлса керак. Баъзан "бухоро рубоби" деб номланиши эса, унинг биринчи бор ўзбеклар томонидан шу қадимий шаҳарда қўлланиши бошланганлигидан далолат беради. Бундай фикр юритишга асос бор.

Манбаларда ёзилишича, асримизнинг бошларида рубобнинг бу тури Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам тарқалган. Кейинрок, таълим тизимнинг барча босқичларида шартли ўқитиш йўлга қўйилганлиги сабаб, истеъмол доираси кенгая бошлаган. Ижтимоий шарт-шароит - соз тараққиётида аҳамиятли бурилиш ясаганлиги натижасида турли жинс ва қатламга мансуб, ижрочилар авлоди юзага келди.

Афғон рубобини ўзбеклар мусиқа ҳаётида асосан касбий ижрочилар истеъмол қиласидар. У танбур ёки қашқар рубоби сингари халқ орасида кенг тарқалган бўлса-да, ўзининг рангин табиати билан ўзбек анъанавий торли созлари мажмуасини бойитиб келмоқда.

Афғон рубобининг анъанавий тури ҳозирда ўз ўрнини конструктив жиҳатдан қайта ишланган кўринишига бўшатиб берди: ундаги чуқур, катта ҳажмли косахона бир мунча ихчамлаштирилган. Торли-мизробли созлардан фақат афғон рубобининг косахонаси яssi асосга эга бўлиб, ён томонларидаги ўйиқлар билан гўёки 2 қисмга бўлинган. Косахона юзига тери копланган: унинг кичрайтириши ҳисобига калта даста узайтирилиб, даста юзида боғлама ичак пардалар ўрнида, эбонит ёки пўлатдан қаламча шаклидаги мустаҳкам пардалар ўртатилган.

Ёрдамчи садо берувчи торлар ҳам ўз ўрнин йўқотиб, фақат асосий 5 та тор косахонанинг туб қисмида пўлат ёки ёғоч илмоқларга илдирилиб, харрак ва шайтон харрак орқали ўтиб қулоқларга ўралган. Қулоклар жуда бежирим қилиб ишланиб, дастанинг бош қисмига ўрнатилган. Бош

қисмнинг орқага қайрилган шакли торли-чертма, торли-камонли созлардан фарқи, мизробли созларнинг барчасига хос: улар косахона катаги кичиклиги, дастанинг йўғон –ингичкалигига мутаносиб ҳажмда ясалади.

Агар илгарики кўринишдаги афғон рубобида торларнинг ҳаммаси капрондан тортилган бўлса, кейинчалик фақат якка тор-ичак торга алмаштирилган. Унинг пишиқ ва кўп чидамлилиги амалий аҳамиятга эга. Бундан ташқари, капрон торларнинг буғиқ, хира товуши билан ичак торнинг йўғон товуши уйғунлашиб камер ҳарактердаги юмшоқ тембрни ташкил қиласди.

Торлар диаметри бир-биридан фарқ қиласди:

жуфт тор - 0,7 – 0,8 мм,

жуфт хор - 1,2 -1,3 мм,

жуфт х ор - 1, 9 – 2,0 мм.

Торларнинг ишчи қисми ўзгарувчан ҳажмга эга: у ҳарракнинг жойлашуви билан боғлиқ. Ҳарракнинг жойлашиши торларнинг пардаларда созланишига таъсир қиласди. Бундан ташқари, у торларга тушадиган оғирликни кўтариб турувчи асосий таянч вазифасини ўтайди. Танбурдан фарқли афғон рубобида барча торлар оҳангнафисдир. Уларнинг оралиғи кварта, баъзан квинта интервалини ташкил қиласди.

Афғон рубобида товуш чиқарувчи восита - торли-мизробли танбурдан фарқ қиласди. Унда мизробнинг бошқа тури - эбонит, суяқ ёки пластмасса каби хом-ашёдан тайёрланган, узунлиги 3-5 см, ишчи қисмининг кенглиги 0,5 - 0,6 мм бўлган юпқа кесимча қўлланилади. Бу каби мизроб - нохундан фарқли бош бармоқ ёстиқчаси ва кўрсаткич бармоқнинг 2 чи бўғини оралиғида ўрнатилиб, ижро қилинади. Товуш ҳосилусули худди танбурдаги сингари ташкил бўлади: торга мизроб билан пастга ва юқорига зарб бериш натижасида турли зарб усуслари ташкил топади.

Айрим зарб усуслари масалан, "тескари", "учирма" зарбларини ижро жараёнида безак тариқасида ҳам фойдаланиш мумкин: таъкидлаш лозим-

ки, анъанавий ижрочиликда қўлланиладиган безакларнинг маълум бир ҳарактердаги турлари юқорига ва пастга урилган зарбларнинг мажмуасидан ташкил топади. Аммо, улар мусиқий матнда "қурилиш материали" сифатида эмас, фақат безак тариқасида қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирда ўзбек чолғу маданиятида анъанавий ижрочилик билан бир қаторда академик ижро услуби ҳам фаолият кўрсатмокда. Унда анъанавий ижро воситалари билан бир қаторда янги шаклланган зарб усуслари, безак турлари қўлланилмоқда. Хусусан, афғон рубоби ижрочилигига қўлланилаётган безак турлари С.Тахалов томонидан мазмун-моҳиятига қараб 2 туркумга ажратилган.

Уларнинг айримлари халқ орасида анъанавий атамалар билан юритилса, айримларига нисбатан олим томонидан ижро хусусиятига мувофиқ ҳар хил атамалар қўлланилган. Биринчи гуруҳни ташкил қилган безаклар, юқорида таъкидланганидек - зарблар мажмуасидан ташкил топиб, “қочирим” безаклари деб аталади: улар техник ҳарактердаги безаклар ҳисобланиб, бу туркумга оддий ва мураккаб безакларнинг қўйидаги турлари киради:

- а) безаклар - форшлаглар типи,
- б) бидратма - трель типи,
- в) сайқал - мордентлар типи.

Бундан ташқари, интонацион ҳарактерга эга бўлган безак турлари алоҳида туркумни ташкил қиласи:

- а) тўлкинлатиш ва нолиш - вибрация турлари,
- б) нолиш ва кашиш - глиссандо турлари.

Афғон рубобида ҳам танбурдаги сингари қўповозликнинг фақат бир кўриниши - бурдонли садоланиш - соз ижро-техник имкониятларидан келиб чиккан ҳолда шаклланган. Анъанавий ижрочиликнинг кўп асрлик удумига кўра ижрочилик фаолиятининг эшлиши қобилияти орқали олиб борилганлиги ҳисобга олинса, соз конструкциясидаги бу имкониятлар ижрочи томонидан мутлақо табиий ҳолда ўзига хос бадиий мазмун

сифатида идрок қилинганигини таъкидлаш лозим.

Қашқар рубоби. Рубобнинг бу тури - ўзбеклар хонадонида оддий кундалик зарурати бўлган буюмдек сақланади. Бунга сабаб - сознинг халк томонидан кенг ўзлаппириб олинганигидир. Унинг ўзбеклар мусиқа ҳаётига кириб келишида - Марказий Осиёнинг қадимги туркий халқларидан бири уйгурлар катта роль ўйнган. Бундан ташқари, сознинг оммавийлашувида, унинг бошқа торли созларга нисбатан конструктив жиҳатдан бир мунча соддалиги катта аҳамиятга эга. Бу соз ижрочилари турли ёшдаги аҳоли, ижтимоий груп, жинслар ўртасида бошқа торли созлар ижрочиларига нисбатан кўп учрайди.

Таъкидлаш лозим-ки, амалиётимизда қўлланила бошланиши билан, соз истеъмолида, кисқа фурсатда - фольклор, касбий ва болалар мусиқаси сайкал топиб, ижрочи ва тингловчи қулоғида маълум тажриба тўпланди. Бу тажриба сознинг халк томонидан севилишига ва "умуммиллий" ' созга айланишида пойдевор бўлди. Халк орасида "қашқар" рубоби - оддийгина қилиб рубоб деб номланади. Бошқа мизробли созлар сингари халқ усталари фаолиятида рубоб ясаш анъанаси ҳам шаклланган. ҳозирда рубобларнинг 2 хили: "техник" ва "концерт"рубоби деб аталувчи кўринишлари мавжуд.

Рубоб - арабча сўз бўлиб, торли соз деган маънони беради. Умуман эса, бу сознинг турли кўринишлари шарқ халқларида кенг тарқалган ва доимо маълум этник груп ёки худуд номи билан қўшб аталиб келинган. Аммо, қашқар рубоби - уларнинг барчасидан ихчам шакли ва содда тузилиши билан ажralиб туради.

Мусиқа амалиётида айни вақтда қўлланилаётган торли созлар ўрганилар экан, ўз ўрнини - қайта ишланган кўринишларига бўшатиб берган айрим торли созларнинг - ҳозирги анъанавий ижрочиликда, бошқа торли созлар қаторида истеъмол қилинаётгани боис, янги конструкциядаги кўриниши таҳлил этилади. Жумладан ҳозирги истеъмолдаги қашқар рубоблари афғон рубоби сингари қайта ишлангандир.

Аммо, уларнинг илгариги рубоблардан фарқи жуда кам. Шакл тузилиши сақланиб қолинган рубоб дастасидаги ичак пардалар мустаҳкам пардаларга, ипак ва мис торлар пўлат, ичақдан ишланган торларга алмаштирилди. Уларнинг диаметри бир-биридан фарқ килади.

1 чи жуфт тор - 0,25 мм;

2 чи жуфт тор - 0,30 мм;

3 чи жуфт тор - 1,04 мм.

Торларнинг оралиғи ҳам турлича: кварта - квинта, кварта, квинта - кварта интервалларига созланади. Торларнинг кварта-квинта созланиши камроқ қўлланилади: ундан асосан мумтоз мусиқа намуналарини ижро килишда фойдаланилади. Рубобнинг биринчи жуфт тори оҳангнафис ҳисобланса, жуфт иккинчи жуфт тори тадқиқотларда "созланувчи" деб аталиб келинган. Унинг моҳияти шундаки, рубобда торларнинг баландлик мутаносиблигини назорат қилишида 1-чи жуфт торнинг маълум ёпик пардаси билан очиқ иккинчи жуфт торнинг октава нисбати текширилади. Масалан: "ля" торида асосий товушга квинта ҳисобланган. Якка тор эса икки хил фаолият кўрсатади: у – ҳам оҳангнафис, ҳам садоланувчиdir. Кўп ҳолларда мусиқий матннинг маълум бўлаклари биринчи жуфғ торда ижро қилиниб, сўнг пастки йўғон торда такрорланади.

Бу ижро услуби, оҳангга ифодавийлик беришидан ташқари, соз тембрининг ранг-барамглигини намойиш қилади. Бунда ижрочи – кўпроқ квинта-кварта созини қўллайди, сабаби - якка торни оҳангнафис ўринда қўллаш учун биринчи жуфғ тор билан октава нисбатида унисон қилиб созлаш ижро учун кулайдир. Созлашнинг бу тури кўпроқ касбий ижрочилар томонидан қўлланилада. Квартада сози эса ҳаваскор ижрочилар орасида кенг тарқалган: одатда улар биринчи оҳангнафис тордан серунум фойдаланиб, пастки йўғон торни деяряи қўлламайдилар.

Қашқар рубобида товуш мизроб билан торга зарб бериш орқали ҳосил қилинади. Мизроб - афғон рубобида қўлланиладиган кесимча билан бир хил шаклда бўлиб, ҳажми кичикроқ ишланади. Зарб усуллари ҳам ҳар

икки созда деярли бир хил. Аммо мизробли бошқа созларда кам қўлланиладиган tremolo усулидан - қашкар рубоби ижрочилигига сермаҳсул фойдаланилади, tremolo (итальянча сўз) - титраб турувчи деган маънони беради. Бу усул зарбларнинг пастга ва юқорига қаратада тез суръатдаги ҳарактидан ташкил топади.

Бу усул -- анъанавий "рез" усулидан ўзининг давомийлиги билан фарқ қиласиди."Рез" усули ҳам зарбларларининг пастга ва юқорига қаратада тез суръатли ҳаракатидан иборат: “ tremolo” дан фарқли “рез” зарб усули - бирмунча қисқа бўлиб, асосан жонли ҳарактердаги асарларни ижро қилишда қўлланилади.

Мизробли созларининг умумий хусусияти - уларда бир хил безак турларининг қўлланишидадир. Агар танбур ва уdda безаклар ижроси - соз конструкциясидаги айрим техник мураккаб хусусиятлар билан боғлиқ бўлса, афғон ва қашкар рубобида улар бир хил ижро қилинади.

Қашкар рубобида у ёки бу безак турининг ижро қилинишида дастадаги пардаларнинг зич, кенг жойлашуви ҳам аҳамиятли. Рубобда юқори пардалар - пастки пардаларга нисбатан зич жойлашган, бу эса ўз навбатида бармоқларнинг эркин ҳаракатини чегаралаб қўяди. Бир неча товушлардан ташкил топган изчилликнинг - зич пардаларда енгил ижро қилиниши сабаб, интоацион ҳарактердаги безакларга нисбатан, "қочирим" туркумидаги безаклар юқори пардаларда кўпроқ ишлатилади. Умуман эса, рубобнинг юқори пардаларидан танбурдаги сингари сермаҳсул фойдаланилади.

Бу мизробли созларнинг умумий томони шундаки, ҳар иккисида ҳам ижро жараёнида керакли мутаносиб баланд пардаларни бемалол ижро қилиш имконияти бор: рубобнинг товуш кенглиги танбурдаги сингари катта бўлиб, бу имконият айниқса ашула йўлларида жуда кўл келади. Шунинг учун, қашкар рубоби танбур сингари - етакчи жўрнавоз соз сифатида ҳам қўлланилади.

Юқорида, пастки ичак торнинг оҳангнафис хусусияти тўғрисида

айтиб ўтган эдик. Умуман, бу торнинг функционал хусусиятлари бир неча: маълум бир куй бўлакларининг сўнгги тактларида - доира усулига мутаносиб ритмик шакллар ижро қилинади ва мусиқий матнда усул устиворлиги мустаҳкамланади. Якка торнинг бу хусусияти - доира жўрлигисиз ижро жараёнида - асарга ўзига хос тус беради. Аммо, ижрочининг ички табиий эҳтиёжи туфайли, бу ҳарактерли хусусият доира жўрлигига ҳам сақланиб қолинади.

Йўғон торнинг яна бир хусусияти - унинг танбур ва афғон рубоби каби мизробли созларда мавжуд бўлган кўповозлик кўринишини вужуд қилишидир: Чуқур тарихий илдизга эга бўлган "бурдон" – шарқ мусиқасида мустаҳкам мавкеъга этадир. У ўзига хос конструктив ва эстетик вазифани бажариб, оҳангнинг ифодавийлигини кучайтиради, ундаги эмоционал образни бурттириб кўрсатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўповозликнинг бу кўриниши - техник жиҳатдан торли-чертма созлардаги "бурдонли" кўринишидан фарқ қилмаса-да, сезиларли даражада чуқур динамик "мазмун"га эга: айниқса кашқар рубобининг оҳангнафис пўлат торлари билан садоланувчи ичак торнинг мустақил рангда жаранглаши - соз ижросида кўповозликнинг янада ёркин эшитилишини таъминлайди. Ўз навбатида бу созда янграётган мусиқий асарнинг бадиийлик хусусиятларига ҳам таъсири қиласи. Аммо йўғон ичак торлар техник жиҳатдан пўлат торларга нисбатан номукаммалдир: ичак торлар ижрочиликдаги айрим нозик жиқатларни ёритиб бера олмайди. Унда турли кўринишлардаги безакларни маромига етказиб ижро қилиш имкони йўқ.

Кейинги пайтда асосан касбий рубобчи - ижроичилар 1, 2 ва 3 бармоқлар билан бирга, жимжималоқ бармоқни ҳам ишлатмоқдалар. Ҳозирда, амалиётимизда анъанавий ижрочиликдан ташқари, "академик" ижро услуби ҳам фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу услуб - ижро асосдарида 4- "жимжималоқ" бармоқ -1,2 ва 3-бармоқлар билан бирга тенг ҳукуқда ишлатилади. Анъанавий ижрочиликда - 4-бармоқнинг қўлланишида ҳам

ушбу услубнинг таъсири ката. Улар юқориги зич пардаларда анча қулай жойлашиб эркин ҳаракатланади. Пастки пардаларда эса - кенг оралиқдаги босқичларга ўтишда ижрочи учун қулай имконият яратади.

Уд. "Уд арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси турличадар. У биринчидан, ёғочи қора тусли дарахтнинг номидир. Уд дастлаб шу дарахтдан ясалган бўлиши керак. Иккинчидан, уд ибораси байрам. туйтомуша, хурсандчиликни ифодалайдиган "ийд" иборасининг маълум формасидир. Бу ўринда хушчақчақлик кайфиятини бағишловчи соз маъносида ҳам келиши мумкин".

Ўзбек анъанавий торли-мизробли созларидан уд - ўрта асрларда нафақат ўзбек халқи аждодларида, балки бошқа шарқ халқларида ҳам жуда кенг таркалган ижробоп созлардан бири бўлган. Бу номдаги соз кўплаб ўрта аср мусиқа назариётчилари рисолаларида таҳлил қилиб ўрганилган: унда ўтказилган тажрибаларга таяниб, илмий назарий асослар яратилган. "Уднинг пардалари ва торлари воситаси билан нағма, жинс, жамъ ва мақомларнинг ташкил этган поғоналари - пардалари кўрсатилиб, тушунтирилиб берилган". Озорбайжон шоири Низомий удни - "Сўғд қуши" деб атаган ва ниҳоят чиройли товушга эга эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Торли-мизробли уд сози асrimизда олиб борилган тадқиқотларда кам ўрганилган. Бунга сабаб, уд созининг ўзбеклар мусиқа амалиётида чиқиб кетганлигидир. Аммо, бу даврнинг аниқ санаси манбаларди қайд қилинмаган.

А.Эйхгорнинг XIX асрда тўпланган Марказий Осиё мусиқий созлари мажмуасида уд ўрин эгалламаган. Аммо, ундан II аср илгари, Дарвиш Али томонидан - "барча созларнинг подшоси" деб таърифланишича, XVII асрда уд жуда кенг тарқалган созлардан бири бўлиб, у ҳозирги нусхадаги уд сингари 6 та жуфт торга эга бўлган. Кейинроқ эса "Шашмақом" туркумли йирик жанрнинг шаклланиши ва унда асосан торли-мизробли танбурнинг қўлланила бошланиши - уднинг амалиётдан чиқиб кетишига асосий сабаб

бўлган бўлиши мумкин. Аммо у бутунлай йўқолиб кетмаган, балки бошқа бир маълум ҳудуддарда истеъмол қилиниб, такомиллашган кўринишда XX аср сўнгги чорагида мусиқа амалиётимизда такомиллашган кўринишда янгидан қўлланила бошланди. Созинг миқдори ҳудудимизда жуда кам бўлса-да, анъанавий мусиқа ижрочилигига ўзига хос мавқеи шаклланган. Бошқа торли созлар қаторида уд ясаш анъанаси ҳам халқ, усталари томонидан аста-секин ўзлаштирилмокда.

Шарқ халқларида ҳозир уд созининг икки кўринши мавжуд: улар пардали ва пардасиз. Ўзбеклар истеъмолидаги уд - пардасиз бўлиб, катта, ноксимон, чуқур ўйилган косахонага эга. соз ясашда фойдаланиладиган хом-ашё асосан ёнғоқ дараҳтидир. Косахона яхлит кесимдан ёки қовурға усулида ишланиб, юзи юпқа қопқоқ билан қопланади. Товуш кучайтирувчи нақшбанд тешикчалар баъзан яхлит, катта диаметрли доира шаклида ҳам ўйилади.

Манбаларда ёзилишича, ал-Киндий даврида (IX аср) уд торларининг 2 таси ипакдан ва 2 таси ичакдан тортилган. Кейинчалик торларнинг барчаси ипакдан тортилиб, улардаги тола сони қуйидагини ташкил қилган: Йўғон торда - 64 та, масласда - 48 та, маснада - 36 та, зирда - 27 та. Йўғон торнинг толалари - Хитой чолғуси цинънинг торлари билан бир хил: бу ўхшашликнинг сабабини - Хитой ва Араб мамлакатларининг Буюк ипак ўйлидаги ўзаро савдо-сотик муносабатлари таъсирининг натижаси деб таҳлил қилиш мумкин ва фақат уд созида эмас, кўплаб торли созлардаги ипак торларнинг келиб чикиш манбанини ҳам худди шу ердан қидириш лозим.

Уд торларининг жуфтланиб тортилиш анъанаси эса, тарихан узоқ даврларга бориб тақалади. Сафи-уд-Дин Урмавийнинг "Китоб-ул-адвор" рисоласида келтирилган уд чизмаси фикримизнинг далили бўла олади. Удда товуш ҳосил қилиш жараёни бошқа мизробли созлардан фарқли, узунлиги 8-9 см келадиган, эгилувчан хом-ашёдан ишланган мизроб қўлланилади.

Ўзбек ул ижрочилигига бу мизроб кам ишлатилиб, асосан афғон ва қашқар рубобида қўлланиладиган мизроб билан ижро қилинади. Бошқа торли-мизробли созлар таҳлилида истифода этилган барча зарб усуллари ул ижро табиатида ўзлаптирилган. Фақат tremolo усулини ижро қилиш бир мунча қийинрок: торлар сони кўплиги сабабли, зарб бериш жараёнида мизроб - пастки ва юкоридаги торларга тегиб, ортиқча товушлар вужудга келтиради.

Аммо, бу усул созда – тўлиқ, юмшоқ, жозибали садо беради. Торларнинг ҳаммаси бир хил хом-ашёдан ишланганлиги сабабли, созга динамик ранг-баранглик ҳарактерли эмас: капрон торлар 2 октавадан ортиқ товуш кенглигига ҳам бир хиллик таъсуротини қолдиради,

Ўрта асрлар мусиқа амалиётида қўлланилган ул - пардали бўлиб, уларнинг сони 8 тага етган. Ҳар бир парда алоҳида номланган. Улар орасида саббоба - кўрсаткич бармоқ, вустан фурс - ўрта бармоқ, бинсири - ўрта ва жимжималок бармоқлар ўртасидаги бармоқ, хинсири - жимжималок номи билан аталади. “Шунга асосланиб айтиш мумкинки. ижро этишда 4 та бармоқнинг ҳаммаси ишлайди”.

Дастанинг пардасиз, силлиқ юзида товушларни интонацион тоза ва аник, ижро қилиш учун ижроидан ўткир зеҳн талаб қилинса-да, айrim безак турларини ижро қилиш учун эса кенг имконият вужудга келади.

“Қоидага биноан, бир халқ бошқа халқдан - ўз эстетик талабларига жавоб берадиган ва мусиқий хусусиятларини етказиб берадиган созларни қабул қилиб олади. Кўпинча бунда - товуш баландлиги пардаларда белгиланмаган созлар қўл келади”. Бизнингча, ул созининг кўплаб шарқ халкларида ижробоп соз сифатида машҳурлигига айнан шу сабаб бўлиши мумкин.

Торли-мизробли улда - асосан мумтоз мусиқа намуналари - сознинг ижровий-техник хусусиятларига мувофиқлаштирилиб ижро қилинади. Бунда мусиқий матнга ўзгаришсиз қолиб, йирик товуш чўзимлари - нисбатан майда бирикмалардан тузилган, турли ритмик шакллар билан

алмаштирилади.

Удда бошқа торли-мизробли созлардаги каби - кўповозликнинг бурдонли кўриниши (пастки торларни дам-бадам уриб ижро қилиш) ҳосил бўлади. Номаълум муаллифнинг "Канз ал-тухаф" рисоласида ҳам (XIV-аср), пастки торларни дам-бадам уриб ижро қилиш услуби - ҳозирги тушунчадагидек - кўповозлик тури деб эмас, балки - зарб усули сифатида таҳлил қилинади. Айтиш мумкин-ки, уднинг кўп асрлик ижро анъанаси ҳозирда ҳам сақланган ҳолда истеъмол қилинмоқда.

в) Торли-камонли созлар гурухи.

Ўзбек анъавий торли созлари орасида - табиатан кескин фарқ киладиган созлар - камон воситасида товуш ҳосил қилинувчи созлар бу - ғижжак ва сатодир: уларда торлар камон билан кўзғатилиши наткжасида, юқорида таҳлил қилинган торли- чертма, торли-мизробли созлардаги қисқа товушдан фарқли - чўзик куйчан ҳарактердага товушни эшитамиз. Бу каби ҳарактерли товуш - тордарнинг катта тезлиқдаги тебранишидан ҳосил бўлади: инсон танасининг альзоси ёки нисбатан содда восита - мизроб билан торларни бундай тезлиқда тебратишга эришишнинг жисмонан имкони йўқ.

Шуни таъкидлаш лозимки, Фаробий ва Ибн Синолар ҳам торли созларни таснифлашда, торларнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган товушнинг - айри сифатга эга эканлигини доимо таъкидлаганлар.

Мазкур гуруҳдаги созларнинг - фаркли шакл қўриниши, истеъмол доираси, баъзан эса бир-бирига зид техник-ижровий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлса-да, уларда торни тебратувчи ягона турдаги восита - камон ва деярли бир хил камон тортиш усуллари қўлланилади: бу уларнинг энг умумий томонидир.

Ғижжак. Сознинг номланиши бизнингча, унда бирламчи товуш ҳосил килган жараёнидан келиб чиқсан: торлар камон билан пастга қаратадортилганда "ғиж" юқорига ҳаракатланганда "жак" каби товуш беради. Хазрат Навоий ғижжакни - "энг дилкаш оҳанглар ижрочиси" деб

атаганлар. Бу торли- камонли соз турли кўринишларда шарқ халқларида етакчи ижробоп соз сифатида қўлланиб келинган. Ижро хусусияти мураккаб бўлишига қарамасдан ўзбеклар ҳаётида, барча ижтимоий қатлам ва жинслар орасида ғижжак ижрочилари етишиб чиқсан: халқ мусиқасининг барча жанрларида қўлланувчи ғижжак "умуммиллий" созга айланган.

Ғижжакнинг бошқа ўзбек анъанавий торли созларида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларидан бири- унда ижро техникасининг имкониятлари билан турли ҳодиса ва нарсаларнинг товуш ўхшатмасини ижро қилиш мумкин, масалан: эшик очиб ёпилиши, хўroz қичқириши, кулги ва ҳакозолар. Аммо, соз табиатида унинг майший эмас балки "концерт" фаолияти устун бўлиб, у асосан касбий ҳарактерга эга.

Ғижжак тўғрисидаги илк маълумотлар - унинг тасвири билан бирга, XIV асрда ёзилган номаълум муаллифнинг "Канз-ал-тухад" деб номланган рисоласида учрайди. Тасвирдаги соз - ҳозирги нусхадаги ғижжаклардан деярли фарқ килмайди: маҳсус тайёрланган хом-ашёдан ярим шар шаклида косахона алоҳида ишланади. У яхлит бўлакдан ёки торли-чертма дутор сингари "қовурға" услубида ясалади.

Косага туташган даста 2 хил услубда: анъанавий думалок ёки ясси шаклда ишланиб, қуи томонидан косахонага туташади. Юза қисми эса калтароқ ишланади: унинг узунлиги 26 смни ташкил қиласи. Дастанинг бош қисми - унга юқоридан ўрнатилган гумбазча билан биргаликда 16-17 смни ташкил қиласи: у торли-мизробли созлардан фарқли, дастага тик ҳолда ўрнатилган бўлиб, ундаги қулоқлар шакли қубба ёки шар шаклидадир.

Таъкидлаш лозимки, соз конструктив жиҳатдан маълум бир композиция асосланган: ундаги косахона ва қулоқлар мутаносиб шаклида ишланган. Улар турли ҳажмда бўлса-да, созга мантикий мазмун берад. Косахона юзи юпқа тери билан қопланган бўлиб, унинг остидан косахона тубига тик қараб пўлат таянч туртиб чиккан. Унга ўрнатилган тиргагич

ўтган асрда қўлланилган ғижжклар кўринишида бир-мунча узун бўлган: у - ўтирган ҳолда ерга тираб ижро этиш учун мослаштирилган бўлиб, ҳозирда созни ижро қилиш ҳолати ўзгарганлиги сабаб, тиргак анча кисқартирилган. Ҳозирда ғижжак тизза устита қўйиб чалинади.

Ғижжакнинг торлари пўлатдан бўлиб, улар косахонанинг ярмигача кўтарилиб келган мис ёки пўлат кесимча - тор тутқичга туташтирилган: пўлат торларни таранг тортиб туриш учун бу каби хом-ашё жуда қўл келади. Анъанадан чекиниб, торли-камонли ғижжакда харрак косахонанинг юқори қисмида жойлашган. У арксифат ёки 8 раками сифатида ишланиб, торлар - маҳсус ўйиқларда турли баландликда жойлашади ва ҳар бирида алоҳида камон тортиш учун имконият яратилади.

Ҳозирги гижжаклар 4 торли бўлиб, уларнинг 2 таси соф пўлатдан, колган 2 тасида пўлат асос мис билан ўралган. Турли дааметрдаги торларнинг садоси ҳам бошқа-бошқадир: 1 чи тор - кучли, ёрқин, 2 ва 3 торлар - юмшок ва нозик, 2 чи йўғон тор - бўғик, кучсиз ҳарактерга эга. Торларнинг ишчи қисми 31 смни ташкил қиласи. Ҳозир асосан торларнинг квинта нисбати қўлланилади.

Ғижжакда товуш ҳосил қилувчи восита - камондир. Ҳозирда скрипка камони техник жиҳатдан мукаммалиги сабабли, анъанавий камонларни истеъмолдан сиқиб чикарди. Аммо, камон қўллашнинг анъанавий услуби сақланиб қолинган: ижрочилар - скрипкачилар сингари камонни "юқоридан" эмас, балки "пастдан" ушлайдилар. Камон тортиш усуллари - ижро қилинмоқчи асар темпи, ҳарактери, ундаги товуш чўзимларига мос равищда текис ёки бошқа ҳарактерда бўлади. Анъанавий ижрода кўпроқ майин, чўзик ҳарактердаги камон юритиш услублари қўлланилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, камон юритиш услубарининг халқ томонидан қўлланувчи маҳсус атамалари йўқ, улар асосан товуш сифатини ифода қилувчи иборалар билан бир хил аталиб келинган. Бу услублар академик ижрочиликда қўлланувчи **detashe** ва **legato, martele** усулларига

ўхшашдир. Камоннинг тор буйлаб янада текис, равон ҳаракатига эришиш учун, ундаги қилларга ижро қилишдан олдин, махсус модда (канифоль) билан ишлов берилада. Халқ ижрочиси А. Абдулхаевнинг таъкидлашича, илгариги даврда жийда дарахти танасидан ажралиб чиқилган шилемшиқ модда куритилиб, худди шу мақсадда фойдаланилган.

Ғижжакнинг калта дастасига пўлат торлар жуда таранг тортилган. Уларни босиб ижро қилиш - бошқа сифатдаги торларда ижро қилишдан бирмунча мураккаброк. Бундан ташкари ҳар бир торнинг ўзига хос ранги бор: икки ёндаги торлар кўпли овоз бериб, ҳарактерли тембрга эга, ўз навбатида уларнинг динамик имконияти ҳам катта. Ўрта торларда эса юқори позицияларга чиқилган сари, динамик имкониятлар чегараланиб. товуш заифлашиб боради.

Шундай бўлса-да, ғижжакнинг 4 тала торига ҳам оҳангнафислик хос: улар мусиқий мантнинг соф оҳанг йўлини яқдил овозда ижро киладилар. Сознинг техник ижровий хусусиятлари - унда ижро қилинувчи асар фактурасини ҳам белгилаб беради торли-камонли созларга - торли-мизробли ёки торли-чертма созлардаги сингари кўповозлик хусусияти ҳарактерли эмас.

Торли-мизробли уdda чал қўл бармоқларининг барча торлардаги эпчил ҳаракати - торли-камонли ғижжакка ҳам хос. Паст торларда асосан октава оралиғидаги товушларни ўз ичига олувчи 3-4 чи позициялар, 1 - торда эса юқори позициялардан серунум фойдаланилади. Сўнгги вақтда етишиб чиқаётган ғижжакчи касбий ижрочиларнинг бошланғич босқичда академик услубда тарбиялаганликлари ўз белгисини бермокда: анъанавий 1-, 2-, 3-бармоқлар билан бирга 4-жимжимилик ҳам техник ҳарактердаги безакларни ижро килишда қатнашмоқда.

Халқ ижрочиларнинг айтишича, безакларни ижро килишда, бармоқларнинг функционал ўрни доимо ўзгарувчандир. Масалан, интонацион ҳарактерлиги тўлқинлатиш безакларини - айрим ижрочилар кўпроқ 1-бармоқ билан, айримлари 2-бармоқ билан ижро киладилар.

Худди шу ҳарактердаги глиссандо сифат безакларни эса айрим ижрочилар асосан 1 -бармоқ билан ижро киладилар Умуман, пардасиз дастада ижро қилишнинг ўзига хос хусусияти - ижрочидаги табиий равишда юзага келувчи ички интонацион эркинликдир ва бунда бармоқлар фаолияти - маълум даражада ижрочи индивидуал услуби билан боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки. кўп ҳолларда нисбатан мукаммал товуш ва хусусиятларга эга бўлган скрипка – ғижжак ўрнида қўлланилмоқда: унда косахона ёғоч қопқоқ билан қопланиб, нисбатан кучли ва ўткир товушга эга. Скрипка амалий жиҳатдан бирмунча қулай бўлишига қарамасдан ғижжакнинг майин, куйчан товуш ҳарактери халқ мусиқасининг барча жанрларида ўзига хос сифат намоён қиласи.

Сато. Бу ном билан аталувчи соз - ўрта асрларда битилган мусиқий рисолаларда учрамайди. Аммо камон билан ижро қилинувчи танбур ҳақида аш- Шерозий эслатиб ўтади: у кучсиз, бироқ инсон овозига яқин турадиган товушга эга. Мусиқий лугатларда эса, сато - сетор сози билан бир хил таърифланади, у 10-12 та садоланувчи торларга эга бўлиб, камон билан ижро қилинувчи созидир. Сетор Қашкарда таркалиб, Ўзбекистонда кам учрайди. Халқ ижрочиларининг таъкидлашича "сато" - "сетор" сўзидан олинган.

Аммо ҳозир ўзбек мусиқа амалиётида қўлланилаётган сато 30-40-чи йилларда яратилган, танбурнинг камон билан ижро қилинувчи кўриниши бўлиб, уни ўзбек халқининг йирик соз устаси уста Усмон Зуфаров 1935 йилда яратган . У дастлаб танбур - сато, кейинчалик сато деб атала бошлаган. Сато халқ, орасида торли-камонли ғижжак сингари оммавийлашмаган. Ҳатто унинг ижрочилари ҳам саноқли: улар асосан танбурчи-ижрочиларидир. Бунга сабаб - сознинг ижровий техник хусусиятларининг мураккаб ҳарактери ва албатта истеъмол доирасининг чегараланганлигидадир. Аммо сознинг, кишини сеҳрловчи салобатли товуши - уни ўзбек анъанавий торли созлари орасидан ажратиб туради.

Сато танбурдан ташқи кўриниши: косахона шакли ва ҳажми, даста йўғонлиги ва бош қисмининг ишланиши билан фарқ қиласи. Сато косахонаси ўзбек анъанавий торли созлари косахоналаридан кескин фарқ

қилади: у 3 қисм - қаватдан иборат бўлиб, кўп ҳолларда турли дараҳт навларидан ишланади: косахонанинг қуи айлана томонлари юқорилаб, бурчиник туртки ҳосил қилган. Соз конструкциясидаги бу мураккаблик асосида имкон қадар мукаммал товушга эришиш мақсади қўйилган.

Ўз навбатида косахоиа ҳажмига мутаносиб йўғон даста ишланган. Унинг косахона билан биринкан кенглиги 45 см, бош қисмидаги кенглии 35 смни ташкил қилади. Қопқоқ юзидағи товуш узайтарувчи тешикчалар, шайтонҳаррак, ҳаррак, торгир каби кичик бўлаклар - худди танбурдаги сингари шаклда, фақат каттароқ ҳажмда ишланган. Ҳарракнинг бир ён сатҳи оҳангнафис торлар учун баландрок қилиб ясалади: шу орқали билан камон юргазиш учун қулай шароит туғилади.

Сатода - ғижжакда қўлланиладиган скрипка камонидан фойдаланиб камон тортиш усуллари бу созда бир мунча чегараланган: унда кўпроқ портаменто, детате, легато каби камоннинг текис ва кенг ҳаракатидан ташкил бўлган усуллар қўлланилади. Ғижжакда қўлланиладиган martele усули - сато табиатига хос эмас; сато техник жиҳатдан ғижжакка нисбатан номукаммал торли соз.

Сатода торли созларнинг икки гурухига мансуб хусусиятлар мужассамлашган: агар товуш ҳосил қилиш жараёнида камон юритиш техникаси ғижжакдаги сингарн бўлса чап қўл бармоқларининг ҳаракати торли-мизробли танбур сози билан бир хил. Сато дастасида ҳам торли-мизробли танбурдаги сингари боғлама пардалар мавжудлиги сабабли, интонацион ҳаркатердаги безакларни - торли-камонли ғижжакдагидек эркин ижро қилиш имконияти йўқ.

Умуман, сато дастаси - ўзбек анъанавий торли созлари орасида энг узун ҳажмга эга. У вертикал ҳолда ушланиб, косахонанинг туб томони тиззага қўйиб ижро қилинади. Созда камон юритиш услублари ғижжак билан бир хил ижро қилинса- да, позицияларни қўллаш турли ҳарактерга эга: сатонинг вертикал ҳолатдаги узун дастасида бошланғич позицияларни ижро қилиш мумкин. Мензура кенглиги ва чап қўл бармоқларининг нисбатан катта оралиқда жойлашиши – уларнинг пардалардаги ҳаракатини мураккаблаштиради.

Шундай бўлса-да, сознинг юмшоқ жез торлари - унинг диатоник тартибда жойлашган пардаларида эркин вибрация қилиш имконини беради. Сатонинг салобатли тембия камер ҳарактерда бўлиб, унга динамик ранг-баранлик хос эмас, умуман, торли- камонли созлар гуруҳида ғижжак ва сато табиатида кўп тафовутлар бўлса-да, бошқа ўзбек анъанавий торлар созлардан кескин фарқ килувчи, оҳангнинг куйчанлик сифати ҳар иккала созга ҳам хос.

г) Торли-урма созлар гуруҳи.

Гуруҳ - ягона торли-урма соз - чангдан ташкил топган. Унда маҳсус восита - таёқчалар билан, торга юқоридан пастга қаратади уриб зарб берилади ва шу заҳоти қисқа, лекин акс садо берувчи жарангдор товуш ҳосил бўлади.

Торларга таёқча билан уриб ижро қилиш бир қараща камон тортиш ёки мизроб билан зарб берганга нисбатан қулайдек туюлади. Аммо косахона ва дастага эга бўлган 2, 3, 4, 5 ёки 6 торли созлардан фарқли, чангнинг нисбатан кўпгорлиги созда бирмунча мураккаб ижровий сифат мавжуд қиласи: чанг - қашқар рубоби сингари ижробоп, танбур каби катта мавкеъга эга бўлмаса-да, ўзининг ажиб “жонли товуши” билан ўзбек анъанавий торли созлари қаторида алоҳида ажралиб туради [91;29].

Чанг. Ўрта асрлар тарихий - илмий рисолаларида, миниатюраларида арфасифат соз - чанг номи билан аталиб келинган. Уларнинг торлари - вертикал ҳолда тортилиб, ҳар иккала қўлнинг бармоқлари билан - торлар тирнаб чалинган. Аммо, арфасифат чанг билан бир қаторда ҳозирги тушунчамиздаги чанг сози ҳам бирга қўлланилганлигини далилловчи манба йўқ. Фақат Дарвеш Алининг ёзишича таёқчалар билан уриб чалиш услуби VI-асрда ҳам мавжуд бўлган. XIX-асрга келиб, рус сайёхи Ликошин - Тошкентда дунганлик - мусофириларнинг цимбалога ўхшаш созда ижро қила бошлаганлиги ва кейинчалик маҳаллий машшоқларнинг бири созни ўзлаштириб, халқ оҳангларини ижро қила бошлаганлигини ёзади.

Ҳозирги истеъмолдаги чанг - сознинг қайта ишланган кўринишидир. Унинг чангдан асосий фарқи – диатоник товушқаторнинг хроматик товушқатор билан алмаштирилганлигидадир. Бундан ташқари, илгари

ўтириб ижро қилинган чанг – ижрочиликнинг янги шакллари талабларига мослаштирилган унга оёклар ва маҳсус товуш сўндиригич ўрнатилган. Кейинги 50 йил давомида ўзбек халқ усталари фаолиятида чангнинг янги кўринишдаги нусхасини ясаш анъанаси ҳам шаклланди.

Соз трапеция шаклидаги асос қутидан иборат: қутини ташкил килувчи “чорчўп”нинг кенг томони 72 смни, қарши - қисқа томони 54 смни, қия томонлари 40 смни ташкил қиласди. Эни 11 см ли чорчўпнинг юзи ва қуий томони тут қопқоқ билан қопланган. Қутининг ўнг томонида пўлат торлар учун - пўлат қулоқлар, чап томонида эса торларни илдириш учун худди шу хом- ашёдан илмоқ - қозиқчалар ўрнатилган; қозиқчалар миқдори - қулоқлар миқдори билан бир хил. Торлар қопқоқка кўндаланг йўналишда таранг тортилган. Улар торли-мизробли рубоб, торли-камонли фижжакнинг пўлат торларига нисбатан қисқа тортилганлиги сабабли катта тарангликка эга. Торларнинг бу техник хусусияти ҳам созда жарангли садо ташкил бўлишида аҳамиятлидир.

Торли-урма чангда - торларнинг- жойлшувидаги мураккаб хусусият шундаки, ўзбек анъанавий торли созларида торлар ягона ҳарракга таянса, чангда - ўнг ва чап, юқорги қўшимча - нисбатан калта ҳарракнинг мавжудлиги торларни уч гуруҳга бўлади. Бу гуруҳларда товуш ташкил бўлиш тартиби ҳам турлича; ўнг ҳарракдан ўтувчи торлар — биттадан, чап ҳарракдан ўтувчи торлар — квинта нисбатидаги иккитадан товушни, қўшимча юқориги ҳаррак эса кичик секунда нисбатидаги иккитадан товушни беради.

Ўзбек анъанавий торли созларидан фақат торли-урма чанг ва торли-тирнама қонунда торлар учланган. Уларни созлаш якка ёки жуфтланган торларни созлашга нисбатан мушкулрок. Тор ўралган қулоқлар - торли-чертма, торли-мизробли, торли-камонли созларда - бевосита қўл билан ҳараатлантирилса, чангда маҳсус мослама - пўлат калит - қулоқларга кийдирилиб, керакли баландликгача ўнг ва чап томонга оҳиста буралади. Созда зарб берувчи восита - 21-22 смли 2 та бир хил эгилувчан таёқчалардан иборат.

Таёқчаларнинг бир учиға - сунъий хом-ашё - резина ёки чарм

қопланган. Чарм қопламаси - учланган торларга бирдек урилиб, юмшок тушади. Қопламанинг товуш ҳарактерини шакллантиришдаги ўрни шундаки, қопламасиз таёқча билан ўралган пўлат торлар - жуда кучсиз товуш беради. Қопламалар - таёқчалар вазнини оширади - бу эса, ўз навбатида товуш кучига таъсир килади.

Чангда - бошқа ўзбек анъанавий торли созларидан фарқли товуш ҳосил қилиш жараёнида - ҳар иккала қўлнинг функционал ўрни бир хил: улар торларга навбатма-навбат зарб беради.

Торга кетма-кет зарб тушганда, товунлар акс-садоси қўшилиб, шовқинни вужудга келтиради: шовқинни сўндириш учун - оёқ билан ҳаракатга келтириладиган махсус мослама - сўндиригич ёки қўл кафтидан фойдаланилади. Бу жараён ижроидан эпчиллик талаб қиласи: чангда кўпроқ майда товуш бирикмаларидан тузилган ритмик шакллар қўлланиши сабабли, ўнг ва чап қўл фаолиятида ҳам худди шу сифат жуда муҳимdir.

Сознинг серҳаракат табиатида - зарблар, уларнинг хилма-хил турларини мусиқий-ифодавий восита сифатида мантиқий қўллай билишни ижро қилиш жараёнида бир неча зарб усуллари қўлланилади:

- 1. Pizzicato col legno** - таёкчанинг қопламасиз, тескари учи билан торни тирнаб чалиш.
- 2. Vibrato**- жаранглаб турган торни бармоқ билан босиб тебратиш.
- 3. Glissando col legno** - таёкчанинг қопламасиз, тескари учи билан торлар устидан юқоридан - пастга, пастдан - юқорига қарата сирғалтириб чертиш.

Торли -урма чангда - исталган оралиқдаги икки товушни бирга ижро қилиб, қўповозлик вужуд қилиш мумкин. Аммо, бу услуб – анъанавий ижроиликда ноўриндир. Чангда - табиий, ижро-техник имкониятларидан келиб чиқадиган қўповозлик - хусусияти тадқиқотларда жуда аниқ истифода қилинган: “Сознинг имкониятлари — ёпиқ полифония услубининг қўлланиши учун имкон яратади. Бу - эшитиш қобилияти воситасида вужуд бўладиган тасаввурий орган пункти: кенг интервалларнинг сакрами ҳаракатида - пастки товушнинг юқориги оҳанг йўли билан бирга садоланишидан ташкил топади”.

Чанг - ижробоп ёки оммавий соз сифатида ўзбеклар майший ҳаётида деярли қатнашмайди: у ўзининг кенг бадиий имкониятлари билан асосан турли жинсдаги касбий ижрочилар қўлидаги соз. Таълим босқичларининг барчасида ўқишига йўлга қўйилганлиги сабабли, созга қизиқишнинг ортгани ва маълум давр мобайнида ўзлаштирилиши натижасида ўзбек анъанавий чанг ижрочилигига икки хил йўналиш шаклланди. Биринчиси-Фахриддин Содиков ижрочик мактаби бўлса, иккинчиси Фозил Ҳарратов ярагган чанг ижрочилиги мактабларидир.

д) Торли-тирнама созлар гуруҳи

Мазкур гурух ҳам торли-урма гурух сингари «ягона соз - қонундан иборат. Создаги умумий қўриниш: асос ҳажми, торларнинг қўпсонлиги - уни кўпинча чангсифат деб қарашлигига сабаб бўлади. Аммо бу икки созда товуш ҳосил қилиш услуби бир-биридан фарқ қиласи: улардаги зарб беришда қўлланиладиган восита ва ўз навбатда зарб ҳарактери ҳам турличадир. Торли-тирнама қонунда товуш ҳосил килувчи восита - торли-мизробли танбурдаги сингари бош бармоқка такиб ижро қилинади.

Аммо танбурдан фарқли конунда - нохун билан пастга ва юқорига эмас, торларнинг фақат юқори қисмидан пастга қараб зарб берилади. Бу услуг, торли-тирнама чангга ҳам хос, аммо унда маҳсус хом-ашё билан қопланган, юмшоқ, тўмтоқ учли таёкча билан юқоридан тик ҳаракатда туширилган зарб - тўғридан-тўғри торларнинг юза қисмига тушади.

Қонунда эса пўлат ёки мис каби каттик асосга эга бўлган уткир учли восита билан торга зарб берилганда – нохуннинг оҳиста тирнама ҳаракати - торларни фақат юқори томондан тебратади. Шу фарқ сабабли қонун, торли - урма ёки торли-мизробли созлар гуруҳига мансуб бўлмай, товуш ҳосил қилиш услубининг ҳарактерли хусусияти билан мустакил гурухни ташкил қиласи.

Қонун. Бу сознинг жуда нозик сержило садосини ўз вақтида Навоий - "кўнгилни ларзага солувчи" деб таърифлагандир. Сознинг шакл нусхаси билан бирга батафсил маълумотларни номаълум муаллифнинг "Канз-алтухаф" рисоласида учратиш мумкин (XIVаср) [109]. Аммо ундан илгарироқ Сафи-ад-Дин Урмавий – қонуннинг трапеция шаклдаги соз

эканлигини эслатиб ўтади. Айрим тадқиқотларда эса Фаробий даврида истеъмол қилинган кўп торли маъзиф сози – кейинчалик қонун деб номланган, деган фараз ҳам келтирилган.

"Қонун - эллинизм дунёсидан мерос бўлиб колган" - деб ёзди Дарвиш Али ва ўз давригача маълум ва машхур қонунчи ижрочилар номларини тилга олади. Демак, қонун ўрта асрлар мусиқасида жуда кенг қўлланилган ижробоп соз бўлган. Бу фикримизни турли шарқ бадиий мактаб мусаввирлари томонидан - Фирдавсий, Навоий асарларига чизилган миниатюра асарлари ҳам тасдиклайди. Уларда қонун - аёллар ва эркаклар қўлидаги текис трапеция сифат асосга эга бўлган кўпторли создир.

Аммо қонун маълум давр, хусусан ҳудудимизда истеъмол қилинишидан тўхтади. Қонунга нисбатан енгилроқ ижровий хусусиятларга эга бўлган торли - урма чангнинг қўлланила бошланиши, балки қонунни амалиётдан сиқиб чикарган бўлиши мумкин. XIX асрда бу соз ижрочиларнинг Туркистонда деярли учратмаганлигини А.Эйхгорн таъкидлайди: у тўплаган созлар мажмуасидаги қонун – сознинг ҳудудимиздаги сўнгги нусхаларидан бўлиб, унда ҳозиргидан фарқли торлар капрон эмас, пўлатдан ишланган ва диатоник тартибда жойлашган.

Қонун уд сингари бошқа шарқ ҳалклари мусиқа ҳаётида қўлланиб такомиллашди ва бизнинг амалиётимизга асrimизнинг охирги чорагида янгидан кириб келди. Унинг сон микдори уд сози сингари кам, чунки созни ясаш анъанаси бизнинг ҳудудимизда ўзлаштирилмаган: қонун асосан Кавказ орти ҳалклари истиқомат қилувчи ҳудудлардан олиб келинган (хусусан Арманистондан). Ҳудудимизда маҳсус касбий қонунчилар йўқ: улар асосан чангчи- ижрочилар томонидан ўзлаштириб ижро қилинади. Аммо созни мустақил ўзлаштирган ижрочилар ҳам бор: улар орасида аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ учрайди.

Қонун асосан тут дарахтидан ишланиб, текис асосга эга. Асоснинг катта қисми ёғоч қопқоқ билан қопланган бўлиб, нақшбанд товуш кучайтирувчи тешикчаларга эга. Асоснинг ўнг томонида эса квадрат шаклидаги ўйиқлар бўлиб, улар тери билан қопланган: уннг устига

кўндаланг туширилган ёғоч ҳарракнинг узунлиги - 38 см. баландлиги - 2,5 см. Қонун товушқаторининг асосини 25 та капрон торлар ташкил килади: уларнинг 22 таси учланган, 3 та йўғон пастки торлари жуфтланган бўлиб, диатоник тартибда. Қопқоқ бўйлаб, кўндалангига - ўнг томондан тор илгаклар, чап томокдан эса ёғоч қулокларга туташтирилган бўлиб, улар маҳсус калит билан бир хил баландликда созланади. Қопқоқнинг чап томонида, торлар остидан вертикал ҳолатда устунча ўрнатилган бўлиб, унда ҳар бир учланган тор учун иккитадан пўлат ҳаррак мавжуд.

Ҳарраклар пастга ва юқорига ҳаракатлантирилганда асосий товуш баландлиги ярим тон пасттга ва юқорига чиқиб тушади. Ҳар бир асосий товуш - бутун тон оралиғида, баландликни ўзгартириш имкониятига эга бўлиб, дастлаб ижро қилинаётган асар тоналлигига мос товушқатор ҳосил қилинади. Ижро жараёнида, асарда. тоналлик ўзгариши эҳтимоли бўлса, у ҳолда ижроидан маҳсус ҳарракларни бошқариш учун ҳам маҳорат талаб қилинади.

Такомиллаштирилган қонуннинг – илгариги қўринишидан фарқи ҳам, айнан шу техник қурилманинг ижро имкониятига катта таъсиридан келиб чиқади. Ҳозирги қонунлар ҳажм нуқтаи назаридан ўрта асрларда қўлланилган қонунлар ҳажмидан деярли фарқ қилмайди: асоснинг пастки, кенг томони 94 см, қарши-қисқа томони - 35 см, кўндаланг томони - 79 смни ташкил қиласи. Қонун ўтирилган ҳолатда, тизза устига қўйиб ижро қилинади. Созда қўлланувчи нохуннинг учки қисми танбурдагидан узуроқ ҳажмда ишланади. Баъзан ижроилар эбонит мизробни нохун девори ва бармоқнинг юза қисми орасига маҳкам қистириб ижро киладилар: эбонит мизробдан фойдаланишдан мақсад - торга, зарб беришда қуайликка эришишdir.

Қонунда оддий тирнама зарб, уларнинг бириккан турларидан ташкил бўлувчи, нисбатан мураккаб зарб усуллари қўлланилади. Торли-чертма, торли-мизробли созларда қўлланиладиган зарб усулларининг техник ва интонацион характердаги безак турларининг фақат айримларигигина қонунда қўлланилади. Бу - соз ижровий-техник имкониятлари билан боғлиқ. Масалан: оддий безакларнинг мордент типи кўпроқ, бидратма -

трель – типи кам қўлланилса, интонацион ҳарактердаги нола безагини ижро қилиш мураккаб бўлса-да, жуда серунум ишлатилади.

Умуман қонунда ўнг ва чап қўлнинг узлуксиз давомли ҳаракатиги эришиш - ижрочидан техник имконият талаб қиласди. Агар торли-чертма ва торли-мизробли созларда фақат бир қўл ҳаракати, торли-урма чангда иккала қўл билан торлар юза қисмига урма чўплар билан узлуксиз зарб бериш қулай бўлса, қонуннинг товуш ҳосил қилиш услубида бу имконият чегараланган. Шу туфайли торли-мизробли ва торли-урма чангда кўп қўлланувчи *tremolo* усули- қонунда нисбатан қисқа "рез" зарб усули билан алмаштирилади. Аммо бошқа гурухлардан фарқли - торли-урма чангдаги сингари *glissando* усули қонунда жуда серунум қўлланилади: у қонунда жуда ижробоп бўлиб, ҳам зарб усули, ҳам безак сифатида қўлланилади.

Қонунда торларнинг барчаси бир хил хом-ашёдан тортилгани учун соз тембрига ранг-баранг тус бера олмаса-да, пастки нисбатай йўғон ва юмшоқ товушларнинг жуда нозик ва ширали садоси - ижро жараёнида асарни бадиий жиҳатдан ёритувчи бўёқ вазифасини ўтайди.

Қонун шарқ ҳалқлари мусиқасида фольклор за касбий мусиқа жанрларида истеъмол қилинади. Ўзбек соз ижролигида эса - бу сознинг истеъмол доираси фақат касбий мусиқа турлари билан чегараланган.

Шундай қилиб, ўзбек анъанавий ижрочилик мактаби амалиётида қўлланилаётган торли созларни - маълум белгилар асосида анъанавий тасниф тизимида ўрганиш натижасида қуйидаги хulosаларга келдик:
Ҳар бир мусиқий сознинг тарбия воситаси сифатидаги ҳарактери - ундаги бадиий-ижровий имкониятларнинг мажмуи сифатида юзага келган мусиқий табиатида ниқобланган бўлиб, жуда кенг қамровда таҳлил этилишини талаб қиласди.

Мусиқа маданиятимизнинг моддий белгилари - мусиқий созларнинг ижровий-бадиий имкониятлари - ҳалқ ижтимоий-маданий ҳаётида шаклланувчи эстетик тизимидағина юзага келиб, унинг таъсирида тараққий қиласди.

Мусиқий созларнинг конструкцияси тембр-акустик имкониятлари,

товушқатори, созланиши ва товуш ҳосил қилиш жараёни ўзига хос мусиқий -услубий хусусиятларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат килади. Ўз навбатида ушбу хусусиятлар - ижро жараёнида бадиий характернинг шаклланишида жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбек анъанавий торли созларининг ҳар бири - уларда шаклланган услугбий жиҳатлари билан мусиқанинг тарбиявий ҳарактерини тингловчига етказиб берувчи қурол сифатида мусиқа амалиётимизда мустақил равишда фаолият кўрсатади.

Ўзбек анъанавий торли созлари мусиқий-услубий жиҳатдан бирбиридан фарқ қилган ҳолда, ўзига хос ижровий-бадиий имкониятлари билан ягона функционал - эстетик тизимни ташкил қилади ва бу тизим таркибида улар доимо ўзаро таъсир қилади.

Хулосаларни жамлаб таъкидлаш лозим-ки, мусиқий созларни таснифлаб ўрганиш услуби - аввало улардаги бадиий-ижровий имкониятларнинг ёритилишида энг ихчам дастур сифатида қўлланилиши мумкин. Мусиқий созларни бу каби ёндашиб тадқиқ этиш - ўзбек мусиқа амалиётида қўлланилиб келинаётган созларни бадиий тарбия "қуроли" сифатидаги жиҳатлари ва шу билан бирга, миллий чолғу ижрочилигимиз маданияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Монографиямизнинг иккинчи боб мақсадига мувофиқ, Марказий Осиё аллома-олимлари мусиқий педагогик меросида қўлланилган тадқиқ услубларининг ҳозирги педагогик амалиётга тадбик этиш жараёнида амин бўлдикки, мумтоз анъаналар замонавий истеъмол доирасининг ўзига хос хусусиятлари билан уйғунлашган ҳолдагина маълум ижобий самаралар бериб, ўз қимматини сақлаб қолади. Айниқса, бунда қўлланилаётган тадқиқ услубининг моҳиятан ижтимоий аҳамият касб этгани жуда муҳим омилдир.

Масалан, Марказий Осиё аллома-олимлари мусиқа илми таркибида мусиқий созларни таснифлаб ўрганиш анъанавий услубини қўллаш орқали, *биринчидан*, уларнинг (мусиқий созларнинг) узоқ тарихий тараққиётида шаклланган мусиқий-услубий хусусиятларини - халқ миллий

-этник ҳарактери, унинг эстетик -маънавий эҳтиёжлари даражасини акс эттирувчи моддий белги - ижтимоий ҳодиса сифатида, *иккинчидан* эса, мусиқа каби маънавий тарбиявий омилнинг моддий қуроллари сифатида таҳлил ва талқин этдилар. Ҳақиқатда амалиётимизда қўлланилаётган ҳар бир мусиқий соз қўп асрлик маданиятимизнинг моддий неъматлари ҳисобланиб, уларда янграйдиган оҳанглар ўзининг миллий-мусиқий “мазмуни” билан руҳиятимизга сингиб киради, тасаввуримизда миллатимиз санъати тимсоли сифатида гавдаланади.

Демак, уларни ўрганиш аввало асрлар оша бизгача етиб қелган халқимиз анъаналари ва шу билан бирга миллий мусиқий фикр тарихини ўрганиш демакдир. Монографиямиз муаммоси сифатида ўрганилаётган мусиқий созларнинг бадиий - ижровий имкониятлари эса —халқ маданий-мусиқий ҳаёти, хусусан, халқ ижрочилик мактаби этнопедагогик тамойиллари асосида шаклланган миллий хусусиятларни тўлалигича қамраб олган бўлиб, шу омилнинг ўзигина мусиқий созларни ўрганишда мумкин қадар кенг тадқиқ доирасини танлаш заруриятини туғдиради.

Марказий Осиё чолғушунослигида аллома-олимлар томонидан қўлланилган мусиқий созларни таснифлаб ўрганиш услуби ҳам серкирра ҳарактери билан эътиборли бўлиб, тадқиқотимиз жараёнида ихтисослаптирилган ўқув даргоҳларида методологик дастур сифатида “Ансамбл ижрочилиги”, “Кўшимча чолғу”, “Чолғу ижрочилиги”, “Мусиқани ўқитиш методикаси” каби ўқув фанлари иш режасида синаб кўрилган ва талабаларда билим, малака ва кўникумларнинг чуқур ўзлаштирилиши, ижрочилик маҳоратининг юксалишида муҳим омил эканлиги амалий натижаларда исботлаб берилди,

Мулоҳазаримизни жамлаб хулоса қилишимиз мумкин-ки:

Мусиқий созларни таснифлаб ўрганиш - энг қулай ва шу билан бирга энг муфассал ҳарактердаги тадқиқ услуби ҳисобланиб, ўқув жараёнида мустақил -ижодий, илмий фаолиятнинг ташкил этилишида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мусиқий созларни таснифлаб ўрганиш жараёнида талаба-ёшлар томонидан билим, малака ва кўникумларнинг нафақат назарий, балки

амалий жиҳатдан асосланиб, онгли равища чуқур ўзлаштирилиши таъминлаб берилади.

Мусиқий созларни таснифлаб ўрганишдан мақсад - бизни ўраб турган ижтимоий- маданий, маънавий муҳитнинг бир бўлаги сифатида юзага келган мусиқий-эстетик тизимнинг моҳиятини талаба-ёшлар томонидан имкон қадар тўлақонли идрок этилишига эришиш ва миллий маданиятимиз унсурларини назарий илмий жиҳатдан ёритиб беришдир.

Марказий Осиё аллома-олимлари қўлланган мумтоз услуб-анъаналар - ўз моҳиятига қўра , бизни ўраб турган ҳақиқатни илмий ҳарактерда билиш ва эришилган натижалардан бевосита жамият тараққиёти. инсон тарбияси ва унинг келажак манфаатларн йўлида фойдаланиш мақсадига асосланади. Бизнингча, ушбу хусусиятнинг ўзигина анъаналарнинг ҳаётийлигини таъминлаб берувчи асосий омиллардан биридир.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиliga эришиши унинг тарихий тараққиётида туб ўзгаришларга олиб келди, миллий уйғониш ва миллий қадриятларни тиклашга кенг йўл очди. Истиклол йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий, сиёсий, иктисадий, маънавий-маърифий, тарбиявий мағкуравий ислоҳотлар натижасида ўзбек халқи, қадимги туркий халқлар миллий маданиятларини тиклаш имконияти туғилди. Миллий ўзликни англаш жараёнининг амалга оширилиши эса ўзбек халқи миллий анъана, қадриятлар, тарихан шаклланган этнопедагогик асосларни кайла тиклашда муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳакикат, Марказий Осиё, хусусан, ўзбек халқи маданий мероси жуда бой ва кўхнадир. Маданият ва санъатнинг қайси тури бўлишидан катъий назар Марказий Осиё халқлари з маънавий мероси билан жаҳон цивилизациясига жуда катта ва салмоқли хисса қўшишган. Бу нарса жаҳон халқлари томонидан тан олинган ва эътироф этилган.

Айниқса, Марказий Осиё халқларининг. мутафаккир олимларининг мусиқий ижоди жуда беназирдир. Диссертацияда тадқиқ этилган муаммолар, қўйилган максад ҳамда уларни ҳал этиш асосида белгиланган асосий хулосалар куйидагилардан иборатдир:

1.Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг энг қадимги

ўчоклари дандир. Ёзма манбалар, археологик ёдгорликлар, қадимги асориатикалар - буларнинг бариси бизнинг юқоридаги холосамизга таг-замин ясайди. Қадимги туркий халқлар, Турон, Туркистон, Мовароуннахр мусиқа маданияти тарихи шундан далолат беради-ки, ушбу минтака маданияти ўзига хос, анъаналар асосида пайдо бўлди, шакланди. Шу аснода таъкидлаш мумкин-ки, Марказий Осиё мутафаккир-олимлари томонидан хусусан, мусиқа илми соҳасида яратилган маънавий мерос тасодифий эмас, аксинча, табиий равишда асосли ва моҳиятан мавжуддир.

2.Мусиқа - инсон маънавий руҳий ҳолатининг инъикосидир. Марказий Осиё мутафаккир-олимлари томонидан яратилган мусиқий-илмий мерос - энг аввало минтақа халқлари миллий-руҳий ҳолатининг ижтимоий буюртмаси асосида пайдо бўлди ва шакланди. Ушбу заминда азалдан истиқомат қилиб келаётган халқларнинг мусиқий маданиятида юзага келган жанрлар, яратилган бадиий-етук асарлар, қўлланиб келинган турфа хил созлар - маҳаллий халқнинг мусиқий тафаккури, унинг эстетик талаб-эҳтиёжларини акс эттирувчи белги сифатида намоён бўлиб тараққий этиб келди.

